


11 1991

ياش كويچ




Изоҳи ўзингизга ҳавола.

Рассом Равшан ЭГАМБЕРДИЕВ



● Раддия ● Кўкорол манзаралари ● Ўзбек миллий мактаби
● Шеърият ● Ақл ва одоб бобида ● Шикоятларга жавоб келди



Тошкент Темир йўл касалхонасининг кўли
енгил ҳамшираси — Озода СИДДИҚОВА.

Суратчи — Умарали ХУШВАҚТ

МУСТАҚИЛСАН,

ЎЗБЕКИСТОН!

Узоқ давом этган зулмат тунларидан сўнг тонг отиши нур ва ёруғликка ташна дилларга қанча қувонч ва сурур бағишласа 1991 йилнинг 1 сентябрида халқимиз ана шундай қувонч ва сурурни, таърифларга сизгамайдиغان масрурлик ва бахтиёрликни ҳис қилди. Озодлик бахти ҳамма бахтлардан устивор эканлигини барчамиз билар эдик. Лекин афсуски, озод ва эркин эмас эдик — демак умумхалқ бахти, бахтиёрлиги йўқ эди. Бори ҳам қоғозда, ранги ўчган шiorларда эди. Дўстлик ва тенглик деган алдоқчи шiorлар оёғимизга кишану, большевизим гоёси бўйнимиздаги занжир эди. Занжиру кишанлардан озод бўлишни гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона орзу қилар эдигу, лекин бу эзгу мақсад ва гўзал орзуну рўёбга чиқаришга на иқтисодий, на сиёсий имкониятимиз, на ана шу иқтисодий ва сиёсий имкониятни яратишга қурбимиз бор эди. Большевизим деб аталган сеҳрли афсун таъсирида қолиб, ярим уйқу, ярим мудроқ ҳолатда на тарихимиз билан, на

бўлганимизча йўқ. Озодлик берилмайди, тортиб олинади, деган гап бор ва у фармону буйруқлар билан рўёбга чиқадиган акция ҳам эмас. Озодлик мустақилликнинг бошланишидир. Мустақиллик эса ички ва ташқи душмандан ҳимоя қила оладиган, ер усти ва ер остига тўлиқ ва сўзсиз эгалик қила оладиган, ўтмиш маданиятига муҳаббат билан қарай оладиган ва эҳтиётлайдиган, ўз тарихи билан фахрлана оладиган ва қадриятларини дунёга кўз-кўз қилиш орқали халқини улғулайдиган, ўз ҳудудида қонун ва эркин фармонлар чиқариб унинг ижроси учун кураша оладиган, ўз иқтисоди ва сиёсатини ҳеч кимга қарам бўлмаган ҳолда мустақил юрита оладиган, ўз фуқаросининг ҳақ ва ҳуқуқини инсон ҳуқуқлари декларацияси асосида чинакам ҳимоя қила оладиган Давлат бўлишини тақозо қилади. Шундагина биз Мустақил бўлиб мустақиллик пиллапоясидан аста-секин юқорига кўтарила бошлаймиз ва ўша юқорилик даражасида туриб бутун дунёга кўз ташлаймиз, бутун дунё ҳам бизни яққолроқ кўриб ўзгача муносабатда бўла бошлайди.

Куллик ва мутелик психологиясидан зудлик билан қутилишимиз керак.

Тарихимиз билан фахрлиниш кайфиятини яратишимиз керак.

Миллий қаҳрамонларимиз шаънига ёмон сўзларимиз учун улардан кечирим сўрашимиз керак.

Миллий заминда, миллий мактаб, миллий армия яратиш йўлларини ахтаришимиз даркор.

Иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлмагунча сиёсий жиҳатдан эркин бўлмаймиз, қўлимиз калталигича, овозимиз пастлигича қолаверади. Ишлаб чиқаришга ҳозирги замон фан ютуқларини кенг жорий қилмагунча, жаҳон илғор технологиясидан ақлли ва унумли фойладанишни йўлга қўймагунча ўз ишбилармонларимиз, ўз корчалонларимиз, ўз сиёсатчиларимиз, ўз ҳуқуқшуносларимиз, ўз савдогарларимизни оёққа турғузмагунча, боринги, жаҳон маданияти, жаҳон савдосига кимлардир ҳада қилаётган «эшикчалар» орқали эмас, ўзимизнинг катта дарвозалар орқали чиқмагунча иқтисодий тараққиётга эришолмаймиз. Бу, бор гап! Ана шу буюк

ОЗОДЛИК

ТОНГИ

тарихий маданиятимиз билан, на буюкларимиз билан фахрланар эдик. Ҳатто баралла овоз билан:

— Ким эдик тарихда бизлар,

Нонга зор, қашшоқ, гадо,— дея бутун дунёга эшиттириб ашула ҳам айтар эдик.

Баракалла, Оврупа демократларига!

Баракалла, рус демократларига!

Ана шуларнинг таъсирида сиёсий онгимиз, мустақиллик ҳақидаги тушунчамиз аста-секин шакллана бошлаганини чин дилдан тан олишимиз керак. Унгача биз энг адолатли тузум бизники, энг бахтиёр халқ ўзимиз, энг саодатли, нурли истиқбол эгалари ҳам фақат бизнинг ўзимиз бўламиз деб бутун дунёни ишонтирмақчи бўлаётган эдик. Бутун дунё устимиздан қулар эдию, лекин биз тўхтамай ашула айтар эдик, ўйинга тушар эдик. Бизни тўхтамай ўйинга тушишга ким мажбур қилаётганлиги ҳақида кўпам ўйлаб ўтирмас эдик, ўйлашга йўл қўймас эдилар.

Халқ озодликни кўмсарди,

Халқ ўзини англашни истарди,

Халқ поймол бўлган ғурурига малҳам

ахтарарди.

Ниҳоят озодлик куни ҳам келди. Биринчи сентябрь ана шундай улғу ва қутлуғ кун бўлди. Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимаганидек, озодлик деганлари билан ҳали тўлиқ озод

Озодликка эришишдан кўра уни сақлаб қолиш оғирроқ бўлади деган ақида бор, бу фикрни олий кенгашимиз депутатлари ҳам қайта-қайта таъкидлаб ўтдилар. Ҳар биримиз ҳам бу ақидани бот-бот такрорлаб ўзимиз-ўзимизга эслатиб турмоғимиз даркор. Мустақиллик умумхалқ бахти, бахтиёрлиги экан, унга эришиш ва уни эъозлаш ҳам умумхалқ ҳаракати орқали бўлиши табиийдир. Эрк ва озодлик қадрига етадиган тўққиз ёшдан тўқсон ёшгача бўлган барча фуқаро бу ҳаракатда иштирок этиши табиий. Бу борада айниқса ёшларимизнинг фаоллиги гоёят зарур бўлади. Мустақиллик асоратига тушгандан буён беҳад кўп қурбонлар бердик. Тарихимиздан, бой ўтмиш маданиятимиздан, аждодлар эҳтиёт сақланг дея бизга мерос қолдириб кетган инсоний қадриятларимизнинг аксариятидан маҳрум бўлдик. Ермак, Иван Грозний, Пётрларнинг босқинчилик урушларини ўрганар эдигу, Хоразмшоҳлар тарихини билмас эдик, Евклид геометриясини ўқир эдигу, ватандошимиз Ал Хоразмий билан ишимиз йўқ эди, Ломоносов кашфиётларини қийналиб бўлса ҳам тушунтирар эдилару, Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний»си ҳақида лом-мим демас эдилар.

ҳаракатлар ичида ёшларимизнинг фаоллиги ҳамма фаоллардан устунроқ бўлмоғи даркор. Мустақиллик ёшларимизга бекордан-бекорга берилгани йўқ. Худо, эй бандам, умрни сенга эҳтиёт қилиш учун бердим, деган экан. Худди шундай мустақилликни ҳам бизга эҳтиёт қилиш, сақлаш, ривожлантириш учун олиб бердилар.

Ҳар бир йигит-қиз, ҳар бир ўсмир «Мен ва менинг авлодим озод ва эркин яшамоғи учун босқинчи ва колониячиларга қарши жангларда ҳалок бўлганлар ҳаққи, граждандар уруши йилларида босмачи деб босмачилар томонидан лаънатланган, аслида ниёти холис, қалби пок миллий қаҳрамонларимиз ҳаққи, ва қатағон йилларида қамоқхоналарда фарёд чекиб умри хазон бўлган Ота-боболаримиз ҳаққи, халқимнинг эркинлиги ва давлатимнинг мустақиллиги учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини бажаришга ҳамиша тайёрман», деб ҳар куни, ҳар соатда такрорлаб турмоғи лозим.

Ҳа, Озодлик тонги отди. Кетидан келади қуёшли, чароғон куннинг мазмундор, сафобахш ва қувончли бўлиши энди ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди.

Худойберди ТҲУТАБОЕВ.



Совхоз ишчилари тушликда

«КҮКОРОЛ» ЖАЁЛЛАРИ



Далада чой ичишнинг ўзгача гашти бор дейди оилавий пудратчи Солибой УСМОНОВ.



3-бўлим илғор ишчиси Зебо УСМОНОВА



3-бўлим механизатори Тожибой ЖАЛИЛОВ



3-бўлим илғор ишчиси Марҳабо ХУДОЙБЕРДИЕВА



Ферма механизатори Ҳаким КЕНЖАБОЕВ

Сураткаш мухбиримиз Умарали Қўшвоқов билан Тошкент вилояти Бўка туманидаги «Кўкорол» давлат хўжалигидан қайтаётганимизда мени бир савол Тошкентгача қийнади. Суратларга бир боқинг-а, яратиш ишида офтоб тигига қарамай меҳнат қилаётган дала меҳнаткашлари ҳақида нима ҳам дейиш мумкин. «Балли, азаматлар» деган сўзни улар кўп эшитишган. Эҳтимол кулиб турган чехралари 600 минг нусхада бутун жумҳуриятга тарқалиши уларни мамнун ҳам этар. Лекин мухбир сифатида менинг вазифам уларни хушнуд этишгина эмас, балки шу меҳнат ҳақидаги ҳақиқатни айтиш ҳамдир.

Афсуски бу аччиқ ҳақиқатни айтиш пайти келди. Меҳнаткашлари арзимаган ҳақ олиб эртаю-кеч ишлаётган «Кўкорол» давлат хўжалиги ДАВЛАТдан 4000000 сўм қарздор. Нима учун қарздор, деган саволга ҳар хил жавоб топиш мумкин. Пахтанинг харид нархи икки баравар ошгани билан кимёвий ўғит, техника ва бошқа хизматлар салкам 3-5 баравар ошди.



Маккажўхориқорлик бригадаси бошлиғи (ўнгда) Рахматқул МАМАДАЛИЕВ ва сувчи Абдунаби ХОЛИҚБЕРДИЕВ.



3-бўлим илғор ишчиларидан бири Иноят НИШОНОВА

Лекин менимча кўкоролликларнинг, ўзбекистонликларнинг — дала меҳнаткашларининг касаси ҳамон оқармаётганлигига биринчи навбатда ер ҳамон давлат монополиясида эканлигидир. Ер мулк сифатида хусусийлаштирилмас экан, меҳнатнинг Советлар диёрини қашшоқлар ўлкасига айлантирган калхўз, совхўзчилик шаклига аввал аста-секин, кейинчалик биратўла барҳам берилмас экан, деҳқоннинг касаси ҳеч қачон оқармайди.

Кўкоролдан қайтаётганимизда йўл бўйида шундай бир шиорга кўзимиз тушди: «Деҳқон бой бўлмас экан, ишчи ҳам, зиёли ҳам бой бўлмайди».

Афсуски ҳатто доно шиорлар билан ҳам ақлли бўлиш мумкин эмас. Биз эса кўпинча ўзимизнинг аҳмоқона ишларимизни ақлли шиорлар билан пардалашга ўрганганмиз.

Деҳқонни ҳам, ишчини ҳам бойитишнинг бир йўли бор, деган эди Ленин. Бунинг учун деҳқон ва ишчининг тепасида турган партия, совет раҳбарларининг ўртача ойлигини



Аср тенгдоши Фотима буви МИРЗАҚУЛОВА 70 ёшли ўғли Абдуқаҳҳор ака билан.

ишчининг ойлиги билан тенг қилиб қўйиш керак. Ана шунда улар ишчи-деҳқонларнинг ўртача ойлигини ошириш орқали ўзларининг маошларини кўтариш пайдан бўладилар. Ана шунда улар меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларини ҳаётга жорий этиш ҳаракатига тушадилар.

Лениннинг кўпгина доно фикрлари қатори унинг ушбу ҳикматли ўғити ҳам асарларида чанг босиб ётибди.

Мен кўкороллик оддий бир деҳқоннинг ойлиги қанчаю, туман (фирқа) кенгаши раҳбарининг маоши қанча эканини билмайман. Лекин кенгаш раҳбари магазиндан 100 сўмга олган молни деҳқон 300-400 сўмга ҳам ололмаслигини яхши биламан.

Кўкоролликлар эса бу йил ҳам хўжалик раҳбари Хабибилло Абдуллаев етакчилигида пахтадан мўл ҳосил олиш учун курашаверадилар...

Бахтиёр КАРИМ, «Еш куч»нинг махсус муҳбири.



3-бўлим сувчиси Пардавой УМРЗОҚОВ



Наргиза БҮРИЕВА ва Феруза ПАРПИЕВА далада



Молбоқар Баҳодир ЭРГАШЕВ

бугуннинг қайғуси— эртанинг белгиси



Миллий мактаб ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этапти. Шубҳасизки, уларнинг кўпчилиги эътиборга лойиқ. Ана шуларни жамлаб, маълум бир тўхтама келиш халқ таълими мутасаддиларига ҳавола. Шу ўринда биз миллий мактаб хусусидаги суҳбатни давом эттириб Фарғона вилояти Киров тумани халқ таълими бўлимининг мудирини Набижон Махсумов, мактаб директорлари, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фикрларини диққатингизга ҳавола қиламиз.

Набижон МАХСУМОВ:

— Матбуотда миллий мактаб хусусида жўяли фикрлар айтилмоқда. Бироқ турмуш уларнинг қай бирини танлаши ҳали аён эмас. Биз шунча йил ака-опалари мактаб формасида қатнаган болаларни миллий кийим кийиб кел, деб мажбур қилмаймиз. Лекин, ўқувчилар миллий кийимда келишни истасалар, марҳамат. Тажрибада шу нарса кузатилдики, ўқувчиларга истаган кийимини кийиш ҳуқуқи берилса, улар ҳар турли матоҳларни кийиб келадди. У қимматбаҳо бўлса сиёҳ-пиёҳ тўкилиб кетса кўнгилсизлик юз бериши мумкин. Иккинчидан, бу ҳол бошқа бировларнинг дилини ўкситиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу маънода миллий мактаб формаси хусусида ўйлаш керак.

«Ёшлик» ойномасининг 5-сонида ёзувчи Эмин Усмоннинг халқ таълими вазирига очик хати эълон қилинди. Ёзувчимизнинг куюниб айтган гаплари нафақат Вазиримизга, балки барча маориф ходимларига ҳам тегишлидир. Айниқса, адабимизнинг ёзувчи, шоирларни илм даргоҳларига, мактабларга чорлаш ҳақидаги фикри маъқул бўлди. Бунда нафақат шаҳар мактаблари, балки чекка қишлоқлардаги ўқувчиларни ҳам эътиборга олишларини истар эдик.

Миллий мактабга ўтиш даври ҳам аста-секинлик билан амалга ошириладиган жараён. Бу биринчи галда ота-оналарга, ўқитувчиларга ва директорларга боғлиқ.

Мажбурий таълимда ҳам ўзгаришлар юз бериши керак. Баъзи ўқувчилар ота касбини эгаллайди. Косибчилик ёки дурадгорликни болалигидан ўрганади. Уларда ўқишга иштиёқ бўлмаса мажбурлаб мактабга олиб келишнинг зарурати йўқ. Мажбурий таълимни 12-14 ёшгача жорий этиш мақбулдир. Бунини ҳам пухта ўйлаб, кейин амалда қўллаш лозим.

Ҳозир биз ўқитувчиларни тоифага ажратиб ҳақ тўлаш усулини жорий этишни мўлжал қилаямиз.

Ўқитувчилар тўрт тоифага ажратилади.

Олий тоифа тажриба ва малакаси юқори бўлган, мақолалари матбуотда эълон қилинган ўқитувчиларга берилади.

Табиийки, бу манфаатдорлик ўқитувчиларни изланишга чорлайди. Ўқувчиларнинг бугунги ҳақида қайғуришимиз, эртанги умидли кунимизнинг, саодатли кунларнинг белгисидир.

Энг муҳими, Миллий мактаб ҳақида ўйлаётиб ҳам болаларнинг тарбияси, билим олиши зарурлигини унутмаслигимиз керак.



Куйбишев номидаги 1-мактаб директори:
— Бугунги кунда турмушимизга биз қачонлардир орзу қилган урф-одатларни қайтариш имкони туғилганидан мамнунмиз. Шу маънода мактабларда эски ўзбек ёзувимизни ўқитиш бошлангани қувонарли. Ҳамма гап ўзимизда қолди. Яхши мутахассис ва эски ёзувга меҳр бўлса ўзлаштириш осон кечади. Ойнома ва рўзномаларда тарихимизга оид кўплаб маълумотлар берилаётир. Биз ана шундай мақолаларни ҳам ўқувчиларимизга етказишимиз керак. Миллий мактаб эса шарт эмас. Кўплар эски мактабларнинг афзаллик томонларини гапирди. Нима бўлганда ҳам у ўтган давр. Унга қайтишнинг зарурати йўқ. Биз ҳал қиладиган бошқа нарсалар ҳам кўп.



Мақмуджон МАМАДАЛИЕВ, Алишер Навоий номидаги 3-мактаб директори:

— Ҳинд донишмандларидан бири «Қайси халқ миллий ғурурини, ифтихорини йўқотса ҳалокатга маҳкумдир», деган эди. Қанчалик аччиқ бўлмасин тан олишимиз керак, биз маҳкумликка қараб кетаётган эдик, тўғрироғи, бошқариш ҳуқуқини олган раҳбарларда ана шу ғурурнинг йўқлиги бизни маҳкумга айлантираётган эди. Уйлаймизки, Масковдан эсаётган шамоллар бизга ҳам етиб келади.

Ўқувчиларимизга маънавий меросимизнинг калити бўлмиш эски ёзувни ўргатиш имкони берилган даврда ундан фойдаланишимиз керак. Миллий мактаб бўлса нур устига нур. Иложи бўлса ўғил болалар алоҳида, қиз болалар алоҳида ўқитилишидан ташқари, қизларга аёл ўқитувчилар, ўғилларга эр ўқитувчилар дарс бериши керак.



Азиза НАЖМИДДИНОВА, Муҳаммаджон Йўлдошев номидаги 27-мактаб директори:

— Миллий мактаб билим олишнинг, ўқиш ва ўқитишнинг қадрсизланишига чек қўйилса, уни тезроқ жорий этиш керак. Бироқ қай кўринишда бўлади? Ана шуни тўла кўз олдимга келтира олмайман. Бошқа ҳамма соҳадаги хатоларни тузатиш мумкин. Бироқ гап мактаб тақдирини ҳақида кетганда ўйланмаган, тажрибадан ўтказилмаган тадбирни қўлламаслик керак. Ахир бу бутун миллатимизнинг эртанги кунини, тақдирини. Болаларнинг бугунги тарбияси, савияси мени қониқтирмайди. Адабиётимизнинг, илм-фанимизнинг энг яхши намоёндаларини мактабга жалб қилиш керак.

Бугун диққат эътибор мактабга, мактабга ва мактабга бўлишини истардим.



Эркиной МАҲКАМОВА, 27-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси:

— Қадриятимиз тикланаётган шиддатли замонамизда ўқитувчининг роли ҳам ошди. Бироқ бунга муносиб бўлиш бизнинг қўлимиздан келармикин? Бизнинг ўн йиллаб қилган меҳнатимизни бир кунда, бир зумда чиппака чиқарадиган фильмлар мавжуд. Ана шундай қуролларга қарши қуруқ

топиш зарур.

Тил-адабиёт ўқитувчиси нафақат предметнинг ўзини, балки халқимизнинг урф-одатларини ҳам ўргатмоғи шарт. Бундан ташқари ўқувчиларни гуруппаларга бўлиб ўқитсак дарс самарали бўлади. Гоҳо 30-35 та ўқувчини бир синфга қамаб дарс ўтишга тўғри келадики, бунда ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи азият чекади.



Дурдона МУЙДИНОВА, 27-мактабнинг 10-синф ўқувчиси:

— Ўғил болалардан ажралиб ўқисак балки яхши бўлар. Миллий мактаб фақат ташқи томони билан чекланиб қолмаслиги керак. Мактабда каштачилик, тикувчилик ўргатилса. Бу нарсалар баҳо ё ҳужжат

учун эмас, ўзимиз учун керак-ку ахир. Гоҳо партада эмас, палосда ўтириб сабоқ олгим келади.


Нега тенгдошларимнинг Анбар Отин, Увайсий, Зебунисоларга ўхшагиси келмас экан? Албатта ўхшагиси келади.



Рамз АБДУҚОДИРОВ:

— Қизлар билан ўқиганимиз яхши. Агар ажратиб ўқитиладиган бўлса, биринчи синфдан бошлаш керак. Лекин, тарбияни шу билан яхшилаб бўлармикин? Балки, ахлоқсизликларнинг илдишларини катталардан қидириш керакдир? Нима бўлганда ҳам укаларимнинг бизга ўхшашларини истамас эдим.

Ўзбек миллий мактаби
Қондоғил бўлиши керак



Гулноза ҒАНИЕВА:

— Агар миллий мактаб ҳозирги ўқитувчиларимиз билан ташкил қиланса бунинг фойдаси бўлмас деб ўйлайман. Масалани қандай мактаб эмас, қандай ўқитувчи ҳал қилади. Бунда форма ва шакл эмас, мазмун бўлиши асосийси. Аввало, бизга яхши ўқитувчи

керак. Яхшики, ҳам билимли, ҳам оққўнгил бўлсин.

Абдураҳмон ЖҲРАЕВ ёзиб олди.



Қизиқарли дарс!

Илгимдин келгунча

Золим тиғин ушатиб

Мазлум жароҳатиға

Интиқом малҳамин қўйдим.

Алишер Навоий

Бошимизга тушаётган ноҳақликлар ҳақида ёзмоқчимиз сенга «Еш куч!» Биз Навоий шаҳридаги 2-хунар-техника билим юртида таълим олганмиз. Қасбимиз асли тўқувчи. Амалиётни «Навоий азот» бирлашмасида ўташимиз, шу ерда ишчи бўлиб қолишимиз керак. Бу бирлашма «39 нафар кадр тайёрлаб бер» деб билим юртимизга ариза берган. Шунга биноан группа очилиб, биз ўқишга қабул қилинганмиз. Ҳозир бу ердаги катталар ўзлари айтган гапга риоя қилишмаяпти. Бизни ишга олишмаяпти. Қолбуки бу бирлашмада ишчи етишмайди. Агар бу ерда бошқа миллатга мансуб кадр келса дарров иш топилади. Биз ерлик аҳолига келганда эса — йўқ. Мана, анчадан буён ишга жой-

Биз ўзбеклар меҳнаткашмиз. Меҳнат қилишда японлардан ҳам ўтиб кетамиз. Жисмоний меҳнат қилишда. Биз ўзбеклар ялқовмиз. Ақлий меҳнат қилишда баъзи африка халқлари биздан анча олдинга ўтиб кетган. Ҳатто шу қадар ялқовмизки, дўппини ерга бир сония қўйиб ўйлашга ярамаймиз: нега японлар дунёда энг бой-бадавлату, биз қашшоқ яшаймиз? Бунинг сабаблари нима—ўйламаймиз. Уйлашга эринамиз. Уйлай бошлашимиз билан калламиз (бошимиз эмас) оғриydi. Қўлимизга китоб ё рўзнома тушса латифа қидирамиз. Афанди устидан кулишга. Лекин ўз устимиздан кулишга вақт келмадимми?

Бизга ашула бўлса бўлди. Радио-телевизорни ҳам аслида шунинг учун сотиб олганмиз. Кунимиз «Тонгги мусиқа» билан бошланиб «Тунги мусиқа» билан тугайди. Уртасида «Машғал» эшитамиз. «Машғал» илгари 6 соат эди, энди 10 соат бўлди. Хўш, ашула эшитишнинг нимаси ёмон дерсиз. Ашула эшитишнинг ёмон томони йўғу, лекин кунимиз ашула эшитиш билан ўтаётгани ёмон.

Бошқа мамлакатларда билмадигу, лекин бахтсиз, касалманд Совет Иттифоқи халқлари учун бугун ҳаёт-мамот масаласи ҳал бўлаётгиди. Ҳар бир халқ ўз кадр-қиммати учун курашадиган замон келди.

Биз эса... ўзимиз, фарзандларимиз, бинобарин халқимиз камолати ҳақида ўйлаш, ташвиш чекиш ўрнига ашула эшитамиз. Урисларнинг Толстой деган бир ақлли ёзувчиси шундай деган: «Агар инсон бахтсиз экан, бунинг учун унинг ўзи айбдор». Бу гапни бошқача айтадиган бўлсак, «агар халқ бахтсиз экан, бунинг учун унинг ўзи айбдор!» Уша Толстойнинг яна бир гапини танамизга ўйлаб кўрайлик.

«Мусиқа (ашула) ақлни ўтмаслаштиради. Немисларнинг мақоли бор. «Қаерда қуллар керак бўлса ўша ерда мусиқа ярагиш лозим».

Демак, радио-телевиденияда куй-қўйишқни кўпайтираётганлар, аслида юмшоқ қилиб айтганда «халқимизнинг дўстлари эмас».

Заҳриддин Муҳаммад Бобур, «ўзини ҳимоя қилолмаган халқ ҳалокаатга маҳкум» деб айтган эдилар.

Демак, биз ҳозир барча имкониятлар билан ўз халқимизни, унинг келажагини ҳимоя қилишимиз, шунга ўрганишимиз керак. Бунинг учун ашула эшитишни камайтириб, сиёсий онгимизни ўстиришимиз, ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга лоқайд бўлмаслигимиз керак.

Мана, сизлар «Қатортолга мактублар» са-

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:

Искандарнинг шохи бор

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ:

Минора қанча туради?

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ:

Ранг беринг, ҳол сўринг!

қифасида одамларнинг шикоятларини эълон қиласизлар. Шикоятларнинг аксарияти қишлоқдан. Агар инсоф билан айтганда энг оғир жисмоний меҳнат қиладиган ҳам, фикрлаш жиҳатидан энг ялқовлар ҳам қишлоқ одамларидир. Йўқса улар ташвишларини аритолмайдиган депутатни чақириб олиб, янғисини сайлашга ваколатли эканликларини англашга ақллари етарди. Сизларга шикоят йўллаган одамлар ўзлари сайлаган (турли даражадаги) депутатдан ҳисоб сўраш у ёқда турсин, кўпчилиги ўз депутатининг исми-шарифини ҳам билмайди. Сайлов куни депутати учун талашиб-тортишмайдиган одамнинг «охирги нажотим сендан» деб рўзнома-ларга хат ёзиши ҳам кулгили, ҳам фожиали.

«Еш куч!» Сен кимни ҳимоя қиляпсан ўзи? Ўз депутатиға лоқайд бу оломон эртаиндин сенинг (яъни матбуотнинг) ҳам тақдирингни ҳал қиладиган илимилиқ депутатларни сайлаётми? Яхшиликка ёмонлик, деб айтса бўлмайдимиз буни? Сен шикоятларни ҳал қилишдан кўра қишлоқ одамларини ўз ҳолига қўй. Ўз ёғига ўзи қовурилса, ақли (депутати)ни тез танийдиган бўлади.

Виламан, сен менинг бу зардали мактубимни эълон қилмайсан. Қўрқасан. Сенга раҳмим келади. Сенга ачинганимдан шу гапларни ёздим. Хайр, саломат бўл.

Бахтиёр ИВРОҲИМ ўғли.
Тошкент, Чилонзор тумани.

Биз юқори синф ўқувчилари баҳорги таътил кунлари Урта Осий бўйлаб саёҳатга чиқиб, Душанбе, Ашхобод, Хива ва Бухорода бўлдик, тарихий обидалар билан танишдик. Қадимий Бухорода эканимизда минорага чиқиш учун пул тўлаб юқорида кўтарилдик. Аммо... ярмига етар-етмас қаршимиздан 5-6 та ўспирин йигитлар чиқиб, «5 сўмдан беришсанг минорага чиқасанлар», деб туриб олишди. Биз қайтиб тушдик. Бутун саёҳат давомида олган кайфиятимиздан асар ҳам қолмади.

Бизку Ўзбекистонда яшаймиз, тушунамиз. Лекин юртимизга ҳар кун ташриф буюрадиган минглаб чет элликларчи? Наҳотки уларга ҳам мезбонларнинг ҳурмати юқоридагидек бўлса?! Зўравонларнинг жиловини тортиб қўядиган куч бормикан?!

Фарғона вилояти
Тошлоқ туманидаги 24-мактаб ўқувчилари.

Ёрдамнингизга муҳтожмиз! Ҳеч қаердан ранг тополмай сарсон бўляпмиз. Шарикли ручка билан ёзсақ ўқитувчиларимиз нуқул уришади. Биз ёшларга ранг юборинглар.

Нодира САЪДИНОВА,
Қашқадарё вилояти Ульянов туманидаги
11-мактаб ўқувчиси.

лашолмай сарсону саргардон бўлиб юрибмиз. Ҳозир биз практика қилиш учун 127-цехга келдик. Бу ер «ширногреб» деб аталади. Практикамизга бир ой бўлди ҳамки пул тўлашмаяпти. Сабабини сўрасак, ҳали бизларни умуман ишга олмасликларини айтишди. Биз ўзбек бўла туриб ўз юртимизда ишга жойлаша олмасак буёғи қандай бўлди энди? Ановлар келса тезда ишлари ҳал бўляпти. Бу номазқул ишларни кўра туриб ушбу хатимизни сенга йўллашни биз ёш ўзбек ишсиз ишчилар лозим деб топдик. Илтимос, «Еш куч!» Сен биз — ёшларнинг севимли ойномамизсан. Бизга ишга жойлашишда ёрдам бергин деб бир гуруҳ билим юрти ўқувчилари (жами 9 имзо).

Моддий ёрдамга ўта муҳтож ва бир оғиз ширин ва маслаҳатли сўзингизга қараб қолган болалар — Баҳром, Муҳайё, Баҳодир, Бобомурод Масидиқовлар қўлимизга қалам олиб, тоқатимиз тоқ бўлгандан кейин, сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик.

Ҳурматли редакция! Биз оиламиз билан «Еш куч» журналининг ҳар бир сонини ўқиб борамиз. Биз каби беғуноҳ болалар ҳаётга беғараз ёрдам қўлингизни чўзиб, савоб ишлар қилаётганингиздан хабардормиз. Энди бизга ҳам ёрдам берсаларингиз. 1988 йил 19 февралда ногирон дадамни «штат қисқарди» баҳонаси билан ишдан бўшатилди. Қолбуки дадамиз бир корхонада 25 йил ишлаган эдилар. Орадан бир ой ўтар-ўтмас меҳнат таътили бериб, совхоз директори онамизни ҳам ноҳақ ишдан бўшатди. Бўшатгандан кейин онам 5 та болани ва ногирон отамизни боқиш учун совхоз маъмуриятидан бошлаб туманга, вилоятга, телевидениега, туман, вилоят судларига, вилоят ва жумҳурият касабаси уюшмаларига, «Известия» газетасига, ЎзКомпартия Марказий Комитетига, шахсан ўртоқ Горбачёвга мурожаат қилдилар. Туманимиздаги айрим раҳбар акаларимиз идорада ўтириб олиб бу мўғтабар идораларга қалбаки ҳужжатларни жўнатаверишди. Болаларнинг келажаги раҳбарларни қизиқтирмади. СССР халқ депутати Тўхтагул опа Қирғизбоевага ҳам мурожаат қилдилар онамиз. Зинамизна юқорилаган шикоятимиз яна зинамизна тагин совхоз раҳбарларининг қўлига тушади. «Ҳамма нарса болаларга», дейдилар. Лекин айрим бюрократ раҳбарлар болаларни ҳеч ўйлашмайди. Айт, «Еш куч», биз қандай яшаймиз? Энг озод, ҳур ўлка деб қўйишларда куйланган юртда дўппимизни қўлимизга тутиб гадоичилик қилайликми? Бошқа чораси бўлса айтинглар-да!..

Баҳром, Муҳайё, Баҳодир, Бобомурод
МАСИДИҚОВлар.
Тошкент вилояти Охангарон тумани
Ворошилов давлат хўжалиги, 19-уй.

ТАДРИГИЛИДАН: Бу хат «Еш куч»га тарихий кун сифатида «нишонланадиган» 2 апрелдан олдин келган эди. 2 апрелгача қийналиб яшаётган бу ва шу каби оилаларнинг 2 апрелдан кейинги куни қандоқ ўтаётгани бизга қоронғу.

Шўро хотин-қизлар кўмитаси ишламаётган аёлларга нарх-наво ошиши муносабати билан лоақал (компенсация) тўлов ҳам тўланмаётганлиги ҳақида Бош вазирга норозилик билдирди. Ҳа, бош вазирдан тортиб Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги раҳбарларга инсоф тилашдан ўзга чорамиз йўқ. Зеро, болалар шиорлардагина эмас, амалда ҳам бизнинг келажагимиздир. Уларга катталардан лоқайдлик, худбинлик, тошбағирлик мерос қолмаслиги керак...

Йилким дин килкунچه ظالم تبعين اوشايتيب

مضلوم جرائعتيغى انتقام ملحمين قويديم
عيشير نوای

у ёғи ўзингизга маълум. Яна кўп ўтмай бевафонинг ўзи келиб дўстимдан кечирим сўрабди. Дўстим уни кечирганини эшитиб юзига тарсаки тушириб юборибман. Аммо Шокир ҳамон ўзини ҳақ деб билмоқда. Эмишки, ўша жаҳаннамдан, даҳшатли олов ҳалқалардан ўлмай соғ-саломат қайтишининг сабаби қизнинг қайноқ сўзли умидвор мактублари бўлган. «Шундай экан, унинг ҳар қандай айбини кечираман», — дейди. Наҳотки Шокир ҳақ?..

Зайнобиддин ИУЛДОШЕВ,
Фаргона вилояти Кува ноҳияси
Толмазор.

Севган қизимнинг исмини ёзмайман. Зотан, у мактаб битирувчиси. Аммо...

Биз бир-биримизни жуда севардик. Тақдир тақозоси билан бошқа юртларда бўлишга тўғри келганда ҳам унга тинмай хат йўллаб турдим. Аммо ундан ҳеч жавоб бўлмади. Қайтганимда билсам, бошқа йигитни севиб қолганмиш. Менга берган ваъдалари-чи?

Армия хизматини ўтаб қайтганимдан бери уйдагилар — «уйлан» дея қисташганда, унинг мактабни битиришни кутиб юрган эдим. Энди эса билмадим. У мени алдагандек туюлса-да, аслида ўзини-ўзи алдаганига ишонаман.

Андижон вилояти Хўжабод ноҳияси
Ойбек колхозни 2-бригадасидан
Алижон ТУХТАЕВ.

Мен Фарғонадаги 12-СПТУ ўқувчисиман. Отам ичиб келиб онамни ва аммамизни ургани урган. Биз оилада битта қиз ва тўртта ўғилмиз. Билишимча жанжалларнинг сабаби уй олиш ва уйлантириш қийинчилиги экан. Баъзан отамга ҳам раҳим келади. Моддий оғирчилик одамни бешафқат қиларкан. Лекин онамни урсалар, чидай олмайман. Ҳатто ўзим отамга қўл кўтаришга мажбур бўлдим. Сўнгги жанжалдан кейин ўқишимга чиқиб кетганимча уйга қайтмадим. Ҳазабланишни отамнинг ўзидан ўрганганимни билармикин?

Ким билсин, ҳаётим яхши бўлармикан?..

ЮНУСОВ,
Фаргона вилояти.

Севган одамим ҳали турмуш қурмасимиздан мени ҳаммадан раҳм қилади. Нима маслаҳат берсан. «Еш куч»?

Риштон шахри. Б.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ:
Таажжуб?!
ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ:
5000 та дафтар юбор!

ҚАШҚАДАРЕ ВИЛОЯТИ:
5000 та дафтар юбор!

Ута самимий муносабатларимизга беҳуда рашк деб қаҳратон тушди. Энди ҳаммаси ўтмишга айланди. Юрагим ўлим излаган ҳозирги узоқ кечалар ҳам ўтмишга айланармикан? Эрталаб ишга кетаётиб йўл четидан соя ташлаб турган дарахтларга қараб ўтаман. У ўша дарахтларга сўяниб мени кутарди. Дарахтдан унинг азиз қўллари изини қидираман... Мен излаган юлдуз кўзларимга кўринмайди. Жимжит кечани бузишдан қўрқиб юзимни ёстиққа босаман.

Барибир... Барибир ундан воз кеча олмайман. У мени бевафо деб ўйламасин. Ҳадемай тонг отади, яна ўша дарахтларни жим кузатаман...

Қашқадарёлик
НАРГИС.

Дўстим Шокир Совет Армияси сафида Афғонистонда бўлиб қайтди. Икки йилча унга хат ёзган Дилдора исмли севган қизи эса энди бошқа йигитни севиб қолганмиш. Дўстим Дилдора учун ўлимга ҳам тайёр эди. Бу менинг гашимга тегса-да индаёлмасдим. Мана оқибат... Кейин никоҳсиз «тўй» дегандек.



Келинчак.

Гуласал.

МАКТУБЛАР

«Еш куч»жон! Бизга она тили дафтари бермасанг бўлмайди. Бир йилда бир дона ҳам дафтар ололмадим. Бир кунги укам Илҳомжоннинг она тили дафтари йўқ экан, у математика дафтари олиб борса ўқитувчилари дарсга қўймабди. Яна ота-онамизга айтсак дафтарни қайдан оламан, дейди. Биз ҳам ҳайронмиз. «Еш куч», ёрдам бер. Бизга 5000 та дафтар юбор, илтимос!

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги
9-ўрта мактаб ўқувчиси.

«Еш куч»да Ўзбекистоннинг ҳақиқий тарихи ўргатилса, тарихимиздан мутлоқ хабарсизлигимиз шу боис барҳам топса.

Адиба РУСТАМОВА,
Тошкент вилояти Паркент туманидаги
12-мактаб ўқувчиси.

Қўлимда имтиёзли дипломим бўла туриб ишга киролмай овораман. Диплом беқадр замон келди шекилли.

Тўғтиё АКАЕВА,
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани
Ал Хоразмий кўчаси.

Мен билан бир неча йил сирлашиб юрган қиз «Сизга тегмайман» деб айтди. Эҳ, қизлар, яна сизлар йигитларни вафосиз дейсизлар.

О. ҲУСАНОВ,
Фаргона вилояти Бағдод тумани.

Тақдир экан, бир кўзим ғилай бўлиб тутилганман. Билмадим айбимми бу? Мени севган қиз эса масҳара қилишларидан қўрқиб ҳаммадан сир сақлайди. Наҳотки биз бир-биримизга егиша олмасак? Нима қилсам кўзим тузаларкин? Ердам бер, «Еш куч!»

С. Фарғона вилояти
Киров тумани.

8-синфда ўқиб юрганымда туғишган акам ифғатимга тегиб қўйди. Уйдагилар эса бундан беҳабар. Энди уйимиздан совчиларнинг қадами узилмайди. Узим соғувчи бўлиб ишлайман. Нима қиламан? Қандай яшайман энди.

Г., Ленинобод вилояти.

У менга «ўқиб нима қиласан? Уқиганларни ёқтирмайман» деганди. Энди ўзи 3-курс талабасига уйланыпти. Қандай яшайман ахир?



Иўлдош СУЛАЙМОН

Лондондами ёки Парижда,
 Майли кутсин бизни минг мужда,
 Эй, барибир номи хорижда,
 Яшаб бўлмас ахир бир умр,
 Фарғонажон — кўзимдаги нур!
 Битта сўзни такрор айтамин:
 Фарғонага қачон қайтамин!

Из

Чап бетига урсалар
 Унғ бетин ҳам тутганлар,
 ...Илоннинг ҳам инидан
 Чиқишини кутганлар.
 Отасин ўлдирганга
 Онасини берганлар,
 Одамийлик деб шуни,
 Кўкрагини керганлар.
 Узи емай едирган,
 Узгаларни кийдирган —
 Сизми, ўша катталар
 Бугунимни куйдирган?!

Фарғона гўзали

Ибо билан туришингдан,
 Куйдириб лаб буришингдан,
 Таниб қолдим юришингдан —
 Фарғонанинг қизимисан,
 Ё парининг ўзимисан?

Нози фироқ ярашади,
 Бир энтиқиб қарашади.
 Қаердан деб сўрашади —
 Ифатмисан, ҳаёмисан,
 Орзуми ё ҳаёлмисан?

Ошиқларинг тўда-тўда,
 Иигитлар ҳам жуда қув-да,
 Ичмоқ бўлар қултум сувдай,
 Шундай нозик ниҳолмисан,
 Ширин ҳаво ё болмисан?

Ёнишларим сўзингданми?
 Кўнглим нури юзингданми?
 Ҳаёт йўлим изингданми?
 Муҳаббатга қаловмисан,
 Ё чиндан ҳам оловмисан?

Ойдин кеча

Ойдин кеча, ой кеча,
 Малоҳатга бой кеча.
 Осмонда ой, ерда ой,
 Кўшиқ куйлар тошқин сой.

Тоғларимиз сукутда,
 Боғларимиз сукутда.
 Суйган ёр билан ўтган,
 Чоғларимиз сукутда.

Сен келмадинг бу кеча,
 Эшигим очиқ қолди.
 Ой қулган кеч хотирда,
 Ширингина бир ҳолдир.


Узр, фарғонамсан — кўзимдаги нур

Дардим
 сифмас
 дунёга

Дардим сифмас дунёга,
 Сифмай қолдим ўзим ҳам.
 Хаёлимда бир-бирин
 Алдар икки кўзим ҳам.
 Ким дўстиму ким душман,
 Била олмай мен ҳалак.
 Иккиси ҳам ширин сўз,
 Тушунтир, ўзинг фалак.
 Онанинг оқ сугини
 Кимдир ўлчар пул билан
 Кимдир кимга чоҳ қазар
 Қўлидаги гул билан.
 Саломдан ҳам наф излар,
 Гап тагидан гап излар.
 Ёрни ёрдан айирди,
 Ниқоб тутган шу юзлар.
 Улар бир-бирини
 Тез топади ҳамиша.
 Қаердасиз яхшилар,
 Манзинингиз қай гўша?!
 Кўзингни оч, эй, Иўлдош,
 Юрак ўтсиз бўлмасин.
 Куйга тўлдир дунёни
 Одамийлик ўлмасин!

Хорижда

Дунё кўриш аҳд-орзусида
 Гоҳ осмонда, гоҳ эса сувда —
 Узга юртга қадамлар қўйдик,
 Илк кунданоқ бир ҳисни туйдик:
 Фарғонага қачон қайтамин?
 Ҳаволари жуда ҳам ширин,
 Наволари жуда ҳам ширин.
 Тингланг, дилим исёнин, сирин,
 Мақтовини роса айтамин:
 Фарғонага қачон қайтамин!



Безакчи Равшан ЭГАМБЕРДИЕВ

СМОН ТУЛА ЮЛДУЗЛАР



* * *
 Менинг дардим,
 Малҳамим замин —
 Азобингдан тиграса таним,
 Мен ёнсам гар, ёнсам тўлғониб,
 Шу рижор нигоҳлардан воҳ,
 Кечиб кетсам, кетсам мен тониб,
 Кўзларимда жо этиб осмон,
 Кафтларимда битта ширин жон,
 Юрагингдан олиб кетганим —
 Бир қатра қон бу — **ЎЗБЕКИСТОН!**

* * *
 Тунаб қолди қалбимда ҳижрон
 Кўзларимда тонглаз сўнди жим...
 Лабларимда шивирлар армон,
 Гуллар бўлиб унмас соғинчим.
 Йўллар олис, тунлар кўп йироқ,
 Йиғлар тунни босиб юрагим.
 Ҳижрон қасрин қуриб қалбимда
 Муҳаббатнинг шохи бўлган ким?!
 Севгим менинг олис қишлоғим
 Йўлларидан изланган йўлим.
 Изларимда тош бўлиб қотди,
 Армонларга кўмилган дилим.
 Кўзларимга ором бер, она
 Қўшиқ бўлиб аллалар айтсин.
 Ҳижронлардан муз қотган руҳим
 Қишлоғимга сен билан қайтсин.



* * *
 Кўксимда оҳ,
 Кўзимда гуноҳ,
 Дарбадар дил,
 Мен телба бир моҳ,
 Дилром этган муҳаббатимга
 Дунёлардан сўрмасман гувоҳ,
 Дунёлардан сўрмасман гувоҳ,
 Сен баридан ўзингсан огоҳ,
 Юрагимнинг ёлғиз тилсими —
 Бир боқишга зор қолган нигоҳ...

Сайёра ҲАЛИМОВА

«Муножот» тун ичра қанот қоққанда,
 Юлдузлар кўз ёшдай маҳзун боққанда,
 Сирдош анҳор суви мунгли оққанда,
 Тунлар нурын сочса бошингда ҳилол,
 Мени ёдга ол.

Таниш теракзорнинг шивирин тинглаб,
 Висол онларини бир нафас эслаб,
 Қалбинг ниманидир қолганда кўмсаб,
 Дилингни безовта қилса бир хаёл,
 Мени ёдга ол.

Кимсасиз, хазонрез боғларда кезсанг,
 Ҳазин ўйлар билан бағрингни эзсанг,
 Сўнган умидларни шу боғдек сезсанг,
 Илк севги хогири келмаса малол,
 Мени ёдга ол.

Қалбингни шодликлар этса қароргоҳ,
 Майли, хаёлингга келмайин у чоқ.
 Лек, ғамгин онингда ўйингга кириб,
 Қайғуни енгмоқ-чун бўлайин ҳамроҳ.
 Мени ёдга ол...



Кечиккан муҳаббат

Кеч кузнинг аёзли саҳарларида
 Юзин шабнам эмас, қиров қучганча
 Қиш бошин аёвсиз хатарларида
 Ногаҳон юз очди кечиккан гунча.
 Чорасиз хаёллар кўксин тиглайди,
 Хазонли даргоҳга ётдир бу чечак.
 Юраги ҳаётдан нажот тилайди,
 Тушлари баҳордан сўйлайди эртак...

Зулфия ЮНУСОВА



Алдайверинг...
 Алдайверинг...
 Алдамоққа ўрганиб қолдик,
 Эҳ-ҳей, қанча ёлғонлардан баланду паст
 қўрғон солдик.
 Авваллари ёлғонимиз рост сўз билан осмон
 эди,
 Энди уни қаричимиз, бўйимизга мослаб
 олдик.

Ҳақиқат

Отдилар,
 Осдилар,
 Эздилар уни,
 Ёғдириб бошидан азоб-қайғуни.
 У ҳамон разолат тошларин янчиб,
 Адолат бошидан сочар ёғдуни.



Итлар ҳуриб ётар, карвон йўлдадир,
 Армонларим тўла тўрвам қўлдадир.
 Қопағон итлардан кўрмадим ҳеч наф,
 Таланган карвоним ҳамон чўлдадир.

* * *
 Руҳим ёлғизоёқ йўллардек хароб,
 Мажруҳ умидлардан дилда изтироб.
 Қулоқ шанғиллатиб қуруқ ваъдалар,
 Куйган юраклардан пиширар кабоб.

* * *
 Мушуклар йўқ жойда кўрсичқон подшоҳ,
 Борлиқни кемирар тап торгмай гумроҳ.
 Қўрқувдан инияи қўяр йўқотиб,
 Калхат ҳамласига дуч келса ногоҳ.

Бахшullo РАЖАБ



Содиқ АЛИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

Ақл ва одоб эгизакми ҳамиша?

Кунлардан бир кун гурунгда гапдан гап чиқиб, масала Ақл билан Мансабга, Ақл билан Одоб-ахлоққа келиб тақалди. Биров у деди, биров бу деди, аммо ҳамма ўз фикрида қолди. Шундан бери бу муаммо мени ўз домига тортди, тинчлик бермайди. Хаёлимда савол кетидан савол туғилаверади: Наҳотки, давлатмандлик ё мансабдорлик ҳамиша ҳам кишининг ақллигидан далолат берса? Киройи ақлли бўла туриб, амал-тақал қилиб кун кечираётган ёки оддий бир ходим бўлиб ишлаётган кишилар озмунчани? Аҳмоқ ҳам пулдор ёхуд мансабдор бўлиши мумкин-ку! Ақл билан Одоб-ахлоқ ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд? Ва ҳоказо ва ҳоказо...

Бутун мамлакатимизда бўлгани сингари, жумҳуриятимизда ҳам бозор муносабатларига ўтилиши билан пештахталар бўм-бўш тургани ҳолда нархнаво осмону фалакка сапчиб кетди. Тадбиркорликка йўл берилиши баҳонасида асосан истеъмол молларига воситачилик, ростини айтганда шахсан тер тўкиб, бирор халқталаб нарса ишлаб чиқариб сотиш ўрнига, тап-тайёр молларни турли ҳийла-найранг билан қўлга киритиб, сўнгра иложини топса, бирни ўнга пуллаб, олибсотарлик қилиш ниҳоятда авжга минди.

Мамлакатимизда миллионерларнинг дастлабки қалдирғочлари пайдо бўлиб, улар ҳатто расмий жамиятга уюшишди. Эндиликда шундай бир ша-роит вужудга келдики, кишилар орасида мол-дунё, пулга ҳирс қўйганлар сони ҳаддан зиёд ортиб кетди. Айни вақтда пулдор, давлатманд кимсаларнинг ҳамма-ҳаммасини ақлли кишилар деб ҳисоблаш расм бўлди, негадир. Бундан ташқари, «Хизр назар қилмаса, киши эшак бозорига ҳам далол бўлолмайди», деган маталдан бир ёқлама хулоса чиқариб, хоҳ каттаю хоҳ кичик, амал-мансаб соҳибларининг барчаси албатта ақлли бўлади, деган эътимод халқ орасида кенг тарқалган.

Ваҳоланки, ўтмиш у ёқда тура турсин, ҳозирги кеча-кундузда ҳам инсоф, диёнатни ютиш эвазига катта-катта пул-дунё топаётган, мансаб-амал курсисига тўғри йўл қолиб, турли-туман эгри йўллар билан минган қанчадан-қанча кимсаларни мисол келтириш мумкин. Ҳақгўй шоиримиз Эркин Воҳидов ўзининг «Оғриқли саволлар» деган шеърида ана шундай нопок, дили меҳр-муҳаббатдан, руҳияти одамийлик ғам-ташвишларидан холи, жигилдон деб Имоннинг ҳам, Виждоннинг ҳам баҳридан ўтадиган «тирикчилик-тирикчилик» бандаларига ҳамда «янги давлатдан» бирор ҳокимлик теккудек бўлса, бу давлатга ўт қўйиб юборишдан ҳам, уни Ер юзидан йўқотиб ташлашдан ҳам тап тортмайдиган амал-мансаб қулларига қарата, халқим учун куйганимда, юртимга истиқлол истаганимда мен сенларни назарда тутганмидим, дея афсусланиши бежиз эмас, албатта. Индаллосини айтганда, кишини ҳайвонсифатликдан бузурғвор Инсон мақомига кўтарадиган нарса унинг Ақлу заковотими ёки Ахлоқ-одобими ёхуд ҳар иккаласининг ўзаро уйғунлашувими? Инсон бойлиги ёки бой инсон деганда нима назарда тутилади? Янада

ИНСОНИЙ КАМОЛОТНИНГ БОШ ШАРТЛАРИ

аниқроғи, бой инсон деганда ундаги мол-мулкнинг кўпчилиги ва ё унинг ниҳоятда серқирра маънавий камолоти тушуниладими?

Бойликдан кўпаймас ақл ё ҳунар,
Аммо пул бўлмаса хун бўлар жигар,—
деганида машҳур Умар Ҳайём нимани назарда тутган? Лўндаси, Ақл, Ахлоқ-одоб билан моддий бойлик ўртасидаги нисбат қандай бўлиши лозим? Бу уччаласидан қай бири инсон ҳаётида етакчилик қилиши даркорлиги ҳақида аجدодларимиз томонидан жамғарилиб кетилган улкандан-улкан, аммо замондошларимиз энди-эндигина воқиф бўла бошлаган ижтимоий тажриба ҳамда ҳозирги кунда илм-фан аниқлаган ҳақиқатлардан жиндаккина бўлса ҳам баҳравор бўлиш одамийликни ҳар нарсадан юқори қўядиган кишилар учун фойдадан холи бўлмаса керак, менимча.

Ақл — фикр пичоғи

Ақлга илм бирла бергил кўмак,
Ақл — бу илмга харидор демак.
Носир Хусрав.


Хозир Ер юзиде истиқомат қилаётган жаммики одамлар, уларнинг миллатию irqидан қатъи назар, бундан 50 минг йил муқаддам вужудга келган ва фанда ХУМУ САПИЕНС, яъни Ақлли одам деб юритиладиган биологик зотнинг авлодларимиз. Банобарин, ондан беқусур туғилган ҳар бир чақалоқ ақлли киши бўлиб етишиш имкониятига эга. Бу имкониятнинг воқеликка айланиши учун чақалоқ биринчи



Рассом Навоий Усмонов

дамданоқ одамлар даврасида яшай бошлаши лозим. Аста-секин бошқалар, давтавало ота-она ва оила аъзолари билан муошарага киришиш, тилни ўзлаштириш, турли нарса, буюмлар билан муомала қила билишга ўргана бошлаш ҳамда хилма-хил ижтимоий (Масалан, оилавий, миллий, ҳуқуқий, ахлоқий ва ҳоказо) муносабатлар гирдобига тортила бориши оқибатида ўсиб келаётган кимсада инсон маънавиятининг ўзаги — «Мен» бунёдга келиб камол топа бошлайди. Бу «Мен» ўзаро чамбарчас боғлиқ уч соҳа — Ақл, Кўнгил, ва Иродадан иборат, таъбир жоиз бўлса, алоҳида-алоҳида салтанатдан таркиб топади. Мазкур уч салтанат ўзига хос йўсин ва қоидалар асосида, ўзаро фаол таъсир орқали камол топиб етилади.

Наполеон Бонапарт ўз вақтида, саркарданинг ақл билан иродаси бамисоли квадрат томонларидек бири-бирига теппа-тег бўлиши керак, деган экан. Бунда у ҳойнаҳой лашкарбошилиқ касби тақозоси билан инсон маънавиятининг учинчи ҳамўзаги бўлмиш кўнгил, яъни ахлоқийликни эътибордан соқит қилиб қолдирган бўлса керак. Чунки лашкарбошилиққа қўлланиладиган жангу жадал, қон тўкиш, хийла-найранг, зўрлик сингарилар Ахлоқ томонидан қораланади-да, ахир! Чинакам одоб-ахлоқ нуқтаи назаридан эса рисоладаги ҳар бир одамда унинг Ақли ҳам, Кўнгли ҳам, Иродаси ҳам ўзаро уйғун, бирдек баркамол бўлиши керак. Бироқ реал ҳаётда талай кишилар маънавиятида бу уч салтанат ўртасида турли-туман зиддият келиб чиқиши мумкин ва амалда худди шундай бўлади ҳам. Масалан, дейлик, бир одам киройи ақлли, аммо ўта бағритош, бошқа бировнинг эса ақли



ўткир ҳам, кўнгли ҳам оқ, лекин иродаси ниҳоятда заиф бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Ҳозирги замон фанининг аниқлашича, инсон ақлий қобилиятларининг 90 фоизи унинг авжи болалик, яъни 9 ёшгача бўлган даврдаёқ таркиб топиб улғурди. Илм-фанда яқинда аниқланган бу ҳақиқат ўзбек халқи аждодларига аллақанча илгари маълум бўлганига кўйидаги ҳикмат инкор этиб бўлмайдиган далолатдир: «Тўққизда бўлмаган ақл тўқсонда ҳам бўлмас». Ваҳоланки, умуман олганда 9 ёшгача бўлган даврда боланинг шахсий ҳаёт тажрибаси бағоят чекланган, билимлар доираси жуда тор бўлади ҳали. Жумҳуриятимиз шароитида бу даврда болаларнинг аксарияти асос эътибори билан оила бағрида катта бўладию Демак, боланинг ақли ёхуд аҳмоқ, нодон бўлиб етилиши кўп жиҳатдан оилавий муҳитга, биринчи навбатда ота-онада мураббийлик истеъдоди бор-йўқлигига (аччиқ ҳақиқат шундаки, мураббийлик ноёб истеъдод бўлгани сабабли ҳар қандай ота-онанинг қўлидан келавермайди!), иккинчидан, ўз фарзандининг ақлини ўстиришга нечоғлиқ жиддий ёндашишига, махсус тайёргарлик кўрган-кўрмаганига боғлиқ. Таассуфлар бўлсинки, ўзбек хонадонларининг кўпчилигида энг муҳими боланинг қорни тўқ, эгни бут (ҳозирда бу ҳам катта муаммолардан бири бўлиб турибди), катталарнинг ҳеч қачон чизган чизғидан чиқмасе бўлди, дейилади-да, қолган масалаларга деярли эътибор берилмайди. Масалан, овруполик ота-оналардан фарқ қилароқ ўзбек ота-оналари боланинг ақлий ўсишига ёрдам берадиган «у нима-ю бунима», деган сон-саноксиз саволларига ё ўзларнинг билимсизликлари, ёки эрта-ю кеч иш билан бўлиб, жужуқлари учун вақт ажратмасликлари ва

тўғридан-тўғри ҳафсаласизликлари, яна аллақанча сабаблар туфайли жавоб топиб беришга астойдил интилмайдилар. (Ваҳоланки, бир синчков тадқиқотчининг 38 ой давомида (3 ёшдан 7 ёшгача бўлган даврда) амалга оширган кузатувларига кўра, бола ўрта ҳисобда соатига 31 та савол бераркан.) Устига устак, халқ педагогикасининг бола ақлини ўстиришга қаратилган махсус усулларидан: эрталар, топишмоқ нистонлар айтиш, турли-туман ўйинлар ўйнаш ва ҳоказолардан камдан-кам ота-она онгли тарзда фойдаланади. Кўпчилик «Катта бўлганида билиб олсан», деб қутулса, баъзи ота-она: «Кўпам бошимни қотирма», дея жеркиб ташлайди. Еки бирор-бир бошқа ваз топаяди, жавобдан қочиб. Бола саволларини жавобсиз қолдириш бора-бора ундаги қизиқувчанликни сўндиради, унинг оламини сув босса ҳам тўлиғига чиқмайдиган, ўлгудек боқибегам бўлиб ўсишига катта йўл очилади.

Халқимиз кўҳна маданият соҳиби бўлганидан инсон маънавиятининг турли қирралари билан узок замонлардан буён қизиқиб келганки, бу ўзбек тилида ўз изини қолдирган. Ҳозирги номукаммал луғатларимизни юзаки қараб чиққандаёқ унда, яъни бугунги тилимизда «ақл» сўзининг йигирмадан зиёд маънодоши борлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Тамиз, зако, зеҳн, идрок, фаҳм, фаросат, эс, ҳуш сингарилар ана шундай синонимлар жумласидандир. Халқ ижодининг кўплаб тур ва жанрларига мансуб асарларда, айниқса талай ҳикматлар, мақоллар, маталларда аждодларимизнинг инсон ақлининг аҳамияти, турли характеристикалари, уни пешлашининг ҳар хил йўллари ўз аксини топган. Халқ наздида, ақл туғма, аммо у ўзгалардан ибрат олиш, ўқиш, ўрга-

ниш, турмуши ҳақида мулоҳаза юритиш йўллари билан тўлишиб камолат касб эта боради. «Туғма ақл бўлмаса, туртма ақл ҳеч бўлур», «Ақлни беақлдан ўрган», «Ақл бозорда сотилмас», «Инсон ақли олмос», «Илм — ақл булоғи, ақл — яшаш чироғи», «Китоб — ақл қайроғи», «Китоб кўрмаган калла гиёҳ унмаган дала», «Нақл — ибрат ўчоғи, ақл — фикр пичоғи» янглиғ пурмаъно мақол ва маталлар халқ донишмандлигининг ҳайратангиз намунаси дир.

Бундан тахминан 2,5 минг йил муқаддам бунёдга келиб, аввалига аста-секинлик билан, сўнграқ тобора жадаллашиб тараққий этиб келаётган фан асримизнинг иккинчи ярмидан эътиборан янада янги поғонага кўтарилди — илмий-техникавий инқилоб палласига қадам қўйди. Айниқса, кибернетика ва электрониканинг барқ уриб ривож топиши оқибатида янгидан янги ЭҲМлар, роботлар, киборгларнинг яратилиши билан илм-фан инсон ақл-заковотининг куч-қудратини оламга кўз-кўз қилмоқда. Лекин ақл-заковот муаммоси бағоят мураккаб бўлганидан унинг сир-асрори ҳанузгача охиригача очилмай келмоқда. Кибернетиклар ибораси биоан айтганда, ақл фан ақли учун бамисоли «қора қути»дир, унинг кираверишию чиқавериши маълуми унинг ичида қандай ҳодисалар содир бўлади, бунда қанақа қонуниятлар амал қилади — булар қоп-қоронғу зулмат. Халқимизда «Кўз бор кўрмоқ учун, ақл бор — билмоқ учун», деган ҳикмат мавжуд. Демак, халқ эътиқодича, ақл — билиш қуроли. Бу фикрни ҳозирги замон фани илмий далиллар билан тасдиқлайди. Ақл фаолиятининг махсули — билим эса теварак-атрофдаги ҳодиса ва нарсаларни ҳаёлда турли йўсинда ишловдан ўтказиб, мулоҳаза юртиш ва шу йўл билан муайян хулосага келиш воситасида ҳосил қилинади. Ҳар бир тадқиқотчи ақл муаммосига ўз соҳаси нуқтаи назаридан ёндашади. Масалан, файласуфлар, тафаккур — воқеликнинг инъикоси, десалар, психиаторлар, тафаккур бу ҳаракатдаги ақлдир, деб таърифлайдилар.

Лўндаси, ақл инсон ҳаётининг турли жабҳаларида, чунончи оила, қорхона, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва одамлараро муносабатлар ҳамда илмий фаолияти соҳасида рўпара келадиган ранг-баранг муаммоларни мақсадга энг мувофиқ тарзда ҳал этишга ва шу асосда амалий ҳаракат дастурини яратишга хизмат қилади.

Ақллилик фалсафа ва руҳшунослик кўзгусида

Ф

алсафа дунёга келгандан буён хоҳ Шарқда бўлсин, хоҳ Ғарбда, ақл муаммоси файласуфларнинг диққат марказида муҳим ўрин тутиб келади. Чунончи, Шарқ фалсафасида айни муаммо устида Форобийдан тортиб Аҳмад Донишгача не-не файласуфлар бош қотиришган. Масалан, Абу Наср Форобий (870-950) ўз замонаси билимлари даражасидан келиб чиқиб, инсон ақлини илоҳият рационал руҳининг тажаллиси деб талқин қилиб, уни фаол ақл, мажҳул ақл ҳамда муктасиб (касбий) ақлга ажратган. «Қобуснома» муаллифи Қайковус эса ақл икки хил: азизий (туғма) ва муктасиб бўлишини таъкидлаб, бу ҳар

икки ақл ҳам олий ақл (яъни, Аллои таоло) ташаббуси билан баландда макон қуради, дейди.

Уттиздан зиёд мазҳабга мансуб суфийлар наздига кўра, ақл бу илохий нур бўлиб, икки турлидир: ақли кулл билан ақли жуз. Биринчиси Аллоҳнинг тажаллиси бўлгани туфайли «Ақли аввал» ёки «Рухи аъзам» деб юритилган. Иккинчиси эса инсоннинг ҳаёт фаолияти ва турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида иккига ажратилган: кишини охирадан огоҳ қиладиган ақли маод деб, мавжуд дунёни тушунишга хизмат қиладиган ақли маош деб аталган. Аҳмад Дониш (XIX аср) ақл ҳақиқатини билишга ҳеч кимнинг илми етмаслигини писанда қилиб, тажрибанинг кўрсатишича инсонлардаги ақл уч хил — маодий (у дунё ақли), маоший (бу дунё ақли) ва баҳимий (ҳайвоний) ақллар бўлиб, даражаси ҳам уч хил: аъло, авсат (ўрта) ва адно (паст)дир, деб таснифлайди. Урта асрларда ақл борасида анча кенг тарқалган таълимотлар асосан идеалистик қобиққа ўралган ҳолда илми ғайб тариқасида майдонга чиққан бўлса ҳам уларда инсон ақлининг талай хусусият ва қирралари тўғри талқин қилинган.

Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан ақл асос эътибори билан инсоннинг ижтимоий зот эканлиги туфайли бунёдга келган ҳодисалар жумласидан. Ақл аслида табиатнинг эмас, балки жамиятнинг инсонга тўхфасидир. Табиат одамга ақл ҳосил қилиш учун замин бўлиб хизмат қиладиган сариқ билан оқ модда-мияни ато қилади, холос. Гўдакликдан турли ҳайвонлар орасига тушиб қолиб, бўй етган 40 нафарга яқин инсон фарзандларини номаи аъмоли фан аҳлига маълум. Уларнинг барчаси одамга хос бўлган бош хусусиятлардан бири — нутқдан бутунлай маҳрум бўлган, қўлидан келгани қай ҳайвон ичда умргузаронлик қилган бўлса, шу ҳайвонга ўхшаш товуш чиқаришни билган, холос. Нутқ бўлмагач, бу бечораларда инсонга хос ақл ҳам ривожланмаган.

Фаннинг исботлашчи, оламни муайян мавҳумот ва тушунчалар воситасида билишда ақл иккита вазифа — функцияни адо қилади. Биринчиси — ақли дониш деб юритилиб, у асосан оламни билишга интилиб, мавжуд билимлар доирасидан ташқарига чиқиб кетади ва алалоқибатда шу йўл билан аён бўлган зиддиятларни ҳал этиш орқали билимнинг янги системасини яратишга ҳаракат қилади. Ақли дониш ўз фаолиятида кўпроқ идрокка ва дилдан сезиш — интуицияга таяниб иш кўради, ижод қозонида қоврилади. Иккинчиси ақли басит деб аталиб, оламни у ҳам мазкур воситалар ёрдамида иникос эттиради, аммо уларнинг келиб чиқиши, илдизи билан қизиқмайди. Ақли басит ўз ихтиёридаги воситалардан олдиндан маълум андоза, қоғда, алгоритмлар доирасидан четга чиқмай фойдаланади. Унинг асосий вазифаси бир муайянликни иккинчисидан фарқлаш, нарсаларни санаш, ўлчаш, ҳар бирига хос хусусиятларни бирма-бир санаб чиқишдан нарига ўтмайди. Шу туфайли у қолипга сиғмайдиган, қуюшқондан ташқари, ностандарт, фавқулодда нарсалар олдида доврираб қолади, уларни тушуниш ва тушунтиришдан бош тортади. Ақли басит фаолиятининг соф ҳолдаги кўриниши электрон ҳисоблаш машиналари ва роботларнинг ишида ўзининг яққол ифодасини топади.

Айни вақтда ақли дониш ва ақли басит фаолияти бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда рўй беради, қолаверса, улар бир-бирига айланиб туради. Ақли басит фаолиятисиз ақли донишнинг фикр-мулоҳазалари, ғоялари мажхул, мужмал бўлади. Ақли басит ақли дониш мулоҳазалари, ғояларини тартибга солади, шу билан уларни англаб етиш, ўқиб олишни осонлаштиради. Ақли дониш ғоялари асосида майдонга келган янги билимлар системаси муайян принциплар воситасида шакллана бориб алалоқибатда ақли баситга айланади. Ақли дониш фаолиятисиз эса ақли басит ақли салим, яъни соғлом ақл тўнига бурканиб, хурофотга, ақидапарастликка айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Писанда қилмоқ лозимки, ақли салим — соғлом ақл ниҳоятда тор доирада, таъбир жоиз бўлса, тўрт девор ичида кишига синашта нарсаларда жуда-жуда асқотади, аммо олам ва коинот сингари миқёси кенг, қолаверса, ҳад-ҳудудсиз майдонда содир бўлган, бўлаётган, бўладиган ўта мураккаб ва бағоят серқирра ҳодисага вазиятлар қаршида гўдакдек доврираб, ҳар қадамда қовун туширади. Ақли дониш ҳар қандай билим системасига эмас, балки ўзини абадий, мутлақо ўзгармас деб даъво қиладиган билим системасига қарши чиқади. Мамлакатимизда узоқ ҳукм сурган маъмурий буйруқвозлик системасига қулоқ қоқмайдиган ижрочилар керак бўлганлиги учун таълим соҳасида асосан ақли басит тарбиясига зўр берилиб, ақли донишни, яъни мустақил фикр юритишни куртаклигдаёқ бўғиб ташлашга ҳаракат қилинди. Устига устак жамиятда ҳокими мутлақ бўлган кўркүв ва шафқатсиз қатагонлар туфайли кўр-кўрона ижрочилик кишилар руҳиятига шу қадар чуқур ўтиришиб қолганки, ундан ҳаливери қутилиш амри маҳолга ўхшайди.

Олимларнинг фикрича, кишиларнинг индивидуал ақлини уч хилга ажратса бўлади. Биринчиси мулжодала ёки диалектик ақл деб аталиб, унинг соҳиби ўз ҳаёт фаолияти ва турмушида кундаланг келган турфа қарама-қаршиликлар олдида эсанкирамай,

уларнинг туб сабабларини аниқлаб, имкон борича тўғри хулоса чиқариб, зиддиятларни бартараф этиш йўллари белгилаб олишга интилади. Иккинчи хилга ақидапарастлик киради. Бундай ақл соҳиби ҳодиса ва воқеаларни илгаритдан маълум қолип ҳамда андозалардан келиб чиқиб ҳал этишга ҳаракат қилади. Мабодо воқелик мазкур қолип ва андозага тушмаса, бошқача усул қидириш ўрнига воқеликни зўрлаб, бузиб бўлса-да ана шу қолипга солишга уринади ёки уни мутлақо писанд қилмайди, назаридан соқит қилади. «Кўр товуққа ҳар нарс дон кўринар». «Қар эшитганини кўймас, кўр тутганини», «Уқмаган уятга қолар» сингари ҳикматлар айни шу ақидапараст ақл фаолиятининг баъзи қирраларини яққол намоён қилади.

Учинчиси шаккок ёнки шубҳапараст ақл бўлиб, унинг соҳиби назарида дунёда ҳамма нарс нисбий, шу боис унда муқим, барқарор, мўтабар, азиз, муқаддас ҳеч нарс йўқ. Ҳамма нарс икки энлик, ундоқ деса ҳам бўлади, бундоқ деса ҳам бўлади. Ваҳоланки, ҳар бир нарс борасидаги энг тўлиқ ҳақиқат фақатгина битта бўлади. Бундай ақл соҳибларининг уруғи мамлакатимизда кетма-кет содир бўлаётган улкан ўзгаришлар туфайли айниқса кўпайиб кетди. Кишиларда бу уч хил ақлнинг ҳар бири соф ҳолда деярли учрамайди. Кундалик ҳаётда ҳар бир одамда озми-кўпми уччала хилдан ҳам бўлади. Фақат бировда мулжодала ақл, бошқа бировда ақидапараст ақл, яна бошқача шаккок ақл доминантлик, яъни устунлик қилади, холос. Бундан ташқари, айни бир кишининг ўзи бир соҳага оид масалаларда мулжодалавий фикр юритиши, бошқа бир масалаларда ақидапарастлик қилиб, икки оёғини бир этикка тиқиб туравериши, яна ўзга мавзуга ўтганда шаккоклик йўлига ўтиб олиши ҳам мумкин.

Барча хом сут эмган банди. Халқ айтганидек, «Билгандан ўтади, билмагандан ҳам». Бинобарин, ҳар қандай оқил ҳам ёлғиз ўзи барча масала юзасидан бирдек чуқур мулоҳаза юритиб, ҳар жиҳатлама тўқис хулоса чиқара олмайди. Доно кишининг ниҳояти камтарлиги, камсуқумлиги, одмилиги шундан. У шуни аниқ биладики, умуминсоният билимлари бир уммон бўлса, унинг шахсий билимлари ўша уммоннинг бир томчиси, холос. Сукроти ҳақимдан шогирдлари: «Шунча умр кўриб, қанчадан-қанча илмларни ўрганиб нимага эришдингиз», — дея сўраганларида у: — 70 йил умр кўриб, мавжуд илмларни ўрганиб, ҳеч нарс билмаганимни билдим», — деб жавоб берган экан. Шу вайдан Сукрот такабурлик кўчасига йўламаган.

Ҳозирги кунда касб-ҳунарнинг ҳисоби йўқ, илм-фаннинг эса қарийб 1500 соҳаси мавжуд. Аввало айни масала билан махсус шуғулланадиган мутахассисдан бўлак, мазкур касб-ҳунар ва илм соҳаларининг лоақал номинигина бирма-бир санаб чиқиш ҳеч кимсанинг қўлидан келмайди. Ҳар бир айрим киши нари борса бир йўла ўн-ўн беш ҳунар бошини ушлаши, илм-фаннинг эса ниҳояти бир тор соҳасини ўзлаштириб олиши мумкин, холос. Шу сабабли доно халқ айрим кишига қарата: «Билганинг тўққиз бўлса, билмаганинг тўқсон тўққиз», дейди. Шундай экан, халқ аввал билишни, сўнгра ишга қўл уришни, ҳар ҳунар, ҳар соҳанинг миришкорларини қадрлашни, уларнинг маслаҳатларига қулоқ осиб тавсия қилади: «Аввал ўрган, кейин ўргат», «Билмаган ишга уринма, уриниб тузоққа илинма», «Билмасанг билгандан сўра», «Устозсиз шогирд — жонсиз кесак», «Ямоқчининг ишини сувоқчи билмас», «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин».

Шундай қилиб, мақола сарлавҳасидаги саволга қисқа жавоб қуйидагича: чинакам Инсон учун ақли бўлишининг ўзигагина кифоя қилмайди. Доно, ақли эканман деб, ҳар қандай ишга қўл уравериш ҳам ярамайди, ақли фақат ва фақат эзгулик йўлида ишлатиш лозим. Ана шу тақдирдагина кишининг эл-юрт орасида орттирган обрў-эътибори, топган мол-дунёси, эришган амал-мартабаси ҳалол бўлади. Шундагина Ақл билан Одоб-ахлоқ бамисоли Ҳасан-Ҳусандек эгизаклигини кўз-кўз қилиб, бир-бири билан иноқ, аҳил, бир-бирига суянчиқ бўлиб камол топаверади.

Ақл ўз ҳолича олиб қаралганда, инсон ихтиёридаги ўткир қуролдир. Қуролни нима ниятда, қай мақсадда ишлатиш эса кишининг имон-этиқодига, виждонига боғлиқ. Л. Н. Толстой ақлнинг инсон учун беқийс аҳамиятини алоҳида таъкидлаш билан бир қаторда шундай деб ёзганди: «Жаҳонда ярамасликлар кўп, лекин ярамас ақлга етадигани йўқ. Энг ярамас нарс — ярамас ақл».

Мадомки шундай экан, айрим кишига баҳо берганда унинг шунчайин ақлига эмас, балки ўз ақлининг эзгулиги ёки ёвузлиги, ҳалоллиги ёки ғирромлиги, тўғрилиги ёхуд эгрлик йўлида ишлатишга қараб хулоса қилиниши лозим. Умуман олганда, ақл инсонга нафақат шоду хуррамлик, айни маҳалда дарду алам келтириш мумкинлиги билан башарга қадимдан маълум бўлганки, бу ҳақда улуғ Фирдавсий ўзининг ўлмас асари — «Шоҳнома»да тубандагича ёзиб қолдирган:

Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўқтамлик,
Ақлдан борлигу, йўқлигу камлик.



МАЗҲАБ

Тўғри мавжуд
Бадма

А

ёлимиз айтади, уйқунғизда гапириб чиқасиз, дейди.

— Нимани гапириб чиқаман, — сўрайман ундан. Аёлимиз тайин бир нима деёлмайди. Бир ундай дейди, бир бундай дейди.

Чин, мен учун кеча-да бир бўлиб қолди, кундуз-да бир бўлиб қолди. Кўзим илиндими, бўлди, тушимга бир нималар киради. Уйқумда қаерлардадир нималардир қилиб юраман. Тушимми-ўнгимми, билмайман. Кунлар ўнгимда қандай кечса, уйқумда-да шундай кечади. Эл билан кўришиб-сўрашаман, гаплашаман, талашиб-тортишаман, қаҳ-қаҳ уриб куламан. Кейин... йиғлайман! Йиғлаб-йиғлаб... пахта тераман! Йиғлаб кўзларимни очаман. Теварагимга қарайман. Кўзларимда ёш йўқ бўлади.

Аёлимиз билан болаларимиз пиш-пиш ухлаб ётади.

— Босинқираяпти, ўнг ёнбошига ағдарилиб ётсин, — дейди аёлимиз. Ўнг ёнбошимга бурилиб ётаман. Бу сафар бир адирдан кета бераман, кета бераман. Адир охири кўринмайди. Олисларга қарайман. Олислар йўқ. Зим-зиё. Далаларга қарайман. Далаларда йўқ. Оёқларим остига қарайман. Ер-да йўқ. Оёғимни мўлжаллаб босиб, ерни излайман. Ерни топаман.



ди-қолди. Гапира беради, ашула айта беради. Номи ашула бўлса бўлди, айта беради! Эл-юртга ёқадими йўқми, барибир, айта беради! Болалар овозини пасайтириб қўяман деб, бир-икки марта девордан тушириб юборди. Радио палағда бўлиб қолди. Бор-е, дедим-да, омборхонага отиб юбордим. Шу билан қулогим тинчиди-қолди.

Уғлимиз омборхонани титкилабди. Ана шу радиони топибди. Бинойидай созлабди. Деворга осиб қўйибди. Билдим, ана шу радио шовуллапти!

Уй-хаёлларим учди-кетди. Дик этиб жойимдан турдим. Апил-тапил кийиндим. Ташқариладим. Селдай шовуллаш кўнглимни эзиб кела берди. Шундай қайғули шовуллаш, шундай кўнглини вайрон қилувчи шовуллаш! Қарадим, аёлимиз сигир соғаяпти. Аёлимиз олдиға бордим.

— Ай, Ойсулв, бирон катта-патта ўлибдими дейман, эшитаяпсанми?— дедим.


— Каллаи саҳарлаб гапирган гапини...

— Чин-да, қара, бундайин куйни мотамда чалади.

— Кўп гапирмасин, мол сут бермай қўяди.

— Бўлмаса, эси жойида одам каллаи саҳарлаб шундай куй чаладими?

— Радио ҳар саҳарда шундай чалади. Нафасини иссиқ қилсин.



Зулматдан қутулиш учун сойга қараб знаман. Оёғим ерга тегмайди. Зим-зиё ҳавода саланглаб қолади. Зулматда учиб кетаман. Учиб кета бераман, кета бераман. Қаерга тушаман, ўзим-да билмайман. Қўним ер тополмайман. Ана энди ўлдим, дейман. Шунда, пойимда ўрқач-ўрқач қирлар, улкан-улкан тошлар қора беради. Дарахтлар, сувлар ранг беради. Зўр бериб дарахтлар узра тушайин, дейман. Дарахт шохлари тирнаб ташласа-да майли, омон қоламан, дейман. Қулочларимни катта очаман. Мисоли сувда сузмишдай, дарахтлар томон талпинаман.

Унқир-чўнқир тошларга гурс этиб тушаман. Жойҳолатда тўлганаман. Танам зирқ-зирқ этади. Кўзларим очилиб кетади. Бир бошқа бўлиб қоламан. Деразага қарайман. Дераза оқариб келаётган бўлади. Туриб туролмайман, этиб ётолмайман. Бир таним бу дунёда, бир таним ўзга бир дунёда ётгандай бўлади, Шунда... шунда бир нима шовуллапти. Сел бўлиб сел бўлмайди, мусиқа бўлиб мусиқа бўлмайди.

Бир вақтлар колхозимиз радиоузелчиси Қудратбой уйимиз деворига майдагина радио осиб қўйди. Радио саҳардан ётаргача гапирди, ашула айтди. Аввал-аввал зигир мойдай ёқди. Кейин-кейин қулоқ-мияни еди. Жонга тегди. Вемаҳал кичқирар хўроз бўл-

— Қара, кўнглини ер билан яксон қилади-я...

Армиядалигимда бизни Суздаль деган шаҳарга саёхатга олиб боришганди. Жуда бир ҳашамдор қасрга олиб киришди. Шунда, мунгли айтиб йиғлаш эшитгандим. Бир тўда аёл димоғида айтиб йиғларди.

Бизни эргаштириб юрган аёл тушунтириб берди. Айтишича, Пётр I деган ўрис подшо Россияда қайта қуриш бошлабди. Унинг Лопухина деган аёли бор экан. Шу аёли ҳадеб подшолик ишига аралаша берибди, аралаша берибди.

Шунда Пётр I сенми ҳали эркаклар ишига аралашадиган дебди-да, аёлини Суздальдаги ўша монастирга сургун қилибди. Сочларини таг-туғи билан қириб ташланглар, дея фармойиш берибди.

Подшо фармойишига биноан, аёлининг сочларини пакки билан қириб ташлабдилар! Суздальлик аёллар подшо аёли ҳолига ачиниб, айтиб-айтиб йиғлабди. Ушандан буён монастирга томошага келгучиларга ана шу айтиб йиғлашни эшиттириб турар эканлар.

Мен ўйлай-ўйлай, ана шу айтиб йиғлашни эсладим. Ҳозир эшитаётганим... ўша айтиб йиғлашга жуда-жуда ўхшаб кетди!

Шовуллаш юракни эзгандан-эзди. Кўнгли-

га қайғу солди. Кўнглига таҳлика солди.

— Нимага анқайиб қолди? Борсин, юзқўлини ювсин. Нима, дунёни энди кўраятими? Радио ҳар саҳарда чаладиган соз-да.

— Унда, нимага мен эшитмаганман?

— Бу киши қасрдан эшитади, тонг ёримай далада бўлса...

Шовуллаш орасидан овоз келди:

...Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,

Дарёлар бўйида эдик сувга зор...

Энди билдим, ўйлаб-ўйлаб топдим. Бу ўзимизнинг эл-юрт қўшиғимиз бўлди...

Уйқуни ярим ўлик, дейдилар. Одам тонг саҳарда уйқусираб туради. Дунёни энди кўраётгандай бўлади. Дунёга уйқусираб қарайди, босинқираб қарайди, илтижо билан қарайди. Дунёдан нажот истайди, дунёдан илтижо истайди...

Дунё таги оқариб-оқариб келаберади.

Тонг еллари юзларни силайди. Тан-жонни хузурлайди. Кунглини тўлдиради. Кўзни тўйдиради.

Дунё шундай бир вақтда... тонг дея аталмиш хушрўй бир вақтда... биров қайғули ашула айтиб бошласа нима бўлади? Одам уйқудан уйғонганларига пушаймон бўлади! Кўнгли тундай бирён бўлади! Тонг — тун бўлади!

... Серқуёш ўлкада кўрмасдик зиё,

Дарёлар бўйида эдик сувга зор...

Радио эл-юрт қўшиғини айтаяптими, ё, айтиб йиғлаятими? Айтиб йиғласа, нима деб йиғлаятми? Ай, Деҳқонқул, боя олам зим-зиё эди, қоп-қора тун эди, сен ёруғ шуълага зор эдинг, қултум сувга ташна эдинг, хокисор эдинг. Ана, энди тонг бердим, энди сенга сув бердим. Бор, энди мени шарафлада, энди мени улугла-да, олти миллион тонна пахта териб бер, дея айтиб йиғлаятими?

Қайси бир йили Термизга бордим. Бекатда ўғлим билан автобус қараб қолдим. Сомса олиб едим. Шунда бир бурчакдан қўшиқ эшитилди. Ялт этиб, қўшиқ эшитилмиш тарафга қарадим. Бир бўзбола магнитофон қўйди. Одамлар лаш-лушини кўтариб, қўшиқ олдиға борди. Қўшиққа қулоқ бериб турди.

Сомсани қоғозга ўраб, мен-да қўшиқ олдиға бордим. Магнитофон теварагини одам босди. Қўшиқ эшитиб маза қилдим. Аммо, сўзларини тушунмадим. Боиси, қўшиқ бир ажнабий тилда бўлди. Ўзимча, ишқ-кўнгли қўшиғи бўлса керак-ов, дея ўйладим. Боиси, қўшиқ кўнглимга зигир мойдай ёқди. Яхшилаб эшитиб олайин дея, сомсамни емай турдим. Бўзбола магнитофонини қўлтиқлаб жўнади. Сомсахонага борди. Манитофонини деворга суяб қўйди. Ўзи панжарага суяниб, сомса еди. Уғлимни эргаштириб, бўзбола кетидан бордим. Бўзбола тагин магнитофонини қўлтиқлаб жўнади. Сувхона олдиға келди. Магнитофонини сувхона пештахтасига қўйди. Бир қўлини белига тираб сув ичди. Бир менмикан десам, бошқалар-да қўшиқ кетидан эргашиб келди.

Қўшиқ ниҳоялади. Биров бўзболадан: бу қандай қўшиқ, дея сўради.

Бўзбола елка қисди.

— Отини билмайман. Афғонистон гимни,— деди.— Аҳмад Зоҳир айтади.

— Эл-юрт қўшиғи дейсиз-да?

— Шу, шу!

Хаёлимга ўша қўшиқ келди. Қўшиқни деб, бегона бўзбола кетидан эргашиб юрганларимни эсладим.

Гап очилиб қолса... афғон ҳамсоғларимизни камситамиз. Қолоқ, дея, бурнимизни жийирамиз. Осмондан келиб куламмиз! Ана, эл-юрт қўшиғи қандай бўлади!

Тонг саҳарда эл-юрт узра шундай бир қўшиқ таралса... Эл-юрт қўшиғида юртимиз суврати бўлса... элимиз руҳи бўлса... эл-юрт сози бўлса... эл-юрт қўшиғини эшитиб, одам яшаган сайин яшагиси келса... пахта терган сайин тергиси келса...

Эл-юрт қўшиғини эшитиб, ажалга-да борса одам.

ҚИЗЛАРЖОН № 4



«Чехраси соф йигит...»

Саҳари мардонда биринчи трамвай овозидан уйғонаман. Таҳоратлангач, нонушта ҳозирлайман. Сўнг пишиллаб ухлаётган болаларим бошини силаб, «зуғумим»ни ўтказга бошлайман: «Туринглар, кечга қола-миз». Менинг бу нолишларимга ўрганиб қолган ўғилларим ярим очиқ кўзларини уқалаб ўринларидан «сакраб» туришади. Қизим эса кичиклигига борибми, ҳар кунги рад жавобини айтади: «Боймайман боғчага...» Рад жавобдан «зуғум» устунлик қилади. Юзини ювиб уйқудан уйғотаман. Сўнг нари-бери нонушта қилиб, апил-тапил кийинамиз-да, ҳар кунлик «юриш»ни бошлаймиз. Учаласини учта боғчага қўйиб, хизматга отланаман. Одатдагидек яна мактубларни ўқийшдан, муштарийларни ўйлантираётган муаммолар ҳақидагисини-ю, қизларнинг изтироб тўла ёзган мактублари билан танишишдан ишни бошлайман...

Наҳот қалбларимиз, эзилган юрагимиз ёруғликка ташна бўлса мудом?! Қани биз истаган ўша ёп-ёруғ кунлар-а, дейман ўзимга ўзим. Ҳа, мен ёруғлик истаб очган мактубларнинг ўзи ёруғликка ташна. Неча куйган дил нажот сўрайди, неча алданган кўнгил тасалли тиланади. Нажоту тасаллига куч қолдимиз ўзи менда? Мен кимдан нажот сўраб, кимдан тасалли тиланай? Заха мактубларнинг заъфар сатрлари забун кўнглимнинг нусхасин олмиш... Ҳар қадамда алдаш, ҳар лаҳзада алданиш...

«...Мен исмиمنى ёзишни маъқул кўрмадим. Т. исмли йигит билан аҳду паймон қилган эдик. Хатто қасамлар ичиб, тўйдан олдин... Энди бошимни қай деворга уриб ёришни билмайман. Алдандим, Т. менинг номусимни поймол, ўзимни бир умрга бахтиқаро қилди. Наҳотки йигит боши билан шунчалар пасткашликка борса? Энди менинг ўлмоқликдан ўзга чорам йўқ».

«...Турмуш қурганимизга олти ой бўлди, холос. Аммо кўз очиб кўрганим ўзганинг баридан ушлаб кетди. Кун келиб ҳомилам туғилса кимни отам дейди?... Менга ҳам яхши кўриб ўйланган эди-ку. Наҳотки йигитларнинг муҳаббати олти ойлик бўлса?!».

«...Ш. исмли йигитни яхши кўраман. Аммо биламанки, нуқул ёлғон гапирди. Унинг олдида мақтанчоқликда ҳеч ким ип эшолмайди. Шунчалар ўзига бино қўйганки, энсам қотади. Бироқ нима учун яхши кўраман, тушунолмайман. Айгинг, мен нима қилай?...»

«...Сизга ўғлим Р. устидан шикоят йўл-лаётганлигимдан минг афсусда бўлсам-да, аммо ўзга чора тополмадим. Биз чолу кампир ёшимиз олтишидан ошиб қолди. Фарзанд кўрмай-кўрмай кексайганда топган дилпорамиз бизга пичоқ кўтарди. Ҳеч ерда ишламайди, биздан кўп нарса талаб қилади.

Оладиган қариллик нафақа пулимиз у талаб қилаётган нарсаларнинг урвоғига ҳам етмайди. Қарилликда кўраётган кунимиз...»

Қолган мактубларни очишга куч тополмайман. Кўзларим тиниб, деразадан ташқарига бўйлайман. Ям-яшил япроқчалар, улардан-да юксакроқда парвоз этаётган оқ кабутарлар... Телефон жиринглайди. Гўшагини кўтараман. Жиноят қидирув бўлимида ишлайдиган кадрдон танишимнинг овози. Хол-аҳвол сўрашамиз. Ундан ёруғ сўзлар кутаман. Бироқ...

— Эҳ, чарчадим, — дейди танишим. — Бугун фалон ерда иккитаси ўғирликка тушибди. Кампирни ўлдириб арзимаган латта-путтасини олиб қоцаётганда ушладик. Тергов ҳозир тугади.

Мен сўз айтилмайман. — Вақтингиз қандай? Юринг, Кумушнинг қабрига бориб келамиз, — дейди танишим. Мен узоқ сукутдан сўнг:

— Йўқ, Отабекнинг қабрига бориб келамиз, — дейман қайсарлигим тутиб. Фейлимга кўникиб қолган кадрдоним рози бўлади.

Кетаяпмиз... Уша, ўзимиз хаёлан кўмган мумтоз қабр томон, Отабек томон. Иккала-миз ҳам жим: забон на менда, на унда бор. Кўзларимиз поклик рамзи япроқчалару, япроқчалардан-да юксакроқда парвоз

этаётган оқ кабутарларда. Оёқларимиз ерда юряптими, самодами — билолмаймиз. Мана, Отабекнинг қабри. Қабрга тиз чўккан кўйи Отабек билан ич-ичдан сўзлашиб, бўзлашамиз. Сўнг танишим, мен қачонлардир Отабекка атаб ёзган шеъримнинг охири тўрт мисрасини ўқийди:

Марғилон томондан эсган шамоллар
Бир мискин наводек эсаверар, лек,
Энди бу дунёга қайтиб келмагай
Юсуфбек Хожининг ўғли Отабек.

Ногоҳ, бармоқларимдан қон сизиб чиқаётганини кўраман. Қонли бармоқларим билан қабр лавҳига Ҳазрат Навоийнинг ушбу қитъаларини ёза бошлайман:

Чехраси соф йигит бобида ким, сафо
учун
Тарош қилур ва ул маҳз қудуратдур

Соф чехранг кўзгу янглиг пок эди,
То анга поки била бердинг тарош.

Кўзгунини гўёки суҳон айладинг,
Топкали ошиқларинг кўнгли харош.

Матлуба ҲАМРОЗ

Садаф бағридаги марварид

Хаттотлар гўзал, нақшинкор ҳарфлар ила санъаткорона иншо этган сўзлар маъносини таъбир жоиз бўлса, садаф бағридаги марваридга муқояса қилмоқ мумкин. Табиат жавоҳиротидаги садаф ва дурнинг қомил мутаносиблиги қадим хаттот бобокалонларимиз заковати билан ҳуснихат ва маъно мутаносиблигига кўчган. Ҳа, улар ҳар бир ишни санъат даражасида ихлос билан адо этганлар. Халқимиз маънавияти хазинаси калитларидан бўлмиш араб имлоси бугунги кунда кўпларни беқияс бойликлар дунёсига олиб кирмоқда. Бу алифбони ўрганиш қадимги хаттотлик санъатига қизиқишнинг қайта таваллудини кўриш бахтини ҳам инъом этаётир.

Қалбида бу бетакрор санъатга ихлос уйғон-

ган Наргиза Эминжон қизи Усмонова ҳали мактаб ўқувчиси. У Тошкент туманидаги Чувалачи қишлоғида истиқомат қилади. Сиз суратларда унинг дастлабки машқларидан намуналарни кўриб турибсиз. Ҳозирча Наргиза ҳуснихат нақшлари композициясини кўчириш йўли билан бу санъат оламини англашга ҳаракат қилапти. Ҳа, билим ва ўрганишнинг энг дастлабки босқичи тақлидир. Бироқ Наргиза машқларида композицияга ўзича янгилик қўшишга интилаётир.

Унинг ижод намуналарини кузатар экансиз, бу санъат энг аввало юксак дид санъатчилигини англай бошлаганини сезасиз. Наргиза келажакда ўз қизиқишига, ҳавасига содиқ қолса, изланса, халқимизга хаттотлик санъатининг дурдоналарини ато этади, деб умид қиламиз.

Амирқул КАРИМ





Қизлар — сўрайдилар

Биз ўзбек шоирлари Нодира, Маҳзуна, Увайсий ижоди билан танишимиз. Сизлардан илтимос, шоира Дилшод-Барно ижоди, ҳаёт йўли ҳақида ҳам маълумот берсангизлар.

Шахноза ҒУЛОМОВА,
бир гуруҳ қизлар номидан.

Дилшод—Барно (1800-1905) XIX асрда яшаб ижод этган. У шоира Анбар отиннинг устози эди.

У ҳозирги Тожикистоннинг Уратепа (қадимги Истравшан) шаҳрида туғилган. Дилшод «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асарида баён қилишча, Қўқон хонининг Уратепа вилояти устига босқинчилик юриши вақтида бошқа асирлар қатори 1817 йилда Қўқонга ҳайдаб келинган. Дилшоднинг кейинги ҳаёти шу ерда кечади.

Дилшод ижод майдонига XIX аср биринчи чорагидан бошлаб қадам қўйди. Шоиранинг шеърларида она-Ватан — Уратепага ва кейинчалик уни ўз бағрига олган Қўқонга бўлган жуда катта муҳаббат ҳисси ифода этилади. Шундай қилиб, Дилшод ўзбекларнинг ҳам, тожикларнинг ҳам севимли шоираси сифатида танилади. Бизгача унинг Ўзбекистонда топилган ўзбек тилидаги лирик ва мемуар характердаги «Саботул-башар» («Инсон матонати»), «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») асари етиб келган. Дилшод бир аср умр кўрган шоирадир. Ҳаётни севган, дўстлик туйғуларини қадрлаган Дилшод Ҳофиз ва Навоий каби улуг даҳоларни ўз устози деб билди.

Унинг асарларида яхши кунларга бўлган умид алоҳида бўртиб туради.

Толем кулсун,
таманно фикридек
бўлсун ҳаёт,
Элу халқ ҳукмида ёзган
зикридек бўлсун ҳаёт,
Ишқ аҳли-умиди
меҳридек бўлсун ҳаёт,
Муғбаччани жом тугган
илгидек бўлсун ҳаёт,
Қалби равшан бу сахий
Кун нуридек бўлсун ҳаёт!

Қизлар — ўйлар...

«Қизларжон» саҳифаси орқали ўз фикр-мулоҳазаларимни билдиргим келди. Бу галги фикрларим фақат қизларнинг ўзига эмас.

Нега қизларимиз номусидан ажраятдилар, нега қизларимиз тўғри йўлдан кўра эгри йўлга бош суқаядилар, нега молу мулкка, қимматбаҳо кийинишга ружу қўяядилар, нега, нега?.. Катталарчи? Биз катталар наҳотки кўзларимизни етти қават парда остига яширсак, нега кўзимиз очилмайди, юмуқ?! Агар она зийраклик билан қизининг балоғат ёшига етаётганини англамаса, синчковлик билан ётиш-туришидан хабардор бўлмаса хунук воқеалар содир бўлиши муқаррар. Қани эди мактаб хотин-қизлар кенгашлари раислари, синф раҳбарлари қизлар билан доимий мулоқотда бўлсалар, уларга гигиена, орасталик, одоб, ахлоқ, қиз-йигит ўрта-сидаги интим муносабат, муҳаббат, ор-номус, тушунчаларини ўз вақтида тушунтириб борсалар, улар фарзандларининг камоли учун оз бўлса-да ҳисса қўшган бўлар эдилар. Қолаверса, ўз вазифаларини адо этган бўлар эдилар.

Гулжаҳон ФАЙЗИЕВА,
Самарқанд вилояти
51-ўрта мактаб ўқитувчиси.



М

енга «Қизларжон» саҳифаси жуда ёқди. Усмирлик пайтида дарёдек тошиб бир ишни қиласану, кейин ўйланиб қоласан. Баъзида кимдан маслаҳат сўрашингни билмай қоласан. Шунинг учун сендан илтимос «Еш куч», биз қизлардан қимматли маслаҳатингни аяма.

Қизлар, сизлардан илтимосим шуки, йигитларнинг ширин сўзларига учманг. Ҳаётда қоқилишингиз мумкин. Бир адашдингизми, тўғри йўлга тушини жуда мушкул.

ГУЛЧЕҲРА,
Сурхондарё вилояти.

К

«Қизларжон» га баъзи бир мулоҳазаларимни билдирсам. Саҳифа орқали ўқитувчилар, ота-оналар, ислом дини уламолари билан учрашувлар ўтказилса, баҳс-мунозарали мақолалар эълон қилинса. Саҳифа ижодий ходимлари сафарга чиқиб, ўқувчи қизлар, талабалар билан давра суҳбатлари уюштирилса.

Муаттар АЛИМБОЕВА,
Тошкент вилояти.

Одамлар

(кузатиш)

Мана, буни қара! Нега бунча сунъий у? Нега сунъий гапирди, сунъий кулади? Сунъий титрайди. Лекин кулавериш ҳам, мақтаниш ҳам ҳаммага ярашавермайди. Йиглаш, ҳам, алҳол севиш ҳам ҳаммага nasib этавермайди. Худо шу томондан қисмасин экан.

Мана бу «киши» тез одамга киришиб кетар экан, бир дақиқанинг ўзида. Ҳазил гапми бу, ахир! Худди ич-ичингга кириб кетгандай. Аммо тез баъдингга урар экан. Мана буниси тамомила унинг акси. Ич-ичингга кириш нари турсин, ёнингга йўламайди. Одам иси ёқмас.

Ун гапирсанг, бир жавоб қайтаради. «Ҳа» ёки «йўқ». Шундан кейин ўзини олиб

қочаверади, аммо у қадар жонингга тегмайди.

Ана униси-чи? Бир қарашдаёқ «артист» дейсан. Сени бир амаллаб алдаб-сулдаса бас. Бу ёғига иши юз. Бир дақиқанинг ўзида минг тусга киради.

Тинмай жаврайди, индамай эшитасан. Иложинг қанча... Дастлаб шеърхонлик қилди, чидадинг. Кейин мақтанди, кейин кўнгилчанликка ўтди, чидадинг. Кейин қизганди, кейин ўртанди. Кейин...

Ахийри жонингга тегди. Шунда ҳам индамай ўтиравердинг, гўё унинг туғуруқсиз гапларини эшитмаётгандай. Алҳол бир нарсага амин бўлдинг. Унга:

майинлик ҳам,
кўнгилчанлик ҳам,

телбалик ҳам ярашмас экан. Зеро, бу сохта ниқобларни алмаштираётганида унинг ҳақиқий тасқара қиёфаси кўриниб туради.

Шаҳодат УЛУҒОВА.

Сабр-бардош бобида

С

абр — аччик, аммо фойда берувчи: у — қаттиқ, аммо зиён-заҳматни даф этувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири ўз муродига этган бўлади. Қайси бир грифтор кўнгил сабр туғунини бўшатмаган бўлса, унинг бахт туғуни очилади.

Сабр — туядир-оғир қадам, лекин бекатга олиб борувчидир. Ҳикоят:

— Нақл қилишларича, бир бечора-нотавоннинг кўнглига бир гулзуннинг ишқи тушди. У тухмат туфайли зиндонга грифтор бўлди. Тухматни бўйнига қўйиш учун унга берилмаган азоб қолмади. Аммо у маҳфий сирини тилига олди. Оқибат бир кун миришаблар бориб, уни зиндондан тортиб чиқаздилар ва бош-оғидан тортиб бир кўчок ёғочни унинг баданига уриб ушатдилар. Калтак зарбидан унинг бутун вужуди жароҳат бўлди: ҳамма аъзосининг териси шилинди. Унинг аъзоси бадани шундай дабдала қилинган эдики, оққан қон у майдонни лозазор қилди. Шунда ҳам, у бечора мутлақо дам урмади ва иқроп сўзини тилига келтирмади. Ниҳоят золимлар уни азоблашдан чарчадилар ва ўртадан судраб чиқариб, ноиложликдан қўйиб юбордилар. Инсофдан тўғри иш қилдилар.

Сўнгра, азоб берувчилар йироқлашгач, жафо-

каш оғзидан майдаланган танга парчаларини чиқарди. Тўпланган одамлар бу ҳол сабабини сўрадилар.

Унинг жавобидан маълум бўлдики, золимлар калтаклаётган пайтида севгилиси келган ва бир бурчакда унинг аянчли ҳолига боқиб турган экан. Унга жабр-зулм қилинаётганида, у тангани оғзига солиб, ҳар зарбда икки тиши орасига олиб, қаттиқ тишлар ва тишининг зарби билан у пулни майдамайда қилиб ушатар экан. Ошиқ ўз маъшуқаси қаршисида сабр-чидам кўрсатиб, унинг кузатиб турганини сезар экан. Бу манзарани ўз кўзи билан кўрган маъшуқаси меҳр-шафқат қошига келиб, юмшоқ сўзлар билан яраларига малҳам қўйди ва ширин тил билан мажруҳ танига жон бағишлади. Бу ошиқ йигит тасаввур қилиб бўлмас давлатга муяссар бўлди ва хаёл қилиб етмас саслатга эришади. Бу бахт — барча қийинчиликларни сабр-чидам билан енгиш намунасидир. Бунга азоб-укубатга бардош кўрсатиш орқали эришилди.

Байт:

Кимки бирор қийинчиликда сабру чидам
кўрсатса,
Бахт унинг заҳрини болу, тиканини гулга
айлантиради.

Алишер НАВОЙИнинг
«Маҳбуб ул-қулуб» китобидан.

бу олам бир сурат хона


**Абдувоҳид ТУ-
РАЕВ** — ТошДД
журналистика
куллиётининг та-
лабаси, «Тошкент
ҳақиқати» рўзно-
масининг фото-
мухбири.



Хотира



Соф ўзбекона рақс



Гуллар... тутунлар



Имон-эътиқод бирлаштирган сониялар



Табиат мўъжизаларидан бири!



Оғиргина қўзи экан!



Осойишта дамлар



Она бешикни тебратар

деб ёзибди ўз шикоятда Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти Кегайли посёлкаси Калинин кўчасида яшовчи Салима Сарсенбаева. Мен қаҳрамон онаман. Икки болам Афғонистонда хизмат қилган. Ноқобил шифокорларнинг айби билан 14 ёшга чиқаётган қизим бевақт оламдан кўз юмди. Достон Жабборов деган врач маст ҳолда қизимни операция қилган эди.

Мен бу ҳақда мурожаат қилмаган жойим қолмади. Туман партия қўмитасига, жумҳуриятимиз прокуратурасига, соғлиқни сақлаш вазирлигига, «Совет Қорақалпоғистони» рўзномасига ёздим. Бироқ бу ташкилотлар бизларнинг ўтинчимизни тингламаётди. Охирги умидимиз сизлардан. Хурматли «Ёш куч» редакцияси, ҳақиқатнинг берк пардасини очиб беринглар.

Айбдор врач жазоланди!

Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлиги Салима Сарсенбаеванинг «Ёш куч»га ёзган шикоятини мутахассислар иштирокида текшириб чиқди. Шикоятда кўрсатилган далиллар тасдиқланди. Клиник ташҳисни белгилашда ва даволашда йўл қўйган камчиликлари учун жарроҳлик бўлими мудири Достон Жабборов ўз лавозимидан озод қилинди ва текшириш натижалари тергов органларига жўнатилди.

**Қорақалпоғистон М. Ж.
Соғлиқни сақлаш вазирлиги
бош жарроҳи
И. МЕДЕТБЕКОВ.**

Аҳволимиз ночор

деб ёзибди ўз шикоятда Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани Эргаш Жуманбулбул номи давлат хўжалигида яшовчи Учқун Сатторов. У ўз хатида отаси Бекмурод Сатторовнинг 1 гуруҳ ногиронлиги, икки оёғи фалажланиб кўп йилдан буён касал ётганлигини, шу боис оиласи моддий томондан ночор аҳволга тушиб қолганлигини баён этган эди.

Қишлоқ кенгашига, тумандаги айрим ташкилот раҳбарларига мурожаат этиб тегишли ёрдам ололмаётган У. Сатторовнинг арзини биз текшириб чора кўриш учун Қўшрабат туман фирқа қўмитасига юбордик.

Аризачига эътибор берилди!

«Ёш куч»га юборилган шикоятга биноан туман фирқа ва ижроия қўмиталари Жўш қишлоқ Кенгаши билан биргаликда Бекмурод Сатторовнинг оилавий аҳволи яшайдиган жойига бориб ўрганиб чиқилди.

Жўш қишлоқ Кенгаши бу оилани ўз оталигига олди. Аризачи яшаб турган уйнинг томини шиферлаш учун қишлоқ Кенгаши томонидан навабтсиз 70 дона шифер ажратилди. Уйнинг айрим жойларини таъмирлаш учун туман давлат сугурта инспекцияси томонидан ёрдам пули берилди. Туман меҳр-шафқат фондидан мазкур оилага ажратилган 500 сўм пул ҳам олиб бориб берилди. Жўш қишлоқ Кенгаши ҳам оиланинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида 500 сўм миқдорда пул ажратди. Оиланинг чорва молларини ет-хашак билан таъминлашни давлат хўжалик маъмурияти ўз зиммасига олди. Шунингдек 1 гуруҳ ногирони Сатторов-

нинг саломатлигини доимий назорат қилиб туриш туман марказий ҳамда Жўш қишлоқ касалхонаси шифокорларига юклатилди.

**Қўшрабат тумани
фирқа қўмитаси котиби
Н. ИБОДОВ**

Қўлсиз қолдим

деб ёзибди ёш журналхонимиз Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 27 партсезд жамоа хўжалиги Бикми қишлоғида яшовчи Сайфутдин Мирзаев.

Футбол ўйнаётиб қўлим синган эди. Чоршанба поликлиникасининг врачлари Карим Имомов яхши текширмай наридан-бери гипс қилиб қўя қолди. Эртасига гипс қўлимни қисиб оғрита бошлади. Мен яна ўша врачнинг олдига бордим. У ҳеч нарса қилмайди деб мени қайтариб юборди. Минг афсуски 5-6 кун ичида оғриқ тўхтамагач, шаҳар касалхонасида қўлимни кесишга мажбур бўлишди. Мен Имомовни судга бермоқчи эдим, у бола-чақасини ўртага қўйиб ялинди-ёлборди. Хабар олиб тураман, қўлингга протез қўйдириб берман, — деди. Мен унинг лафзига ишониб, гуноҳидан кечганман. Бироқ у гапидан турмади. Протез қилдириб бериш у ёқда турсин, лоақал аҳволимдан бирор марта хабар олмади. Менга ёрдам бермадингизку десам «Энди кимга борсанг боравер, сенга ёрдам бермайман» деди. Мана энди мен шу ёшимдан II гуруҳ ногирониман.

Хурматли «Ёш куч»! Хатимни босиб чиқар. Эҳтимол бу Имомовга ўхшаган бағри-тош, саводсиз дўхтирлар камайишига ёрдам бўлармиди.

Тахририятдан: Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалдорларидан бири юма-лоқ ёстиқ қилиб юборган жавобни шундай сарлавҳалаш мумкин.

Бир қўлга бир ҳайфсан

Ўзбекистон Жумҳурияти Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш Бош бошқармаси комиссия тузиб С. Мирзаевнинг «Ёш куч»га ёзган хатидаги фактларни текширди. Маълум бўлишича, 18 ёшли С. Мирзаев футбол ўйнаб туриб жароҳатланган. Шу куннинг ўзидаёқ поликлиниканинг травматолог врачлари К. Имомовга мурожаат қилган. У қўл суяги билан-дан синган деб ташҳис қўйган ва гипсли боғлама билан боғлаган. Кейинги кунни бемор қўлининг оғриғи зўрайиб кетгани, бармоқлари ва чап биллак шишгани тўғрисида врачга шикоят қилган. Гипсли боғлама олиб ташланган. Уч кун ўтгач беморнинг қўл бармоқлари, биллак бўғинидаги оғриқлар зўрайган ва у Шаҳрисабз туман шифохонаси травматология бўлимининг врачлари А. Исмоиловга мурожаат қилган. А. Исмоилов гипсли боғламани олиб ташлаган, қўлини тахтакачи билан боғлаб елкасига осиб қўйган. Гипсли боғлама олиб ташлангач, беморга эртасига врач травматологга учрашиш тавсия этилган. Бироқ тавсия этилганига қарамай бемор 6 кунгача мурожаат қилмаган. Фақат аҳволи ёмонлашгандан кейин, яъни чап қўли сезиш қобилиятини йўқотиб қизғиш кўк рангга киргандан кейингина врачга мурожаат қилган. Шу кунни беморнинг чап қўли гангренаши шубҳа қилинган ва у шифохона-

га ётқизилган. Утказилган муолажа — консерватив терапия самара бермагач, кейинчалик ясама қўл ўрнатиш мақсадида чап қўлнинг учдан бир қисми кесиб олиб ташланган.

Бу воқеа Шаҳрисабз тумани ходимлари кенгашининг мажлисида кўриб чиқилди ва касалхона врачлари К. Имомовга қатъий ҳайфсан берилди. Навбатчи врач ўртоқ А. Исмоилов қатъий огоҳлантирилди.

Аризани ёзган бемор билан суҳбат ўтказилди.

**Жумҳурият Соғлиқни
сақлаш вазирлиги тиббий
ёрдам кўрсатишни ташкил
қилиш Бош
бошқармасининг бошлиғи
Р. Т. СУЛТОНОВ.**

Тахририятдан: Халқимизда «Қарга қарганин кўзини чўқмайди», деган нақл бор. Бош бошқарма бошлиғи мухтарам ўртоқ Р. Т. Султоновнинг юқоридаги қоғозбозлик руҳида ёзилган жавобини ўқигач, «Қарга қарганин кўзини номига чўқийди» деган фикр келади. Пойинтар-сойинтар, ёлғон аралаш ёзилган ушбу жавоб «балиқ бошидан сасийди» деган нақлни ҳам эслатади.

Хурматли Сайфиддин! Сен Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш (!) Бош Бошқармасининг Бошлиғи (!) ўртоқ Р. Т. Султоновнинг шикоятингга жимжимадор имзо чекиб йўллаган жавобини келажак авлод учун асраб қўй! Ва худого шукрлар қилгин. Негаки саводсизлиги туфайли қўлингнинг учдан бир қисмига зомин бўлган врачга ҳам катта бир жазо — қатъий ҳайфсан берилди. Бизда бутун бир қўлидан айрилганга, бола ўлимига сабабчи бўлганга ҳам оддий бир ҳайфсан бериш ҳеч гапмас.

Дардимизга даво қилинг

Адолат ва ҳақиқат, инсоф ва диёнат каби сўзларни фақат эшитамиз. Бироқ керак пайтда бир оғиз яхши гап эшитиш нақадар мушкуллигини мен ўз бошимдан кечириб билиб олдим. деб ёзибди ўз шикоят хатида Қашқадарё вилояти, Қамаш туманидаги Шакар қишлоғида яшовчи Муртазо Расулов. Укам 1989 йил Самарқанд вилояти ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилди. Ҳозир у Мурманск вилоятида уч йиллик муддатли денгиз флотига хизмат қилаяпти. Укам хизматга жўнаётган пайтда бир йилдан буён касалхонада ётган отам янада оғирлашиб қолди. Биз ҳужжат тўғрилаб, Самарқанд вилояти ҳарбий комиссариатига мурожаат қилдик. Бироқ улар арзимизга қулоқ солишмади. Отам вафот этди, бунини укамизга билдирмадик. Бир йил ўтгандан кейин тасодифан катта акамиз ҳам (у Чироқчи туманидаги ички ишлар бўлими ГАИ-сида инспектор бўлиб ишлар эди) иш вақтида аварияга учраб сирли равишда ҳалок бўлди. Акамнинг беш нафар қизи бор. Энг каттаси ўн ёшда. Укаларим ҳали ёш. Оилада ишга ярайдиган бирорга эркак йўқ. Онамиз ҳам юраги оғриб, ҳафтада икки марта эшигимиз тагига «Тез ёрдам» машинаси келади. Давлатнинг иши деб ўлиб кетган акамнинг ишхонасидан лоақал битмаётган иморати учун озгина шифер, ёғоч сўраб онам 21 марта борди. Қуруқ қайтиб келди.

Ўрнатилган «Еш куч». Сизлардан зор-зор йиғлаб сўрар эдикки, укамни қолган хизматидан озод қилиб икки сағир оилага, кўзлари ёшга тўлган гўдакларга, қадди букилиб адо бўлаётган онаизоримизга суянч бўлинглар.

Аскарнинг хизмат муддати камайтирилди

Мургазо Ёқубовнинг «Еш куч»га ёзган шикоят юзасидан шахсан Қамаш вилояти ҳарбий комиссари ҳарбий хизматчининг акаси билан суҳбатлашди ва унга ССЖИнинг «Умумий ҳарбий хизмат ҳақида»ги қонун тушунтирилди. Мазкур қонунга мувофиқ Ёқуб Расуловни хизматдан эрта чақириб бўлмас эди. Чунки унинг меҳнатга лаёқатли ака-опалари бор. Булар амалдаги қонунга мувофиқ бирга яшаш-яшамасликларидан қатъий назар оналарини боқишлари керак. Бироқ шикоят мактубидан келтирилган барча ҳолатларни, шунингдек онанинг соғлиғи ёмонлигини ҳисобга олиб, Қамаш тумани Қашқадарё вилояти ҳарбий комиссариюти томонидан Ё. Расуловни уч йиллик хизматидан икки йиллик хизматга ўтказиш тақдим қилинди.

Қашқадарё вилояти ҳарбий комиссари полковник МОЛЧАНОВ.

Тахририятдан: Демак, 1992 йилнинг кузида хизматдан қайтиши лозим бўлган аскар бир йил олдин, яъни ҳозир хизматдан бўшаб келган.

Мадад сўрайман

деб ёзибди ўз шикоят хатида Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидаги Чапаев номили жамоа хўжалигида яшовчи Бектурди Жуманиёзов. У анча вақтдан буён уй-жой қуриш учун давлатдан қарз (суда) ололмай қийналиб юрган экан.

Мадад берилди

Қўшкўпир тумани Кенгаши ижроия қўмитаси Чапаев номили жамоа хўжалигида яшовчи Б. Жуманиёзовнинг «Еш куч»га ёзган шикоят хатини текшириб тубандагиларни билдирди. Ҳақиқатдан ҳам аризагўй 1990 йилдан буён туман жамғарма банкининг буюрократларча муомаласи туфайли турар-жой қуриш учун суда олиб билмай юрган. Туман кенгаши ижроия қўмитаси уй-жой қурилиши бошқармаси томонидан қарз олиш учун керакли ҳужжатлар тайёрланди ва аризагўй Бектурди Жуманиёзовга жамғарма банкдан 5000 сўм қарз олиб берилди.

Қўшкўпир тумани Кенгаши ижроия қўмитаси раиси А. РАЖАБОВ.

Мактабимиз хароб

деб ёзибди ўз шикоят хатида Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 10-мактаб ўқувчилари.

Улар мактабларида ўқув қуроллари, синф жиҳозлари етишмаслигини куюниб билдирган эдилар.

Камчиликлар бартараф этилди!

Самарқанд вилояти комсомол қўмитаси Ургут туманидан 10-мактаб ўқувчиларининг «Еш куч»га йўллаган шикоят хатларини қўмитамиз масъул ходимлари, Ургут тумани комсомол фаоллари, халқ таълими бўлими инспекторлари билан биргаликда бригада тузиб жойида текшириб чиқди.

Мактаб жамоаси, юқори синф ўқувчилари билан суҳбат ўтказилди. Битирувчи синф ўқувчилари «Еш куч»га шикоят хати ёзганликларини рад қилган бўлсаларда, шикоятда кўрсатилган нуқсонлар тасдиқланди. Мактабнинг биринчи асосий биноси ўтган йили созланган бўлса-да, иккинчи қисми хароб аҳволда. Ҳақиқатан мактабда синф жиҳозлари, ўқув қуроллари етишмайди. Мактабга бевосита оталик қилувчи «Уч қаҳрамон» давлат хўжалиги иқтисодий жиҳатдан қолоқ аҳволда бўлса-да, энди мактабни созлашни ўз зиммасига олди. Туман халқ таълими бўлими томонидан мактабни созлаш учун 500 сўм пул, 50 кило краска, 50 кило алиф ва қайта жиҳозлаш учун булардан ташқари 4000 сўмлик инвентарлар ажратилди. Мактабда комсомол ишлари ҳам яхши йўлга қўйилмаганлиги тасдиқланди. Утган ўқув йилида мактаб бошланғич ташкилоти 25 ўқувчини комсомол сафига қабул қилган бўлса-да, унда баъзи қоидалар кўпол равишда бузилган. Турли тадбирлар кам ўтказилмоқда. Туман комсомол қўмитаси мактабга методик ёрдам берадиган бўлди.

Хатда кўрсатилган далиллар туман халқ таълими бўлимида кенгаши аъзолари иштирокида муҳокама қилинди. Ишда йўл қўйилган камчиликлар учун мактаб директори Шариф Давронов, илмий мудири Баҳром Янгитбоев, синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси Тошпўлат Ашуровга ҳайфсан эълон қилинди ва камчиликларни тузатиш учун муддат берилди.

Б. ЗОКИРОВ,
Самарқанд вилояти
комсомол қўмитаси
саркотиби.

Собиқ колхозчининг фарёди!

Мен кўп йиллар колхозда ишладим. Иш пайтида тўсатдан қўлим оғриб қолди. Кўп вақтим касалхоналарда ўтди. Тузалмаганимдан кейин мени вилоят касалхонасидан Тошкентга жўнағишди. У ердан II гуруҳ ногиронлиги тайинлашди. Икки йил муддатга. Бироқ тақдир экан кўп ўтмай ўнг оёғимни кесиб ташлашди. Кейин биринчи гуруҳ ногиронлигига ўтказишди. Бу йил яна комиссия қилиб аҳволимга раҳмлари келмади. Мендан умидвор бўлиб натижа чиқмагач, дўқ қилиб, яна... II гуруҳга ўтказишди. Мен 1986 йилдан буён бир жойда ётаман. Сизлардан илтимос, комиссия юборинглар. Мен бор умримни далада, пахтада ўтказганман. Энди обрўйим шу бўлди-ми?! «Еш куч» менга ҳам ёрдам бер, деб ёзибди Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Пахтақайнар жамоа хўжалигида яшовчи Хадичахон Турдиқулова.

Ўзбекистон тумани Пахтақайнар жамоа хўжалигида яшовчи Х. Турдиқулованинг «Еш куч»га ёзган шикоят хати текшириб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам Х. Турдиқулованинг биринчи гуруҳ яроқсизлик муддати туғганидан кейин II гуруҳ яроқсизлигига туширилган. Чунки бемор биринчи гуруҳ яроқсизлик муддати туғани олдида касаллик тарихидан кўчирма ва тиббий 88-маҳсул ҳужжатни тўлдириб, туман ижтимоий таъминот комиссиясига топширмаган.

Хат асосида Х. Турдиқулованинг яшаш шароити, саломатлиги ўрганилди. Она шифохонага ётқизилди. Шу йил 8 июлдан буён даволанмоқда. I гуруҳ яроқсизлик учун 88-форма тайёрланди. Шифохонадан чиққандан сўнг I гуруҳ яроқсизлигига ўтказилади.

Ўзбекистон тумани
партия қўмитаси котиби
М. ҲАКИМОВА.

«Қаҳрамонлик» ўғриланяптими?

«Онам ўн фарзандни туғиб тарбияламоқдалар,— деб ёзади Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги Миршоди қишлоғида яшовчи Гуласал Исмоилова. Бироқ энг кичик укам 3 ёшдан ошганига қарамай, ҳалигача «Қаҳрамон она» унвони берилмапти. Биринчи бор қишлоқ советидан сўралдию, лекин аниқ бир жавоб олинмади. Бир пайтлар журналда «Қаҳрамонлик ўғриси» сарлавҳали мақола ўқигандим. Ҳозирги кунда бундай ўғирликка барҳам берилмаганми? Бизга ёрдам беринглар.

Унвон эгасига топширилди

Олтинсой тумани ижтимоий таъминот бўлими Гуласал Исмоилованинг «Еш куч»га йўллаган шикоят мактубини кўриб чиқиб қўйидагиларни маълум қилади. Хатда кўп болали она Ҳайринисо Абдусаломова 1989 йилда туғилган 10 фарзанди учун «қаҳрамон она» унвони олмаганлиги ҳақида шикоят қилинган.

Шикоят мактуби текшириб кўрилганда қўйидагилар аниқланди, Абдусаломованинг 10 фарзанди 1989 йили туғилган. Ижтимоий таъминот бўлими уни «Қаҳрамон она» унвонига 1990 йил 26 мартда тақдим этган. Негаки қоидага мувофиқ 10-бола бир ёшга тўлгандагина она шундай унвонга тақдим этилиши керак. Биз онанинг ўзи билан юзма-юз учрашдик. Маълум бўлишича Абдусаломова ижтимоий-таъминот бўлимига учрашмасдан тўғридан-тўғри «Еш куч»га шикоят ёзган. «Еш куч»дан онанинг шикояти хусусида сўроқ келгач, ижроия қўмита томонидан 1991 йил 15 июлда опага «Қаҳрамон она» унвони берилди ва у ҳозирги кунда тақиб юрибди.

Олтинсой тумани
ижтимоий таъминот
бўлимининг мудири
Э. ЧОРИЕВ.

Турар Рискулов... Бу номни эшитганда хаёлга толдингиз чоғи. Беҳисоб ахборот билан тўлган хотирангизни титкилаб, бу инсон ҳақидаги биланларингизни эслашга уринишингиз табиий. Узук-юлуқ маълумотлар ва «даҳшатли қатағон» миянгишга ярқ этиб урилди-ю...

Турар Рискулович Рискулов (1884-1943) бутун Турон халқларининг шонли фарзанди саналади. У Туркистонда Шўролар ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлашда фаол қатнашди. Туркистон Мухтор жумҳуриятининг таниқли давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда Қозғистон, Озабайжон ва Москвада, Мўғулистонда катта фаолият кўрсатди.

1937 илдаги даҳшатли қатағон Турон элининг фахри бўлган бу инсонни ҳам четлаб ўтмади, у 1943 йилда ҳалок этилди... Т. Рискулов фақат йирик давлат арбоби ва амалиётчигина эмас, кучли назариётчи ва йирик тарбияотчи ҳам эди.

1918 йил кузидан болаб (қисқа узиллишлар билан) 1924 йил февралигача давом этга Туркистон фаолияти Рискулов ҳаёида муҳим босқични ташкил этди. Ушбу олти-етти йиллик вақт Туркистон тарихида ҳам ўзига хос мураккаб жараёнларни акс эттирди. Бу пайт ичи асрлар бўйи шаклланган шарқона турмуш, урф-одат, анъаналар ва шариат қонунлари билан ўлка халқлари ҳаётига кириб келган ИНҚИЛОБ юзма-юз тўқнашди. Кураш шафқатсиз ва зиддиятчи кечди...

Куйида сиз ўқийдиган мактубни Турар Рискулов Андижон шаҳридан 1919 йил 11 майда Туркистон МИК раиси А. А. Казакога йўллаган. Чунки Рискулов 1919 йил 2 майда Туркистон МИК ва Туркистон Коммунистик партияси Улка Комитетининг фавқулодда Комиссияси таркибида Фарғонадаги босмачилик ҳаракатига қарши курашни фаоллаштириш

1990. № 8 8-166, № 9. 47-566).

Дашноқлар Туркистонда Октябрь инқилобидан кейин мислсиз ёвузликлар қилишди. «Дашноқ тўдалари 1918 йил ва 1919 йилнинг дастлабки 3 ойида Марғилон шаҳрида 7000 га яқин, Андижон шаҳрида 6000, Наманган шаҳрида 2000, Бозорқўрғон ва Қўқон ўртасида 4500 га яқин кишини ўлдиришган. Дашноқлар «Қўқон мухторияти» тор-мор қилинган 1918 йил февралидан Қўқон шаҳрида 10000 кишини ҳалок қилишди, улар Совет (Қизил Армия — Қ.Р.) кўшинлари байроғи остида туриб Қўқонни 9 кун талон-тарож қилишди» (Ш. Шомардиев, «Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине» Т, 1961 й, 54-566).

Совет тарихчиларидан фарқли равишда Боймирза Ҳайит ўзининг «Туркистонда миллий кураш тарихининг асос манбалари» асарида ушбу маълумотларни таҳлил қилар экан, Қизил Армия сафларида арман дашноқлари билан биргаликда бошқа европалликлар ҳам, асосан, руслар жанг қилганлигини таъкидлайди.

Дашноқлар нима учун Совет кўшинлари байроғи остида туриб жанг қилишди? Кавказда ва Туркияда арманлар билан туркий халқлар ўртасидаги миллий низолар олови сўнмай турган даврда дашноқлардан Туркистонда нима мақсадда фойдаланилди, бундан кимлар манфаатдор эди? Туркистондаги маҳаллий аҳолини аёвсиз чопиб ташлаётган дашноқлардан ёки ўз юртини келгиндилардан ҳимоя қилиш учун қўлга қурол олиб курашган кишилардан қай бирини босмачи деб атасак тарихий ҳақиқатга тўғри келади? Бу саволларга бирвақайига жавоб бериб бўлмайди.

Ўзини сурбетларча «Туркистон халқларининг Ленини» деб атаган И. О. Тоболиннинг (Туркистон коммунистларининг ўша даврдаги етакчиси) дашноқлар билан иноқлиги ҳақида бир оз тўхталсак.

шакланган қарашларимиз билан чиқиша олмади. Эйтибор бердингизми, Туркистоннинг таниқли давлат арбоби, ўша мураккаб йилларда ўлкада совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустақамлаш иши доҳийларидан бири «Босмачилик» иборасини ўз мактубида ишлатмади. Бу ўринда у қароқчи (разбойник) сўзини қўллайди, босмачилик билан шуғуллаган Қизил Армия қисмларининг (хусусан арман «Дашноқцутюн» партияси аъзоларининг) хатти-ҳаракатини эса бузғунчилик (провакаторлик) деб баҳолайди.

«Босмачилик» номи билан тарихга кирган бу ҳаракат тўғрисида билдирилган айрим фикрлар:

«Босмачилик — халқ исёнидир» (Қайғусиз Отабоев).

«Босмачиликка қарши кураш, тамоман янги, айрича хусусияти бор бўлган ўзига хос душман билан кураш демакдир» (М. В. Фрунзе).

«Босмачилар юксак исм ва шараф соҳибидирлар» (Борис Пилянк).

«Босмачилик деган ҳаракатни шунчаки бандитлик деб қабул қилмоқ хато бўлади. Чунки у сиёсий бир инқилобдир». (В. В. Куйбишев).

«Босмачилик тўғрисида гапирганда бу ҳаракатнинг турли даврларда ҳар хил кечганлигини, дастлаб ҳаракатнинг характери миллий озодлик тарзида бўлган бўлса, кейинги даврдаги «Босмачилик» (20-йилларнинг ўртасидан то 30-йилларнинг бошигача) талончилик, ваҳшийлик тарзида бўлганини айтиш керак. Рискулов ўз мактубида келтирган ҳодисалар 1919 йили Фарғона водийсида юз берган бўлса, у дастлабки даврни ўз ичига олади. Сиз танишиб чиққан ҳужжатда бироз ғализ ибора, иёмига етмаган жумлалар учрайди. Бу ҳужжат рус тилида ёзилган бўлиб, биз таржима жараёнида Рискулов услубини сақлашга ҳаракат қилиб, мактубни сўзма-сўз ўгирдик.

Рискулов қаламига мансуб бу нодир ҳуж-

« СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ БИЗГА

мақсадида у ерга юборилган эди. Хатнинг бинафша ранг сиёҳ билан икки варақча (тўрт бетга) ёзилган кўлёмаси ҳозирги вақтда Ўзбекистон ССР Марказий Давлат архивида сақланади. (17-фонд, 1-рўйхат, 14-иш, 7475-варақлар). Ушбу хат русчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, илк бор нашрга тайёрланди.

Энг аввало мактубда тилга олинган дашноқлар ким эканлиги ҳақида қисқача тўхталайлик.

«Дашноқцутюн» («Союз») — Арман революцион федератив партияси, 1890 йилда тузилган. Партиянинг программ мақсади қуролли кураш билан бўлса-да буржуа давлатини тузиш бўлган. Дашноқцутюн — арман революцион ва социалистик партиясининг 1907 йилда бўлган IV умумий съездида дастур ва Низом қабул қилинди. 1918 йил майдан 1920 йил ноябргача дашноқлар Арманистонда ҳокимият тепасида бўлишди. 1921 йил дашноқлар Советларга қарши исён кўтаргани учун уларнинг фаолияти таъқиқланди. Худди шу «Дашноқцутюн» партияси 1990 йил августдан Арманистонда эркин фаолият кўрсатаётгани ҳақида Совет матбуотида хабарлар пайдо бўлди.

«Дашноқцутюн» партияси ўзини революцион ва социалистик партия деб эълон қилган бўлса-да, буржуа-миллатчилик руҳидаги ташкилот эди. Дашноқлар XX аср бошларидаёқ арманлар билан Кавказдаги бошқа (асосан туркий тилда сўзлашувчи) халқларни бир-бирига гиж-гижлашди, миллий низоларни кучайтиришди. Асримизнинг 10-йилларида Кавказда арманлар билан озарбайжонлар ўртасида, Туркияда турклар билан арманлар ўртасида қонли қирғинлар бўлиб, натижада юз минглаб бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишида дашноқларнинг ҳам маълум ҳиссаси бор. Партиянинг Уставида «террор» бўлими бежиз киритилмаган (қаранг): «Военно-исторический журнал»,

Тоболин раҳнамолигидаги ўлка коммунистларининг дашноқларни Туркистондаги инқилобий жараёнда тутган ролига муносабати масаласидаги қарашлари ўзига хос эди. Бу ҳолни Туркистон Компартиясининг I съездида маҳаллий «Дашноқцутюн» партияси раҳбарининг айтган табрик сўзидаги «Сизнинг чинакам инқилобий руҳингиз биз билан жуда яқин, у билан узвий боғлиқмиз», демак «биз сиз билан, сиз ҳар қандай оғир дақиқада бизга суянишингиз мумкин» деган сўзларига Тоболин билдирган фикрлардан ҳам кўриш мумкин: «Сиз томонингиздан билдирилган нуқтан назарга қўшилган ҳолда шунини айтмоқчиманки, биз бундан кейин ҳам пролетариатнинг ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш учун курашда «Дашноқцутюн» партиясини ўзимизга иттифоқчи деб биламиз ва ёвуз империализмининг хатарли ҳаракатлари даврида сизни биз билан бир жанговар қаторда елкама-елка деб ҳис қиламиз» («Наша газета», 1918, 26 февраль). Дашноқлар эса бу пайтд «пролетариатнинг ҳақ-ҳуқуқи» учун юқорида айтиб ўтилганидек, «жвлон ураётган эдилар». Ниҳоят, 1919 йил 16 июлда Туркистон республикаси МИКнинг 212-буйруғи билан «Дашноқцутюн» арман партияси тарқатиб юборилди.

Энди бир неча оғиз «Босмачи» сўзи ҳақида тўхталайлик. «Босмачи» сўзи туркча «Босмоқ» феълдан олинган. Ушбу сўз бундан деярли минг йил муқаддам ёзилган Юсуф Хос Хожининг «Қутадғу билиг» асарида ҳам шу маънода қўлланилган. Туркияда нашр қилинган «Катта турк луғати» («Буюк турк сўзлиги») да бу сўзни бешинчи маъносига «бирдан ҳужум қилмоқ» деб ифодаланган. Туркистонда Советларга қарши курашганлар ҳеч қачон ўзларини «Босмачилар» дейишмаган. Рискуловнинг даҳшатли ҳақиқат ила йўғрилган сатрлари «Босмачилик» деб аталган ҳаракат тўғрисидаги

жатнинг қимматини яна қуйидагича кўриш мумкин. Рискулов ўз мактубида «Фақатгина уездларда эмас, балки шаҳарларда ҳам ҳақиқий совет ҳокимияти мавжуд эмас», деб алам билан ёзар экан, ушбу сўзлар ёзилганидан роппа-роса 70 йил ўтгач — СССР халқ депутатларининг биринчи съезди ўтаётган кунларида (ғалати ўхшашликларни қаранг) Фарғона фожияларининг юз бериши, Қўқонда бегуноҳ халқнинг ўққа тугилиши бежиз эмас эди. «Совет ҳокимияти бизга қимматга тушди» дея Рискуловнинг Казаковга қилган нидоси билан ўша съезд унлари эндиликда марҳум академик Сахаровнинг Горбачевга қарата айтган «Бутун ҳокимият яна Советлар қўлига ўтмади!» деган ҳайқириғи нақадар ҳамоҳанг. Чунки, биз сиёсий жараёнда КПССнинг яқка ҳукмронлиги шароитида кўп нарсани йўқотдик. Шу жиҳатдан қараганда, Рискулов ўз хатининг сўнги сатрларида ёзган совет ҳокимияти тепасида ўтирган баъзи кимсалардан Фарғонада эмас, балки бошқа жойларда фойдаланиш кераклиги ҳақидаги фикри зўр диққатга моликдир. 1989 йили Фарғона фожияларининг илдизин, 1990 йил Уш ва Ўзганда минглаб ўзбекларнинг ваҳшиёна қирғин қилиниши ўша олис 70 йил наридаги воқеаларга, бизнинг бир томонлама юритган ва ҳануз юритишга ҳаракат қилаётган сиёсатимизга бориб тақалмаяптимики?!...

Ўзи мўъжаз бўлса-да, моҳиятан чуқур бу мактуб ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Турар Рискулов таваллудининг 100 йиллиги, вафотининг 50 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Биз бу саналарни кутиб турмасдан, бу атоқли инсон олдидаги бурчимизни тўлиқ англаган ҳолда унинг тўлақонли сиймосини Турон халқларига кўрсатиб беришимиз керак. Шундагина қатли омга учраган бу инсон олдидаги, ҳануз тентираб юрган унинг руҳи олдидаги қарзимизни салгина узармиз.

Ў

ртоқ Казаков, Сизга Фарғонада юз берган аҳвол ҳақидаги қисқача таассуротларимни йўлламоқчиман. Келажакдаги кураш йўллари ҳақидаги Фарғонадан Тошкентга келган делегатларнинг фикрлари билан бизнинг фикримиз бир-бирига тўғри келади: яъни, Қўқон воқеаларидан кейин бизнинг Совет ходимларининг салбий ҳаракатлари натижасида бу ерда фронт (Фарғона fronti кўзда тутилмоқда — Қ.Р.) тузилди. Фарғона вилоятидаги воқеаларнинг асосида «Дашноқцутюн» арман партиясининг бузғунчилик (провакаторлик) хатти-ҳаракатлари қизил ип бўлиб ётади. Қизил Армия отрядлари қароқчиларга қарши кураш ўрнига бутунлай ичкиликбозлик билан шуғулланишди, қурол ва ўқ-дориларни худди шу қароқчиларга сотишди (хусусан, арманлар), уездларга бориб тинч қишлоқларни қароқчиларни яширишда айблаб талон-тарож қилишди. Арманлар (бу ерда арман дашноқлари кўзда тутилди — Қ.Р.) сарт қизларини зўрлаб номусини топташди, аёллар ва болаларни чопишди. Буларнинг ҳаммаси диний мутаассиблик (фанатизм) ва мусулмонлар ҳиссиётига теккач, мусулмонлар ихтиёрсиз равишда қароқчилар тўдасига бориб қўшилишди. Андижонда би олган маълумотга қараганда, Плотников отрядидан икки қизил аскар (бири — рус, бошқаси — арман) сартларнинг уйига бостириб кириб, ота-оналари кўзи олдида қизларининг номусига тегишди. Қуролланган темир йўлчилар уларни жиноят устида ҳибсга олиб, Плотниковга хабар қилишди, лекин у отишга буйруқ берганда арман қисмлари буни ҳатто суд талабига арзимайдиган иш деб, норозилик билдиришди. Улардан (қизил аскарлардан — Қ.Р.) бири озод

бўлишга ҳарди қолганандир. Бизнинг партия, шундай экан, ишчилар ҳали ҳақиқий қуролланмаган. Мисол учун, Скобелевда муҳофазани (охрана) олиб бораётган «Қизил гвардия» барча фуқаролардан иборат бўлиб, унга маҳкамачилар (чиновниклар) ва прокурорлар киришган (Шўро мажлисида ўзимиз гувоҳ бўлдик). Фақатгина уездларда эмас, балки шаҳарларда ҳам ҳақиқий Совет ҳокимияти мавжуд эмас. Скобелевда бутун-бутун ташкилотлар ва ижроия комитетлари ичкиликбозлик билан шуғулланишган. Уезд ижроия комитетлари биз томонимиздан тарқатиб юборилиб, инқилобий кўмита (ревком) тузилди. Аҳоли ўртасида армияга муносабат масаласида ҳеч қандай тарғибот (агитация) олиб борилмади. Мусулмон коммунистларга Эргаш ёки Мадамнинг жосуслари деб ишонилмади, фирқали мусулмонларни қуроллантириш у ёқда турсин, ҳаттоки райсовдеплар, уюшмалар, ячейкалар тарқатиб юборилди. Шўрлик мусулмон коммунистлари икки ўт орасида: Шўролардаги ўртоқлар ва улар билан шафқатсиз ҳисоб-китоб қилаётган қароқчилар ўртасида қолишди. Биз ҳамма жойларда мусулмон коммунистларини ташкил қилиб бирлаштиряпмиз, катта-катта митинглар уюштиряпмиз, умумий авф (амнистия)ни тушунтиряпмиз, бу каби барча йиғинлар кучли ахр-ғазаб билан ўтмоқда. Масалан, Марғилонда очик майдонда (стадионда — Қ.Р.) ўтган митингда кўплаб шайкаларнинг (уч юз кишигача) ўтган мавқеи тўғрисида гапирилди (уларнинг ҳолати маълум). Аҳоли озодликни ҳис қиляпти ва бунинг учун, Сафонов ва унинг отрядидан миннатдордир, уларнинг аҳолининг — Қ.Р.) айтишича, ҳеч кимга тегишмаяпти (масалан Саликовнинг отряди). Даҳшатни ифодаловчи ёлборишларнинг чеки йўқ. Жуда кўп эски ходимларимиздан, маслан, ўртоқ Куритеков, Салахов, Салаев ва айниқса арманлар фаолиятига ҳеч қандай

ТАРБИЙИНИ УРГАНАМИЗ

танқид таъсир, қилмайди ваҳоланки уларнинг фаолияти буткул хатолардан иборат бўлиб, мавжуд аҳволни янада қийинлаштириб қўяди. Партия ташкилотлари кўплаб зиён келтирган турли-туман нолийқ унсурлар билан ифлосланган (ичкиликбозлик, порахўрлик оддий ҳолга айланган).

Совет ҳокимияти, ўртоқ Казаков, бизга қимматга тушди. Ҳаддан ташқари тартибсизликларни кўриб юрак сиқилади ва қалбда кучли оғриқ пайдо бўлади. Фарғонада ҳақиқий Совет ҳокимиятини жорий этиш учун жуда улкан ишлар турибди. Бизларга жуда кўплаб ходимлар ва раҳбар коммунистлар зарур, унки Совет ҳокимияти тепасида ўтирганлар бу ишга ярамайди, улардан ишқилиб Фарғонада эмас, балки бошқа жойларда фойдаланиш керак.

Бизнинг комиссия аҳил ишлаяпти, ҳатто баъзан ўртоқ Сорок(ин) биз билан қўшилмаса ҳам. Ҳаммасини докладни тайёрлаганимизда биласиз, ҳозирча хайр, яхши қолинг.

Андижон, 11.V.19 йил.
Т. РИСКУЛОВ (имзо)

Русчадан ўзбек тилига ўгириб,
нашрга тайёрловчи:
Қаҳрамон РАЖАБОВ,

ЎзССР ФА Тарих институти аспиранти.

ҚИММАТГА ТУШДИ »

қилиб, ҳозир Борисов отрядида, иккинчиси эса ҳибсдадир, аммо бизга қолганда ҳозироқ уларни ҳибсга олардик. Андижонда арманлар қишлоқлардан жуда кўплаб сарт қизларини олиб келиб уларни ўз хусусий буюмига айлантирганани аниқладик. Бу халқнинг (дашноқларнинг — Қ.Р.) бузғунчилик (провакаторлик) хатти-ҳаракатининг бу ва бошқа кўплаб жиҳатлари барча мусулмонларни қўзғатиши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат. Скобелев шаҳрида (ҳозирги Фарғона шаҳри — Қ.Р.) Мусулмон коммунистларининг умумий йиғилишида арманларнинг зўравонлигига бир неча марта дуч келган бир мусулмон йиғлаб сўзлаганини бутун йиғилиш аҳли кўрди, арманлар ўқни тежаб гуноҳсиз мусулмонларни аёвсиз чопишган, аёлларнинг номусини топтаб, ғазаб билан: «Агар Аллоҳ қудратли бўлса, сенларга нажот берсин», дейишган (диний камситиш ва хўрлаш). Бизнинг шонли Қизил Армия жуда ёмон роль ўйнади. Ўртоқ Сафоновнинг келиши билан армия ўртасида, катта ўзгаришлар юз берса-да, бузғунчилик (провакаторлик) унсурлари (элементлари) сақланиб қолди. Масалан, Андижоннинг ўзидагина арманлардан олти юз киши қуролланган бўлиб улар ҳозиргача қуролсизлантирилмаган. Ўртоқ Сафонов билан йиғилишда шу нарса ойдинлашдики, токи уларга (дашноқларга — Қ.Р.) қарши қўйиладиган катта куч йўқ экан, уларни қуролсизлантириш мумкин эмас, шуни таъкидлаймизки, фақатгина арманлар қуролсизлантирилгандагина барча... (ўқиб бўлмади — Қ.Р.)

Ўртоқ Сафоновнинг айтишича, деҳқон отрядлари (бизнингча, рус крестьянлари кўзда тутилмоқда — Қ. Р.) қароқчиларга қарши курашда вақтинчалик ҳамроҳлардир, Фарғонадаги деҳқон посёлкалари биргина Андижон ва Наманган уездларида посёлкалар сони 90 тага боради — бу қулоқ посёлкалари — больше-



Туркистон Совет Социалистик Мухтор жумҳурияти Халқ комиссарлари Советининг раиси Турар Рискулов (ўтирганлар орасида ўнгдан иккинчи) сафдошлари даврасида. (Сурат 1922-1924 йиллар оралигида Москва шаҳрида олинган.)

ПАХТАЧИЛИК САҲАДДИННИНГ СЎНГГИ МАКТУБИ

Эсингизда бўлса, «Еш куч»нинг 8-сонида босилган «Чернобил қурбони Саҳаддиннинг сўнги мактуби» номли мақолада Самарқанд вилояти Пахтачи туманида истиқомат қилган С. Ғафоровнинг аччиқ қисмати, туман раҳбарлари лоқайдлик қилганлиги қаламга олинган эди.

Яқинда муҳарририят халқ депутатлари Пахтачи тумани Шўроси ижроия кўмитаси раиси ўртоқ И. Санаевдан хат олди. Унда мазкур мақола муаллифига жиддий эътирозлар билдирилган.

Журналхонларга ҳар икки муаллифнинг фикрларини муқояса қилиш имконини бериш ниятида И. Санаевнинг хати билан бир қаторда ойноманинг 8-сонида эълон қилинган мақолани ҳам қайта босишга қарор қилдик.

Гап «Еш куч» таҳририятига кунига келадиган юзлаб хатларнинг бири ва хат муаллифининг аламли тақдири ҳақида.

Ҳамонки, дунёга инсон суратида келган жондор эканми, лоқал табиатнинг ушбу марҳамати учун Аллоҳга шукрлар қилмоғимиз керак. Аллоҳга шукрлар этмоқ учун самога мўлтираб тавалло қилиш билан эмас, ён-веримиздаги бирорта мискиниёғ кўнглига илиқлик ато этмоқлик, бирорта бечоранинг оғирини енгиллаштириш тадбирини кўрмоқлик билан бўлади. Хусусан, бизнинг ҳозирги шароитда иши юришмаган, ночор аҳволга тушган, бир оғиз ширин суханга муштоқ банди мўминини топиш учун узоққа боришининг ҳожати йўқ.

Самарқанд вилояти Пахтачи ноҳияси Ғалаба кишлоқининг фуқароси Саҳаддин Ғафоров ана шундай бахти нораво, тақдирига ўт тушган йигит эди. 1986 йили Чернобилда оламшумул фожиа юз берганида бу офатнинг бири учини пахтачилик содда ўзбек йигитининг тақдирини тилиб ўтиши кимнинг хаёлига келибди дегил?

Таҳририятга шу йилнинг февраль ойида келган мактубни айнан ўқиймиз: «Мени 1989 йили 18 апрель ноҳия ҳарбий комиссариати 6 ойда Чернобилга олиб кетди».

Саҳаддин бу жаҳаннам тафсилотларини ёзмаган, кишлоқ тарбиясини олган содда ўзбекнинг бири сифатида унинг учун хизматнинг руҳий изтиробларидан кўра хизмат эвазига бериладиган моддий мукофот қадрироқ ва муҳимроқ. Бинобарин у, «Яхши хизмат қилган бўлсам керак менга навбатдан ташқари енгил автомашина берилсин деган мақтов ёрлик берилган эди».

Тушовсиз ўй хаёлини олиб қочади — Саҳаддиндек кишлоқнинг бўз йигити Чернобил фожиасини камайтиришга арзирли бир наф бера олармиди? Ехуд ўша Украин ҳавосидаги кўринмас вабо билан олишиш учун содда-баёв Саҳаддинлар даркор эдилми?!

Хуллас, Саҳаддин «навбатдан ташқари» бериладиган енгил автомабини кута-кута орадан салкам икки йилни ўтказди. «Ноҳия ижроия кўмитаси ҳалигача бергани йўқ. Мана бир йилдан ҳам ошди, ҳалигача бермай мени алдаб келмоқда» деб ёзган у «Еш куч»га.

Саҳаддиннинг яқинлари йўқ эдилми? Оғир кунда унинг ёнига кирадиганлар топилмадилми?

Бор эди, афсуски, бу саволларга ҳам сўнги мактубда жавоб бор: «Оилам тўрисида ёсам биз севишиб турмуш қурган эдик. Турмуш қурганимизга 8 йил бўлди. Уғлим 6 ёшда, қизим эса 4 ёшда. Хотинимнинг Ониси ва Акаси қизим сен эрингдан ажралгин, у Чернобилга борган деб қизини ва болаларни олиб кетди. Уйдаги буюмларни, мибелларни олиб кетишди. Мен бунга норози бўлдим. Ғалаба кишлоқ шўроси раиси суддан қоғоз

бор деб менга бир хатни кўрсатди. Кейин билсам судга ҳам боришмаган экан. «Еш куч», сендан илтимос, ёрдам бер, болаларимни жуда соғиндим».

«Еш куч» шикоят юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини сўраб Пахтачи тумани ижроия кўмитасига мактуб жўнатди. Одатда аксари шу қабилидаги хатларга натижалли жавоблар олинади. Орадан икки ой ўтиб Пахтачидан олинган жавоб ўзгача эди.

Ноҳия шўроси ижроия кўмитасининг раиси И. Санаев имзоси чекилган жавоб ўзининг расмий ва ҳиссиёлиги билан ўқиган кишини доғда қолдиради.

«Ўртоқ Гаппаров Саҳаддиннинг енгил машина сўраб ёзган аризаси Охунбобоев номли жамоа хўжалиги касабаяушмаси кўмитасида навбатга олинган».

Савол туғилади — ахир С. Ғафоровга енгил машина навбатдан ташқари берилиши керак эди-ку?!

Яна жавобдан кўчирма:

«У (С. Ғафоров) турмуш ўртоғи билан суд орқали қонуний ажралишган».

Савол туғилади — шикоятчининг ёзишча, ноҳия халқ суди бундан тамомила хабарсиз эди-ку?

Башарти таҳририят муҳбирларидан бирортаси воқеа юз берган жойга борса, аҳволни ўрганса янада аниқроқ, янада жиддийроқ маълумотлар топилиши мумкин эди, бироқ... яна жавобдан кўчирма:

«Гаппаров Саҳаддин оғир касалликдан сўнг 7 март 1991 йил куни вафот этган».

Тамом-вассалом!.. Улган ўлди, тириклар давру даврон суриб яшайверади. Саҳаддин нега ўлди? Оғир касаллик унга қайдан ёпишди? Нега унинг дардида дармон топилмади? Яна ва яна саволлар туғилади: оддий инсоний ҳақ-ҳуқуқимизни англашни ким ўргатади бизга? Қачонгача бабарлар бўлиб қолаверамиз, одамлар?!.

Саволларга ким жавоб беради: Чернобил ҳавосида чиқрираган руҳларми?.. Беш кунлик умри қолганини кўра-била туриб жуфти ҳалолни ажал билан ёлғиз қолдириб кетган жувонларми?.. «Ҳадемай ўлади-кетди» деган маънода қуриб кетгун автомашинани беришни орқага сурган ноҳия ижрокумили? Ким?!.

Жаноб Санаев ҳиммат кўрсатишининг фақат бизнинг оқибатсиз жамиятга хос чайналган усулини ҳам тиркаб ўтганлар жавобда:

«Болалар фонди орқали Гаппаров Саҳаддиннинг отасига 21 март 1991 йил куни 1000 сўмлик қорамол олиб берилиб моддий ёрдам кўрсатилди».

Икки норасидани бўзлатиб, ёш жувонни тул қолдирган Саҳаддиннинг хуними, қорамол?!.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

РАДДИЯ

Хурматли Худойберди Тўхтабоевич!

Севимли ойномамиз «Еш куч»да Хуршид Дўстмуҳаммад қаламига мансуб «Чернобил қурбони» мақоласини ўқиб, ғалати ҳиссиёт оғушида: на қайғу, на ўкинч, на ғазабга ўхшамаган туғён қалбимизни қоплади-ю, ўзбекона андишадан йироқ мақола руҳидан афсусланиб, зиммамизга тоғдек юкланган айблардан норози бўлдик. Нима бу? Бир ижодкорнинг иккинчи ижодкорга кўрсатган қайси мазҳабдаги марҳамати бу? Бола отага боқмай кўя бошлаган, қизларнинг юзидан ҳаё кетаётган, виждон ила жигилдон ёқа бўғишиб турганда, ёшлар тарбияси

муаммоларини ҳал этиш йўлида бошимизни гоҳ у ён, гоҳ бу ён уриб, худбинлик, сурбетлик, субутсизликлардан кишилар қалбини зардобга тўлганда, тақчилликлар уйқу бермаган ташвишли дамларда но-гоҳ бу айюҳаннос не бўлди? Куйган жонни куйдиришдан, битмаган, битиб улгурмаган яраларни тирнашдан бўлак маънисини йўқ бу мақоладан мудао нима ахир? Чернобилда фожияни уюштиришган, мақсад содда ўзбекларни ўлдириш эди, ўлмай келганларини хотинидан, болаларидан ажратиб, машина бермай қийнаб, арзимас хун тўлаб ўлдиришмоқда, «хушёр бўлинг», қарши курашининг, «фожиа юз бермоқда» у (маъмурият) «маънавиятини ҳар лаҳза эгавлашдан қаноатланмайди, зеро у қотилликдан ҳам тоймайди», «бу фақат бизнинг оқибатсиз жамиятга хос», деб хулоса қилиниб ошириб юборил-маяптими?

Ачинарлиси шуки, бу гаплар ёшларга айтилмоқда,

ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби ҳис-туйғулардан муаллиф кулган, қоралаган. Ҳа, қалбимизни қоплаган ҳасратни ёзмоқ учун қоғоз балки етмас...

Мазкур мақоладан норози бўлиб раддиямизни билдираемиз.

1. Мақолада: «...Чернобилда оламшумул фожиа юз берганда бу офатнинг бири учини пахтачилик содда ўзбек йигитининг тақдирини тилиб ўтиши кимнинг хаёлига келибди дегил», — дейилган.

Пахтачиликлар орасида дастлабки кунларданоқ фожиа юз берган жойга — Чернобилга жўнаб кетган анча: 1986, 1987, 1988, 1989 йилларда фожиа оқибатларини тугатишда ҳаммаси бўлиб 41 нафар ноҳиядошимиз қатнашган. Улардан 2 киши вафот этган, 39 нафари ишлаб-яшаб юрибди. Дарҳақиқат, Чернобил фожиаси кутилмаган офат... Бироқ журналист Хуршид Дўстмуҳаммад пахтачилик Саҳаддин тақдирига ҳамдардлик билдирар экан, Саҳаддин кабиларни ҳам, Чернобилда хизмат қилган бошқаларни ҳам эсга олиши лозим эди, аммо у бундай қилмаган. Гўё бир йигит зарар кўриб келибди-ю, ўша бир йигитнинг ҳам кўнглини овлашга ноҳия раҳбарлари ҳафсаласизлик қилган, деган маънога алоҳида урғу бериб, «Еш куч»дек сеvimли ойнома ўқувчиларини қалғитган. Чернобил фожиасининг оқибатларидан фақат Пахтачи ноҳиясидагина эмас, балки Иттифоқимизда қанчадан қанча оилалар бахтсиз бўлганлари ҳаммага маълум-ку!

2. Мақолада: «Яхши хизмат қилган бўлсам керак, менга (Саҳаддин Ғафоровга) навбатдан ташқари енгил автомашина берилсин деган мақтов ёрлик берилган эди», — дейилган.

Биринчидан, Саҳаддин Ғафоровга автомашина ажратилиши ҳақида Пахтачи ноҳияси ижроия кўмитасига 1990 йилнинг 29 майида мурожаат қилган.

Иккинчидан, СССР Министрлар Советининг ва ВЦСПСнинг 1990 йил 31 мартдаги 325 рақамли қўсма қарорига (кўчирма илова қилинмоқда) кўра Чернобил АЭСда юз берган фалокат оқибатларини бартараф этишда иштирок этганларга (навбатдан ташқари эмас) биринчи навбатда машина берилиши лозимлиги қайд этилган.

Учинчидан, Ғафоров Саҳаддин ариза берган 1990 йил 29 майида Пахтачи ноҳиясида Саҳаддиндек Чернобилда бўлиб қайтган ва биринчи навбатда машина олиш имтиёзига эга бўлганлардан ташқари 118 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, 6 нафар байналмилалчи жангчи енгил машина берилишини биринчи навбатда олиш имтиёзлари бўлишига қарамай бир неча йиллардан буён кутишмоқда эди.

Тўртинчидан, имтиёзга эга кишилар ҳам имтиёзлар ўртасида навбатга қўйилади, буни ҳамма биллади-ку! Ҳатто Улуғ Ватан ногиронларига бепул бериладиган енгил автомашиналар ҳам навбат билан (навбатдан ташқари эмас) берилади. Аммо бу оддий қонун талабини журналист Хуршид Дўстмуҳаммаднинг билмаслиги ажабланарли.

Бешинчидан, муаллиф СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 31 мартдаги 325 рақамли қарорини ўқимаган ё ўқиса ҳам ўқмаган.

3. Мақолада: «Хуллас, Саҳаддин «навбатдан ташқари» бериладиган енгил автомашинани кута-кута орадан сал кам икки йил ўтказди» — дейилган.

Саҳаддин 1989 йил октябрь ойининг охирида қайтиб келган. 1990 йил 29 майида енгил автомашина сўраб мурожаат қилган ва кута бошлаган. 1991 йил февралгача икки йил эмас (1 йил ҳам тўлмаган), саккиз ой бўлган. Қайтиб келган кунидан мурожаат қилганда ҳам бир йилу уч ой бўларди. Аммо ноҳия ижроия кўмитаси 1990 йил 29 майгача Саҳаддиннинг қўлидаги «ёрликдан» ҳам, 1990 йил 31 мартга қадар эса СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 325 рақамли имтиёзлар ҳақида гап юритилган қўсма қароридан ҳам хабарсиз эди-ку! Журналист Хуршид Дўстмуҳаммад ўзи текшириб аниқламагани, қўлида асосли ҳужжати бўлмагани ҳолда маълумотни бузиб, нотўғри ахборот берган.

4. Мақолада: «Мана бир йилдан ҳам ошди, ҳалигача бермай мени алдаб келмоқда», — деб ёзди у «Еш куч»га, — дейилган.

Биринчидан, Саҳаддин, ноҳия ижрокумига мурожаат қилган вақтини унутиб қўйган бўлиши мумкин. Аслида у 1990 йил 29 майида ариза берган, ойномага хатни эса 1991 йил февралда ёзган, орада 8 ойдан ошироқ вақт ўтган, бир йилдан ошмаган.

Иккинчидан, мақола муаллифи Саҳаддиннинг хатига асосланиб, муддатни атайин ошириб кўрсатган.

Учинчидан, Самарқанд вилоят ижрокўмининг 1990 йил 22 майдаги 146 88 қарориди Саҳаддин каби имтиёзга эга бўлганлар учун 100 дан ошиқ машина зарур бўлса-да, бир йилда 7 та берилиш белгиланганлиги айтилган. Бу камлик қилиши ўз-ўзидан аён. Шунинг учун 1990 йил 18 июнда 100-рақамли хат билан мурожаат қилдик. Аммо вилоят ижрокўми имконияти чегараланганлиги туфайли илтимосимизни қондира олмади.

Тўртинчидан, журналист Хуршид Дўстмуҳаммад аризада кўтарилган масалани чуқур ўрганиб, моҳиятини англаб, адолатли ҳал қилишга ҳаракат қилмаган, аксинча, аниқ бўлган рақамларни кўра-била бузиб, атайлаб бўрттириб кўрсатган.

Бешинчидан, мақолада кетма-кет келган икки жумладаги рақамлар ҳам бир-бирини инкор этади. Аризада бир йилдан ошди дейилган бўлса, журналист томонидан сал кам икки йил дейилган. Хуллас, қоралаш учун асос бўлмагани ҳолда имкониятдан фойдаланилган.

Олтинчидан, «алдаб келмоқда» деган бирикмага ҳам алоҳида урғу берилиб қораланганки, журналистнинг бу важи исботга муҳтож, асосли ҳужжатга эга эмас.

5. Мақолада: «Ғалаба» қишлоқ Шўроси раиси суддан қоғоз бор, деб менга бир хатни кўрсатди. Кейин билсам судга ҳам боришмаган экан» — дейилган. Биринчидан, ҳақиқатан ҳам «Ғалаба» қишлоқ Шўроси раисига Пахтачи ноҳия халқ судидан 1990 йил 12 июль кунини 361 рақамли хат юборилиб, унда «Пахтачи район халқ суди сиздан Чўлиева Марзия билан турмуш ўртоғи Гаппаров Саъдинлар ўртасидаги мол-мулкни олиб беришларингизни сўрайди», — дейилган.

Иккинчидан, «Ғалаба» қишлоқ Шўроси раиси гувоҳлар иштирокида эр-хотинларни яраштиришга бир неча бор уриниб кўрган, аммо улар кўнишмагач мол- мулкни бўлиб берган.

Учинчидан, ноҳия халқ судининг ҳужжати асосида мол-мулкни ажратиш тўғрисида 1990 йил 12 июлда тузилган далолатномага — 10 киши имзо қўйган, шу жумладан Саҳаддин ҳам, унинг турмуш ўртоғи Чўлиева Марзия ҳам имзо қўйишган.

6. Мақолада: «...биронта Саҳаддин маҳаллий маъмурият томонидан алданмаслиги керак. Фаолиятини ёлғон асосига қўрган... зеро у қотилликдан ҳам тоймайди», — дейилган.

Биринчидан, савол туғилади: журналист Хуршид Дўстмуҳаммад кимни ёлғончиликда айблаганди? У рўқач қилган ваҳнинг пойдевори бўшқу! Иккинчидан ариза муаллифининг «қишлоқ Шўроси раиси суддан қоғоз бор, деб менга хатни кўрсатди», деганини нега инобатга олмадан маҳаллий Шўроларни асоссиз ёлғончиликда айблаганди? Асоси бўлмагани ҳолда Шўроларни ноҳақ қоралашга, депутатларни ёлғончи деб айблагашга журналистнинг нима асоси бор?

Учинчидан, мавжуд қонун-қоидаларга амал қилиш, имкониятлар доирасида иш кўриш ёлғончилик дейилди?

7. «Оқибатсиз жамият» дейилишидан ойнанинг турли ёш, турли дунёқарашдаги ўқувчилари турли хулоса қилишлари мумкинлиги ҳам муаллиф учун гўё (барибирдек) аҳамиятсиз... Муаллиф кўтаринкиликдан кўра тушунлиқни кўпроқ тараннум қилувчи бу мақоласи билан «машина берилганда ўлмас эди», — демоқчимиз?

8. Мақолада: «...орадан икки ой ўтиб кўзимиз кўникиб, этимиз ўлиб кетган одатдаги бир парча расмий жавоб хати олинди», — дейилган. Биринчидан аслида «Еш куч» ойнамасидан келган хат 1991 йил 14 мартда Пахтачи ноҳия ижрокўмида қайд этилган. 1991 йил 5 апрелда эса хатга жавоб ёзилган, бошқача айтганда, 22 кун ичида жавоб берилган (бу иш бир ой ичида қилиниши лозимлигидан, муаллиф албатта хабардор бўлиши керак). Иккинчидан энгил машиналарнинг талаб даражасида эмаслиги кўпчиликка аён, бу борада муфассал тафсилотга ҳожат йўқ.

9. Мақолада: «Савол туғилади — ахир С. Гаффоровга энгил машина навбатдан ташқари берилиши керак эди-ку?..» дейилган.

Биринчидан, бу билан журналист С. Гаффоровга ўхшаш ариза берган, ўзи эга бўлган имтиёзга суянган кишиларга нима демоқчи, «боринглар, ижрокўмининг эшигини бузинглар, энгил машина қалашиб ётибди, аммо уларни ижрокўм пўлат сандиғига яшириб қўйган», — демоқчимиз?

Иккинчидан, «навбатдан ташқари» — дейиш учун

муаллифнинг қандай асоси бор? Қайси ҳужжатга таяниб шундай дейиши қоронғу.

Учинчидан, Пахтачи ноҳиясида С. Гаффоровга ўхшаган имтиёзга эга кишилар қанча-ю, ноҳияга берилаётган машина қанчалигини мақола муаллифи билмайди. Бундайлар Пахтачида 100 дан ошиқ-ку!

Тўртинчидан, имтиёз эгалари ҳам машина этишмаслиги туфайли ўзаро навбатда туришга мажбур бўлишадиганидан муаллиф хабарсиз ё билса ҳам атайлаб жумҳурият халқини чалғитган.

Бешинчидан, кўлимизда 100 дан ошиқ имтиёзга эга кишиларнинг аризаси бўлгани ҳолда 1990 йил 22 майда Самарқанд вилоят ижрокўмининг 1468 рақамли қарорига асосан йил бўйи 7 та машина ажратиш лозимлигини юқорида эслатдик. Гаффоровнинг (иложи борича тезроқ ҳал этиш тўғрисидаги) илтимосини ҳисобга олиб, унинг аризаси Охунбобоев жамоа ҳўжалигига юборилган ва тўртинчи навбатда ҳисобга олинган.

Олтинчидан, ундан олдинги 3 кишининг имтиёзи ҳам худди С. Гаффоровга берилган имтиёз каби (биринчи навбатда дейилган). Улар ҳам энгил машина олишмаган. Ана шу 3 кишидан олдин унга энгил машина бериш учун Охунбобоев номли жамоа ҳўжалиги касабани уюшмаси кўмитасида ҳеч қандай асос йўқ. Журналистда шундай асос борми?

Еттинчидан, ноҳия ижроия кўмитаси ҳам қараб тургани йўқ, аксинча мавжуд имкониятлар доирасини кенгайтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Пахтачи ноҳиясида Улуғ Ватан уруши қатнашчилар, Афғонистонда байналмилал хизматни ўтаганлар, Чернобилда бўлиб келганларнинг талаблари ҳисобга олиниб, имкониятлардан фойдаланилиб, 1990 йилда режалаштирилган 7 та ўринга 15 та, 1991 йил 8 ойда эса режалаштирилган 7 та ўрнига 11 та энгил автомашина ажратилди.

10. Мақолада: «...савол туғилади — шикоятчининг ёзишча ноҳия халқ суди бундан тамомила хабарсиз эди-ку?», — дейилган.

Йўқ, хабардор эди. Гаффоров Саҳаддин ва Чўлиева Марзиялар ўз хоҳишлари билан қонуний ажралашга жазм қилишган эдилар. Уларнинг алоҳида яшаётганликларини ҳисобга олиб ноҳия халқ суди «Ғалаба» қишлоқ Шўроси раиси М. Равшановага 1990 йил 12 июлда расмий хат йўллаб, «мол-мулкни, болаларини» бўлиб беришни сўраган. Ана шу 1990 йил 12 июлдан эътиборан С. Гаффоров ва М. Чўлиева мол-мулкларини қонуний тарзда ажратиб олишган ва алоҳида яшай бошлаган.

11. Мақолада: «Башарти таҳририят муҳбирларидан бирортаси воқеа юз берган жойга борса...», дейилган. Ҳа, шундай қилинганда қоши эди. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 26-моддасидан айрим сатрларини эслатишга тўғри келади:

«Журналист... 2) ўзи бераётган ахборотнинг тўғрилигини текширишга 5) фуқароларнинг ҳуқуқларини... корхоналар ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳурмат қилишга мажбур.

...бадном қиладиган, ҳақиқатга мос келмайдиган маълумотларни тарқатганлиги учун шахсан жавобгар бўлади».

Шунингдек, шу қонуннинг 28-моддасига ҳам муаллифнинг эътиборини тортмоқчимиз: «Сўз эркинлигини суиистезмол қилиш, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, фуқароларнинг ёки ташкилотнинг шаънига ҳамда кадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни тарқатиш жавобгарлик учун асос бўлади». Бизнингча, журналист ноҳиямизга келиб, фактларни текшириб, хулоса қилиб мақолани ёзганда асосли ва тўғри бўлур эди. Афсус, кишилар беҳуда чалғитилди, асоссиз гумонсираш, шубҳалар туғилди.

12. Мақолада: «Улган ўлди, тириклар давру-даврон суриб яшайверади» — дейилган. «Давру-даврон суриб яшаш» деб назаримизда муаллиф энгил машинага эга бўлиб яшашни тушунсалар керак. Ундай бўлса «давру-даврон»га етолмаганлар Пахтачидагина эмас, Иттифоқимизда ҳам кўп. Энгил машиналарнинг ноҳияга эҳтиёждан кам ажратилаётгани юқорида айтилди. Энгил машинага етолмай ноумид бўлаётган тирикларни ким ўйлайди? Имкониятдан ортиқ иш кўролмаган ижрокўмга киноями?

13. Мақолада: «Қачонгача бабарлар бўлиб қолаверамиз одамлар?» — дейилган. Одамлар нима қилиши керак, ахир? Бутун атрофда тақчиллик, камчилик. Муаллиф кишиларни нимага ундамоқда? Ватанни бирор бурчагиди офат бўлиб ёрдам сўралса, бормаслик керакми? Афғонистон хатоимиз бўлди — маъқул. Аммо «Чернобилга борганини ҳам хато», —

дейилмоқдами? Ҳадемай, бошқа жумҳуриятдаги фалокатга ҳам «ёрдамга бориш шартми?», кейин «бошқа вилоятга борма», охири, «бошқа ноҳияни ер ютсаям қараб туравер, ўзингни ўйла, ўлсанг ўлиб кетаверасан, бошқалар давру-даврон суриб яшайверади», — дейилди-ми?

Ватан олдидаги бурч ҳам борку, ахир! Муаллиф худбинликни инсоний ҳақ-ҳуққини англаш деб нотўғри тасаввур бермоқда, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатмоқда.

14. Мақолада: «Ҳадемай ўлади-кетади» деган маънода қуриб кетгур автомашинани беришни орқага сурган ноҳия ижрокўмининг?», — дейилган.

Биринчидан, «ҳадемай ўлади-кетади», — деган деб ноҳия ижрокўмининг мақола муаллифи ноҳақ қоралаган. Ўз фикрини далиллар асосида исботлаб беролмаган.

Иккинчидан, «ҳадемай ўлади-кетади», — деган маънода қуриб кетгур автомашинани беришни орқага сурган ноҳия ижрокўми», — дея журъат билан ҳукм чиқарган мақола муаллифи бу ғойибдан эшитилганмикан, билмадик, дабдурустдан сеҳргардай башорат қилган.

Учинчидан, мақола муаллифи ноҳия ижрокўми автомашина беришни орқага сурган деб асоссиз айблаш ҳам адолатдан эмас. Чунки бу ҳаётий ҳақиқатга мутлақо зид.

Тўртинчидан, Самарқанд вилоят ижрокўмининг 1990 йил 12 апрелда чиқарилган 104 5 рақамли қарорига кўра Пахтачи ноҳия ижроия кўмитаси фуқароларга шахсларини кўрсатиб, энгил машина ва бошқа транспорт воситаларини бериш билан шуғулланмайди. Ноҳия ижрокўми ноҳияга келган энгил машиналарни тегишли ташкилотларга тақсимлайди. Фуқаролардан тушган аризалар эса ана шу ташкилотларга юборилади. Бинобарин, ноҳия ижрокўми фуқаронинг энгил машина олишини олдинга ҳам, орқага ҳам сурулмайди. Мақола муаллифи ноҳия ижрокўми автомашина беришни «орқага сурган» деб асоссиз қоралаган.

«Ҳадемай ўлади-кетади», деган маънода қуриб кетгур автомашинани беришни орқага сурган ноҳия ижрокўмининг? дея мурожаат қилган журналист ноҳия ижроия кўмитасини ҳам, бизни ҳам ошқора ҳақорат қилган. «Бировнинг ўлимини истагунча ўзинга умр тила» дейди халқимиз! Қуш тилида қисқа инсон умрида боғлаган соф ниятли, пок кўнгилли мўмин-мусулмон бировнинг ўлимини тилашдек қабих ният қилмаслигини — гуноҳи азим чангалида изтироб чекишни истамаслиги моҳиятини катта бир ойнома раҳбари — Хуршид Дўстмуҳаммадда журналистнинг билмаслигидан афсусландик.

15. Мақолада: «Жаноб И. Санаев ҳиммат кўрсатишнинг фақат бизнинг оқибатсиз жамиятга хос чайналган усулини ҳам тиркаб ўтганлар...», дейилган.

Жамиятнинг ҳадеб қораланиши инсофдан эмас. Ахир жамиятни одамлардан ажратиб бўлмайди. Президентимиз И. А. Каримов томонидан чиқарилган фармонлар, ноннинг нархи оширилмагани, қўшимча томорқа берилиш, нарх-наво ошиши муносабати билан тавон тўланиши, ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий хизмат каби жамиятимизга хос қатор хусусиятларни рад этиб бўлмайди.

Мақола муаллифи гарчи усулни чайнаб ҳам, тиркаб ҳам бўлмаслигини билгани ҳолда заҳарханда қилишдан эринмаган.

Ёмон кўрганининг телпаги қозондек деганларидек истеҳзо билан «жаноб» дея киноя қилган.

Берилган моддий ёрдамни «Ҳиммат кўрсатиш», фақат бизнинг оқибатсиз жамиятга хос чайналган усул» дея қораланган-ки, бунга мутлақо қўшилиб бўлмайди. Оилавий қашшоқ кишиларга моддий ёрдам бериш бобоқалонларимиздан қолган удум, қолаверса мурувват кўрсатиш мусулмон дунёсига хос хусусият; муҳбир қоралаган «оқибатсиз жамият»га хос фазилат, Танқис бўлиб қолган ҳиммат, инсоф, меҳру оқибатдан инсон ажралса, иғвоу бўҳтондан қалқиб турган заминда унга нима қолади ўзи?!

16. Мақолада: «Саҳаддиннинг хуними, қорамол!» — дейилган.

Биринчидан, қорамол хун бўла олмайди, аммо машина хун бўла олармиди? Йўқ, албатта. Лекин мақола муаллифининг моддий ёрдамни хун дейишга нима асоси бор?

Иккинчидан, ойнама муҳарририятининг хатига жавоб сифатида қилинган ишлар юзасидан ахборот берилса нимаси гуноҳ?!

Учинчидан, Саҳаддиннинг энгил машина сўраб

берган аризаси ҳисобга олингандан кейин ноҳия Шўроси ижроқўми Саҳаддинни унутган эмас. Чернобил фожиясидан азият чеккан Саҳаддиннинг навбати назоратга олинди. Саҳаддиннинг оиласи чорночор яшаётгани инobatга олиниб, Охунбобоев номли жамоа хўжалиги раҳбарияти томонидан унга моддий ёрдам берилди. Енгил машинадан кўра у моддий ёрдамга муҳтож эди. Чунки оилавий ноинчликнинг сабаби ҳам ночорлик эди.

Ноҳиядаги яшаш шароити оғир, кўп болали, иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган оилалардан 3 нафарига моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида болалар Фондининг Самарқанд вилоят бўлимига 1991 йил 21 февралда мурожаат қилинди. Моддий ёрдам бериши масаласи кўтарилган вақтда Саҳаддин ҳаёт, унинг аризаси ойномага тушганидан ҳам хабарсиз эдик.

1991 йил 21 мартда 2 оилага, яъни Пушкин номли давлат хўжалигида яшовчи Қўзи Қиёмов ҳамда Охунбобоев номли жамоа хўжалигида яшовчи 1-тоифа меҳнат ногирони Нурқул Гафоровга 1000 сўмдан 2 бош қорамол олиб берилиб, моддий ёрдам кўрсатилган.

Тўртинчидан, мақола муаллифининг фикрича «оқибатсиз жамиятга хос чайналган усул» дея беҳуда қоралаш билан овора бўлиб шу моддий ёрдам — қорамолни берилмагани маъқулмиди?

Журналист Х. Дўстмуҳаммад шов-шувлар тўғрисида арзон обрўга эришиш мақсадида сўз эркинлигини суиистеъмол қилиб, ўз вазифасидан фойдаланиб, Чернобил баҳонасида Пахтачи ноҳия ижроия кўмитасини асоссиз қоралаган. Бу камлик қилгандек ошқора ҳақорат қилган. Мақола муаллифининг суйанган битта илинжиси бор, у ҳам бўлса ноҳияда биринчи навбатда енгил автомашина олиш имкониятига эга бўлган қарийб 150 нафар кишига ҳар йили фонд бўйича 7 та машина ажратилиши лозимлигидан беҳабар бўлган; машина олиш иштиёқдаги бир йигитнинг мавжуд аҳвол билан ҳисоблашмай ёзиб юборган хати. Ана шу хатни ўзи таъкидлагандек, узоқ бўлмаган Пахтачи ноҳиясига келиб текширишдан эринган муаллиф ўйламай-нетмай маломат тошларини отаверган.

Ўзи бераётган маълумотларнинг тўғрилигини текшириб кўрмасдан, далил ва тафсилотларни чуқур ўрганмасдан туриб, ҳақиқатга мос келмайдиган — кишининг қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотлари билан маънавий зарба берди.

Тегишли кишилар билан суҳбатлашмагани, ҳатто кўрмагани, билмагани, ҳамда машина тақсимоти ва олиш тартибидан беҳабар бўлгани ҳолда кишини бадном қилиши адолатданми?

Х. Дўстмуҳаммад мазкур мақолани ёзишда таҳминларга таянган.

Аммо ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа.

Журналист Х. Дўстмуҳаммад бир томонлама фикр юритиб, бор ҳақиқатдан кўз юмиб, журналист одобига путур етказган ҳамда юқори Совет органлари қарорларини тан олмасдан Советлар ролини пасайтиришга уринган.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгазининг V сессиясида Президентимиз И. А. Каримов таъкидлагандек брак иши учун колхозчиға, ишчиға жазо бор-у, кишиларға маънавий зарар етказган мухбирға неға жазо йўқ?! Ахир инсон тақдири йўинчоқ эмас-ку?!

Бундан ташқари «...мухбирлар муайян шартларға риюа этишлари лозим. Биринчидан, матбуот ҳақидаги қонун доирасида иш кўриш керак, ана шу ҳужжатда ахборот олиш эркинлигидан ташқари босилган мақоланинг ҳаққонийлиги учун масъулият ҳам белгилаб қўйилган. Иккинчидан, журналист алоҳида шахс эмас, у ўз мақолаларининг қандай оқибатларға олиб келишини ҳисобга олишға мажбур... Бошқа одамнинг қадриятини ерга уриш мумкин эмас» (Ислом Каримов «...Одамлар бир-бирини ўлдирма-синлар» «Халқ сўзи» рўзномаси, 1991 йил 15 август).

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунға ҳамда «Ўзбекистон Жумҳуриятида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги қонуннинг 32-моддасиға хилоф иш тутган Х. Дўстмуҳаммад текшириб ўрганмасдан мақолани нотўғри эълон қилган — кишиларни чалғитган.

Шунинг учун ҳақиқатга тўғри келмайдиган, бизнинг шаънимиз ва қадр-қимматимизға доғ туширадиган маълумотларни рад этамиз.

Журналист Хуршид Дўстмуҳаммадни масъулиятсизлиги учун жазоланишини ҳамда ўз вазифасиға лойиқ ё нолойқлигини кўриб чиқилишини талаб қиламиз.

Халқ депутатлари Пахтачи ноҳия Шўроси ижроия кўмитасининг раиси,
Ўзбекистон Жумҳурияти халқ депутати,
СССР Езувчилар уюшмасининг аъзоси
Исмаи САНАЕВ.

МАШИНАНИНГ ИШИДА ЕНГАН КИМ ЭДИ?

«Еш куч» журналининг бош муҳаррири Х. ТҲТАБОЕВГА

Қашқадарё вилояти прокуратураси барча ходимлари томонидан мунтазам ўқиладиган журнал саҳифаларида мазмунан бой мақолалар чоп этилмоқдаки, уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятидаги нуқсонлар муросасиз ёритилиб борилади. Маскур мақолаларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тажовузлардан ҳимоя қилишдек долзарб масалалар ҳақида фикр юритилади.

Журнал саҳифаларида бериб борилаётган танқидий материаллар кўпинча бизнинг ишимизга кенг қўлланилиб, ёрдам бермоқда, ҳамда прокурор тергов кадрларни тарбиялашда уларнинг жавобгарлиги ва қатъиятлигини оширишга имкон яратаяпти.

Сизнинг ихтиёрингизга бир мақолани юбормоқдан, бу мақолада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот манфаатини ҳимоя қилишда ўзининг юксак профессионализи ва принципаулиги билан ажралиб турувчи Деҳқонобод ноҳия прокурори адлия маслаҳатчиси Сафар Каттабоев ҳақида фикр юритилади.

Қашқадарё вилоят прокурори
адлия катта маслаҳатчиси
Э. АБЗАЛОВ.

Баҳорнинг апрель ойлари кечаси Қарши шаҳри чеккасидаги Хўжаи-Жарроҳ ота қабристонини ёнидан кўюк аланга осмонга кўтарилди. Олов тиғи бир неча юз йиллардан бери қад кўтариб турган чинорнинг энг баланд шохларигача етиб қовжиратди, қабристон ичи яна ҳам қўрқинчироқ бўлиб кетди.

Одамларнинг фақат ғаму-қулфатига гувоҳ бўлиб келган кекса чинорлар яна бир даҳшатли воқеани шоҳиди бўлишди. Улар тагида қандайдир бир енгил машина ичидеги одами билан ёнар, аммо ундан ҳеч қандай сас чиқмас, гўёки қабристонга фақат жонсизларгина келтирилади деган азалий шафқатсиз қоидага қаттиқ риюа қилинганга ўхшар эди.

Эртасиға қабристон атрофида мол боқиб юрган болакайлар машина пайдо бўлиб қолганини кўриб, қизиқиш билан машина ичарисига қарашди-ю... бу ҳақда катталарға хабар қилишди, улар эса милицияға.

Уша куниеқ вилоят прокурорининг махсус буйруғи билан бу муҳдш жиноятни фош қилиш учун оператив тергов гуруҳи тузилиб, унга бошчилик қилиб тергов олиб бориш вилоят прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси Сафар Каттабоевға топширилди.

Дарҳол терговға киришган тажрибали терговчи ишчи одатдагидек, аввало машина кимники, унинг ичидеги кимлигини аниқлашдан бошлади. Бу унчалик қийин бўлмади, чунки машина номерлари унинг юкхонасидан топилди...

Марҳум қўшни Косон ноҳиясининг Шербек қишлоғида яшовчи, саккиз фарзанднинг отаси, мағазин мудири Расулов Бахтиёр эканлиги у бир неча кун аввал узи билан бирға ишловчи ўртоғини поездға миндириб Тошкентға жўнатиш учун Қаршиға кетганича уйға қайтиб бормаганилиги маълум бўлди.

Эндиги вазифа у ниманинг оқибатида ўлган ёки ўлдирилган, деган муҳим саволға жавоб топиш эди. Чунки терговчилар одатда экспертнинг хулосасидан сўнг, унинг натижаларига қараб нималар қилиш кераклигини режалаштирадилар.

Афсуски экспертиза бу гал панд берди. Терговчининг саволиға аниқ жавоб бера олмади, буткул куйиб

кўмирға айланган жасаддан бирон-бир тан жароҳатини топиш амри маҳол эди, уни синчиклаб, чуқур текширишға, айниқса, бундай ҳолларда талаб қилингандек, рентген аппаратида кўришға эса экспертиза неғадир эринди.

Шунга қарамай тергов давом этар, Расулов ўзи ароқ ичиб маст бўлиб юрар экан, тагин бу гал ҳам маст бўлиб сигарет чекаётганида ухлаб қолиб сигаретдан ўт кетмадимикан деган фикрларға терговчи парво қилмасди.

У воқеа жойини тахлил қилиб Б. Расулов ўзини-ўзи ёқмаган ёки бахтсиз бир тасодифнинг қурбони бўлмаган, балки у кимдир томонидан ўлдирилиб, кейин изни яшириш учун ёкиб юборилган деган қатъий хулосаға келди.

Шунинг учун ҳам барча оператив-тергов ҳаракатлари ана шу таҳмин асосида олиб борилди ва Расулов темир йўл вокзалидан қайтғач кимникиға борганлиги, ўша кечаси охириги марта ким, қаерда кўрганини аниқлашға қаратилди. Бунинг учун эса унинг Қарши шаҳридаги барча таниш-билишлари топилиб сўроқ қилина бошланди. Улар ичидан Расуловнинг узоқ таниши, Қарши шаҳар қурилиш идорасида ишлаган, кейинги пайтда қамомад қилгани учун ишдан ҳайдалиб, ҳеч жойда ишламаётган Мизроф Кенжаев деган кимса терговчининг эътиборини тортди. Кенжаев тартибсиз ҳаёт кечираб, ўзининг гулдек хотини, икки норасида гўдаги бўлсада, ҳеч жойда ишламайдиган М. исмли нотаини бир хотин билан никоҳдан ўтмасдан Қазақов кўчасидаги 23-уйни ижараға олиб яшар эди.

Лекин Кенжаев ҳам, унинг хотини ҳам бир неча кун аввал Расулов ҳақиқатан бир ўртоғини поездға миндириб юбордим деб бир ўзи уларникиға кечки пайт келиб, бир пас ўтириб кетганини, уни қайта кўрмаганини билдиришди.

Уй эгаси Суяров эса Расуловни танисади, аммо ўша кечаси кўрмаганини, чунки эрта ётишини, лекин ўша кечаси ҳовлида боғланиб турган итни Кенжаев ташқарига, дарвоза олдиға боғлаб қўйганини, ит қилган йўнғичқани пайҳон қилгани учун Кенжаев билан уришиб қолганини айтди. Кенжаев эса итни ташқарига боғлаганини неғадир рад қилар эди.



бўла бошлади. Бу эса терговчининг эътиборидан четда қолиши мумкин эмас эди.

Шунинг учун терговчи Кенжаевни гумондор тариқасида ушлаш ҳақида дадил қарор чиқариб, уни қамоққа олди. Сўроқ, ўзаро юзлаштиришлар, қидирувлар, аниқланган ҳолатларни таҳлил қилишлар, бир зум ҳам тўхтамас, иш куни ярим кечага бориб тамом бўлар эди.

Ниҳоят Кенжаев илгаридан келишмаганликлари ва Расулов қарзини қистаб жанжаллашгани учун, уни алдаб, майли пулингни бераман деб кўшни Қарши ноҳиясининг Комсомолобод қишлоғида қурилаётган ўзининг ҳовлисига олиб келиб, ов милтиғидан отиб ўлдирганини тан олди. Кенжаев уни ўлдиргач, мурдани уй ичида қолдириб, ўзи унинг машинасини миниб уйига келганлиги, унинг номерларини ечиб тағин биров ўғирламасин деб олдига итни боғлаб қўйгани, тонг пайти туриб, машинани ҳеч ким кўрмасин деб бошқа бир жойга яшириб қўйгани, эртасига кечаси машинага Расуловнинг жасадини ортиб, қабристонга олиб келиб, изни йўқотиш мақсадида ёқиб юборганлиги маълум бўлди.

Биринчи май куни Қаршида байрам намойиши тантанали бошланди. Аммо терговчи ва унинг гуруҳидагилар учун байрам ҳам эсга келмас, гўё улар учун дахли йўқ эди.

Уша куни ва эртасига олиб борилган тергов натижасида уйдан қон излари, ариқ ичидан гилза, сувдан эса бўлакланган, энди занглай бошлаган милтиқ топилди. Кенжаев машинанинг ичига бензин сеппиб, гугурт чақиб ойначасидан ичкарига ташлаётганида буғланиб турган бензин бирдан лоп этиб ёниб, олов унинг қўлига урилгани, кўйлагининг ениги кўйганлиги ҳам аниқланди. Унинг кўрсатмасига кўра ҳожатхонадан топилган кўйлак Кенжаев тўғри кўрсатма бераётганини яна бир бор тасдиқлади.

Расуловнинг қабрини эса қайта очишга тўғри келди, чунки Кенжаевнинг гапи тўғри бўлса унинг жасаидан сочма ўқ доналари чиқиши лозим эди. Қайта экспертиза уни тасдиқлади, мурдадан 38 та сочма ўқ доналари олинди, табиийки, аввалги эксперт ишдан ҳайдалди.

Тергов давом этар экан тажрибали терговчи Кенжаев кўргазмасини ўзгартира бошлаганига эътибор қилди. У гўё мени Расулов ҳақорат қилди, чунки мен билан бирга яшовчи хотин билан унинг ҳам яширин алоқалари бўлган экан дер, бу билан ўз айбини бир оз бўлсада енгиллатишга, Жиноят кодексининг бошқа енгилроқ моддаси билан жавобгарликка тортилишга ҳаракат қилар эди.

Бу эса терговчининг жиноятчи яширин равишда ўз кишилари билан кечалари учрашмоқда, бунга айрим милиция ходимлари кўмаклашмоқда деб ўйлашга мажбур қилди.

Айни туш пайти, Каттабоев бошчилигидаги оператив гуруҳ Ли деган корейс аёлининг уйига кириб борди. Тахмин тўғри чиқди. Кенжаев ўзи билан бирга яшовчи хотин билан бир-бирларига «севги изҳор» қилишар, стол устида овқат, бир шиша ароқ турар, соқчи эса ёнбошлаганича мудрар эди. Мутлақо кутилмаганда пайдо бўлган оператив гуруҳни кўриб, улар довдираб қолишди. Қаттиқ жаҳли чиққан милиция бошлиғи муовини ўз ходимини «хоин» деб ата-

ди. Аммо кейинги текширишлар ўз касбини енгилгина сотиб юборувчи бундай «хоин»лар фақат бу милиция ходими эмаслиги, балки бошқалари ҳам Кенжаевга «хотлис хизмат» кўрсатгани маълум бўлди.

Лекин уларнинг ниманинг эвазига Кенжаевга нисбатан бундай «раҳмдиллик» қилишганини исботлаб бўлмади, чунки бундай ҳолларда икки томон ҳам бир-бирларининг сирларини очмасликлари маълум. Шунинг учун икки милиция ходими ишдан ҳайдалди, вилоят ички ишлар бошлиғининг «ваҳимали» буйруғи билан бир неча масъул ходим ўз «қулушларини» олди.

Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас Каттабоев ана шу эски «танишлари» билан яна бир бор учрашди, бу гал унинг қўлида далиллар етарли эди, шунинг учун ҳам яна 8 та шериги билан қамоққа олди. Терговда маълум бўлишича бир гуруҳ милиция ходимлари бир неча йилдан бери турли туманларда фуқароларнинг уйига кириб ўғирликлар содир қилиш, фирибгарлик, мансабни суистеъмол қилиш ва ҳоказо жиноятлар билан шугулланар экан.

Албатта бу иш бошқа бир очеркка мавзу бўлар, аммо бунисини тамомлар эканман, ўқувчининг сабр-сизлиги билан кутаётган саволига жавоб бермоқчиман. Кенжаевнинг иши суддан «силлиқина» ўтиб кетмади, уни бир бор асосиз терговга қайтардилар, прокурорнинг норозилик протестидан сўнг бўлган иккинчи суд уни 15 йил озодликдан маҳрум қилди, Олий Суд эса ҳукмини ўз кучида қолдирди.

Мен ҳозирги кунда Деҳқонобод ноҳия прокурори бўлиб ишлаётган адлия маслаҳатчиси, ҳамкасбимиз Сафар Каттабоевнинг терговчилик давридаги ишларидан биттагина лавҳа келтирдим ҳолос. Ундаги терговчи хос хислатлар прокурорлик фаолиятида ҳам қўл келмоқда. Чунки терговчи хос бўлган ҳар бир воқеа моҳиятига чуқур кириб бориш, уни ҳар томонлама ўрганиш ва тўғри хулосалар чиқариб чоралар белгилаш бу ишда ҳам ниҳоятда зарур. Шунинг учун бўлса керак терговчида кейинги пайтларда тергов сифати кескин яхшиланди, прокурорлик назоратининг бошқа соҳалари бўйича кўрсаткичлар ҳам юқори. Айниқса келтирилган зарарларни ундириш бўйича қилинаётган ишлар эътиборга лойиқдир.

Яқинда Жумҳурият Прокурорининг уни тақдирлаш ҳақидаги навбатдаги буйруғини эълон қилар эканман, бизнинг ишимизда энг муҳими ҳалоллик, ўз касбига ҳар қандай шароитда ҳам содиқлик, касбий маҳорат ниҳоятда зарур эканлиги, ҳамкасбимизнинг ишидаги асосий муваффақиятнинг сирини ҳам ана шунда эканлигини яна бир бор ҳис қилдим.

Оддий колхозчи оиласида тарбияланган, шу юрт фарзанди бўлган Сафар ҳозирги кунда касб сирларини тобора мукамал эгаллашда давом этмоқда, унинг айни куч-қувватга тўлган пайти. Ишонаманки, у ўз вилоятида қонунчиликни мустаҳкамлашда меҳнатини аямайди, энг муҳими, ҳар вақт касбига содиқлигича қолади.

Эркин АБЗАЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори.
Адлия катта маслаҳатчиси.

Бу эса унга нисбатан шубҳа пайдо қилди. Шунинг учун шу ва кўшни кўчаларда яшовчи, кечки сме-нада ишловчи одамларни топиб сўроқ қилина бошланди. Улардан бири ярим кечаси ишдан келаётган Суяровнинг уйи олдида қандайдир бир қизил рангли «жигули»нинг ёнида ит боғланиб турганини кўрганини, кўк чироғи ёруғида машинанинг лойга беланиб қолганига эътибор берганини, лекин машинанинг номери бўлмаганлигини маълум қилди. Гувоҳнинг кўрсатаётган вақти билан Кенжаевнинг, Расулов меникидан кеч соат ўнларда кетган эди, деган вақтдан камида 2-3 соатга фарқ қилар эди.

Бунинг устига Расулов машинасининг ранги ҳам қизил бўлиб, аммо у лойга беланиш учун фақат шаҳардан четга чиқиши, чиққанда ҳам яқиндагина ёққан ёмғирдан лой бўлган қишлоқ кўчасидан юриши лозим эди.

Шундан кейин агарда Кенжаевнинг бу жиноятга алоқаси бўлса, унинг баданларида бирон-бир тан жароҳати бўлиши керак, деган тахмин пайдо бўлди ва текширишда у тўғри чиқди, чунки унинг ўнг билаги қўйган эди. Аммо у бундан олмай, бир неча кун аввал газни ёқаётган куйдириб олган эдим деб туриб олди, лекин газнинг айнан ўнг томони бир неча ойдан бери ишламаслиги ҳам текширишда маълум бўлди.

Гапларининг тўғри келмаётганлиги ҳам, унинг ёлгон гапираётгани аниқланган ҳолатга тескари эканлиги мантиқ асосида терговчи томонидан бирма-бир исботланаверди. Натижада Кенжаевда ҳам, унинг хотинида ҳам билинар-билимас безовталиқ пайдо



Безакчи Муроджон УНГАРОВ

ЖАЛЭТИЛНИШИ ТАЛАБ ҚИЛАМАП

Отандан мерос қолган уйни қайтариб беришсин!

Мен, Норқул Ҳамроев Самарқанд вилояти Нурота тумани Озерная кўчасидаги каталдек уйда кўп вақтлардан бери хотиним ва фарзандим билан ижарада яшайман. Отам Жуманазар Ҳамроев Нурота туманида туғилиб ўсган.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда, чорвадор туманларнинг аҳолисини пахтакор туманларга мажбурий кўчириш оммавий тус олганди. Уша бахтиқаролар рўйхатига бизнинг оиламиз ҳам илгинган экан. Қаршиликларга, оху-зорларга қарамай оиламиз мажбуран кўчириб юборилган. Ҳовли-жой эса эгасиз ҳувиллаб қолаверган.

Орадан йиллар ўтса-да, оиламизнинг она юртига қайтиш орзуси сўнмай, қалбдаги тузалмас жароҳат бўлиб қолаверган. Ўз юртига қайтишни истаганлар кимлардандир раҳм-шафқат кутиб, идорама-идора ташкилот-ташкилот елиб югурсалар-да, ҳаракатлари зое кетган. Ўз она юртига қайтиш орзусида юрган отам 1974 йилда олам-олам армон билан дунёдан кўз юмди. Отам вафотидан сўнг амакиларим бу масалада, яъни отамнинг васиятини амалга ошириш ҳамда танҳо ёдгорлик бўлиб қолган ҳовлимизни қайтариб олиш учун роса югуришди. Лекин натижа бўлмади... Тақдирни қарангки, отам вафотидан сўнг падарим туғилиб ўсган Нурота туманидан бир қизга ўйландим ва шу ерга кўчиб келдим. Отамдан қолган ҳовлини кўриб, беихтиёр кузларимдан ёш кўйилди. «Отагинам бу ҳовлини кимлар учун қурган экан» деган савол хаёлимни қамраб олди ва кўнглимга ҳеч тинчлик бермайдиган бўлиб қолди. Негаки, мужбурий кўчирувдан

сўнг маҳалласи Пушкин кўчасидаги 8-уй ҳувиллаб қолгач, туман коммунал хўжалиги ўз ихтиёрига олиб, турар-жой сифатида фойдаланиб келган. У ерда 1958—60 йилларда ижрокўм раиси бўлиб ишлаган Хўжабековлар, кейинги 10—15 йил ичда молия мудири бўлиб хизмат қилган Янгибоевлар оиласи яшаган. Ҳозирги кунда эса Саримсоқ Жўрабеков оиласи билан яшаб келмоқда.

Мен Нурота тумани нотариал идорасига мурожаат қилишга қарор қилдим. Улар халқ судига мурожаат қилишим ва архивдан ҳақиқатдан ҳам отам бу ерда яшаганлиги тўғрисида справка олишимни талаб қилишди, 1989 йил 23 май 165-алоқа хати билан хўжаликда ҳақиқатдан ҳам 1948 йилгача Достон маҳалласида отам Ҳамроев Жуманазар, хотини ва фарзандлари билан яшаганлигини тасдиқловчи архив справкасини берди. Шундан сўнг, 1989 йил 10 августда Нурота туман халқ суди биносидан очиқ суд мажлиси бўлиб, қўйидаги қарорни чиқарди:

«Марҳум Ҳамроев Жуманазар 23 апрель 1974 йилда ўлганлик факти билан меросхўри — Норқул Ҳамроев отасидан қолган уй-жойни ўз номига ўтказиш учун тасдиқлансин».

Ушбу ҳукм чиқарилгач, отам васияти амалга ошди, дея беҳад хурсанд бўлгандим. Йўқ, мен адашган эканман. 1990 йил 19 апрелда бўлиб ўтган Нурота тумани кенгаши қарори билан суд ҳукми инкор этилди. Гарчанд ҳовли-жой бизга тегишли эканлигини ҳужжатлар тўла исботлаган бўлса-да, шаҳар ижроия қўмитаси ўз хатида гўёки отам 1974 йил ўлиб, ушбу ҳовли-жой учун даво

муддати ўтиб кетганлигини, ҳовли-жой коммунал хўжалиги ҳисобидалигини рўқач қилиб, суд қарорини рад этди. Туман прокурори эса шаҳар кенгаши чиқарган қарорни қуватлади.

Ушандан буюн қайси ташкилотга, қайси идорага мурожаат қилмайлик шу қарор пеш қилинади, ҳатто вилоят олий суди ҳам уни қўллаб-қуватлади.

Бир нарсага ҳайронман: 1920—50 йиллар давомида халққа нисбатан қилинган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар, қонунбузарликлар қайта кўрилиб тикланмоқда. Жумладан, 1990 йил 13 августда матбуотда Иттифоқимиз президенти М. С. Горбачевнинг шу йиллар давомида барча фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш йўлидаги фармони эълон қилинди.

Хўш, нега менинг меросга ҳуқуқим поймол қилинапти?!

Норқул ҲАМРОЕВ,
Самарқанд вилояти Нурота тумани,
3-гурух ногирони.

Таҳририятдан: Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Норқул Ҳамроевнинг ота мерос уйни ололмаи сарсон бўлишига йўл қўйганликлари кишини ажаблантиради. Модомики, суд Н. Ҳамроевнинг уйга даъво қилишга ҳақли эканлигини қонун асосида эътироф этган экан, сарсонгарчиликка чек қўйилиши керак.

Қонун ким учун хизмат қилади?

Мен 1986 йил 4 ноябрда Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қошмалар комбинатининг 13-цехига карбонизатор ихтисоси бўйича ишга қабул қилиндим. 1987 йил 7 апрелда ишда тан жароҳати (I-II даражали куйиш) олдим. Менга жароҳат иш жойида бўлгани учун бериладиган актни беришмади. Уни комбинат партия ташкилоти орқали бир ойдан кейин олдим. 8 апрель куни цех бошлиғи Бадриддинов Ҳамид Саидович чақиртириб мени ишдан ноҳақ қувиб юборди. Мен бу ишлар тўғрисида Чирчиқ шаҳар партия қўмитаси котиби Ю. А. Асепковга мурожаат қилдим, лекин натижа бўлмади. Шундан кейин шикоятни тўғридан-тўғри Марказий Қўмитага йўлладим. МҚ котибияти ишни ҳал қилиб цех бошлиғини вазифасидан бўшатди. Бир неча раҳбарларга, шунингдек, МҚ аъзоси бўлган директор Махсудовга ҳам партиявий жазо берилди. Ана шундан кейин XX аср сарсон-саргардонлиги, қувғинлик, қатағонлик бошланди. 1987 йил 28 августда Чирчиқ шаҳар судининг қарори билан мен ишга тикландим. Лекин раҳбарлар яна тўхматлар, дўқ-пўписаларни авж олдиришди. 1989 йил 17 октябрда Ўзбекистон радиосининг «Қармоқ» ҳажвий ҳафтаномасида бу нарсалар очиб ташланди. Буни қарангки, мен 1986 йил 15 майида (Тошкент шаҳар 6-

таксипаркида шофер бўлиб ишлаган пайтими-да) авария қилган эдим, орадан 1,5 йил ўтгандан кейин (ўз даврида иш тўхтатилиб, менинг ҳайдовчилик гувоҳномамни қайтиб беришган) комбинат директори Пўлат Махсудов укаси, прокурор Озод Махсудов орқали тўхтатилган, бекитилган ишни кўтаришиб, менга нисбатан жиноий иш қўзғатишди ва 2 йил 10 фоз иш ҳақимдан давлат фойдасига ундириладиган бўлишди. Мен бунинг туб моҳиятига тушуниб етмаганман. Комбинатга шу иш бўйича ижро варақаси келган, икки ой маошимдан ушлаб кейин ушлашни атайлаб тўхтатиб қўйишган. Мен 1988 йил июль ойгача ишлаб келдим. 16 июлдан ишлаш олмадим, комбинат кадрлар бўлимининг бошлиғи Еқубов Воҳид Гапуровичнинг буйруғи билан менинг комбинатга кириш рухсатномамни олиб қўйишди. Шу билан 1989 йил декабрда ишга чиқмадим. 1989 йил 16 декабрда МҚ котиби Р. А. Попов ҳузурига кирдим. Бу киши Ўзбекистон халқ назорат қўмитаси, Жумҳурия-прокуратураси, Ўзбекистон уруш ва меҳнат фахриялари қўмитаси вакилларидан иборат текширувчилар гуруҳи тузиб Чирчиқ шаҳар партия қўмитасида текшириш ўтказишди. Менинг ишдан ноҳақ қувилганим тан олинди, ўз иш жойимга қайта тиклашди. Лекин раҳбарият: Махсудов, Еқубов, Пак, Бадриддинов, Югай, Цойлар яна эски қувғинни бошладилар. Олдин кўрсатиб ўтганимдек менинг иш ҳақимдан 10 фозини қасддан тўламаган деб Оржоникидзе тумани судидан яшаб турган туман милиция ходимларининг

кўрсатмаси бўйича ишга жўнатилсин деб қарор чиқариб олишади. Судга мени чақиртирмади ва суд қарорига ишдан бўшатилганим бўйича буйруқни қўшиб беришди. Кадрлар бўлими бошлиғи Еқубов суд қандай қарор чиқаришидан қатъий назар сени ишлатмайман деган эди. Еқубов сўзининг устидан чиқди.

Тошкент вилояти прокуратураси 1990 йил 5 январдаги суд қарорига 1990 йил 6 июнда протест киритишди, ишни қайта кўриб чиқиш учун Оржоникидзе ноҳия халқ судига юборишди. Ноҳия халқ суди раиси Тўрабеков ишни кўрмасдан яна вилоят судига, вилоят суди Калинин халқ судига, Калинин суди вилоят судига, вилоят суди яна қайтариб Оржоникидзе халқ судига жўнатилди. Тўрабеков ниҳоят шу йил 5 апрель куни ишни кўриб чиқиб 1990 йил 5 январдаги суд қарорини асосиз равишда кучда қолдирди. Суд қарори шикоят қилиш учун қабул қилинмайди деб ажрим чиқаришга ҳақлими? Қонун ким учун хизмат қилади ўзи? Сарсонгарчиликларнинг чек-чегараси борми?

Усмон КАРИМОВ.

Таҳририятдан: Усмон Каримовнинг мазкур шикоят хатини Тошкент вилоят прокуратураси танишиб чиқиб, адолатли хал қилади деб умид қиламиз.

ЖОНИМ ФИРОТ

Шарқдаги мучал йили ҳисобида ўн икки ҳайвоннинг номи бор. Олтинчи ўринда асп, яъни от туради. Отнинг Шарқ халқлари йил ҳисобига киритилиши бежиз эмас. Айниқса турк халқлари ҳаётида от жуда муҳим аҳамият касб этади.

Туркийларнинг қадимий авлод-аждодларидан бўлган ёқут халқида қуйидаги мазмундаги эртақ бор: кунлардан бир кун от кенг, яхши ўтлоқни топиб олибди, ўтлабди. Бир маҳал қараса, у топган ўтлоқнинг чеккасида бир буғу хўжаларча сайр қилиб юрган экан. От қанча уринмасин, буғуни ўтлоқдан ҳайдаб чиқаролмабди. Ниҳоят у ёрдам сўраб инсоннинг олди-га борибди. Инсон буғуни отга миниб қувиб чиқариш кераклигини айтибди. От кўнгач, инсон унга миниб, буғуни икковлашиб қувиб чиқаришибди. Аммо шу-шу одам отнинг устидан тушмабди. От унинг ҳамроҳига, йўлдошига, хизматчисига айланибди. Бу эртақ ёввойи ҳайвон бўлган отнинг нақадар қадим замонлардан қўлга ўрганганлигини билдиради.

Туркий халқларда ғалати бир удум бўлган. Агар жангчи ҳалок бўлса, унга қўшиб жангчининг оти ва жабдуқлари ҳам кўмилган. Халқимизда отбоқарлик, яъни синчиликнинг санъат даражасига кўтарилганлиги ҳақидаги гаплардан ҳам отнинг нақадар ажойиб ҳайвон эканлигини ва унга нисбатан инсоннинг ҳурмати, эътиқоди жуда баланд эканлигини билиш мумкин. Бўлмаса Пўлкан куйлаган «Гўрўғлининг туғилиши» достонида Гаждумбек сойда ётган отнинг суягини кўриб қучоқлаб йўғлармиди? Ўзбек халқ достонларида тасвирланган қаҳрамон оти образи дoston гоясини очиб берувчи етакчи ва асосий образлардан бири ҳисобланади. Бу образ талқинига оид Ҳ. Зарипов, М. Саидов каби олимларимизнинг илмий тадқиқотларини ҳурмат билан тилга олиш керак.

Ҳ. Зарипов ўз ишларида қаҳрамонлик достонларидаги отнинг ҳар вақт ҳам «оддий уловгина эмас»лигини, балки унинг баъзи пайтда бош қаҳрамон даражасига кўтарилишини, отнинг достондаги унутилмас эпизодларнинг марказий фигураларидан бирига айланишини таъкидлайдилар. Устоз олим дoston ва эртақларимиздаги эпик отнинг табиий отлардан фарқ қилувчи алоҳида хусусиятларини ажратиб кўрсатадилар: «Бундай хусусиятлар, бир томондан, табиий насли отларда мавжуд сифат ва характерларни бўрттириб, бадий бўёқлар билан безаб кўрсатса, иккинчи томондан, мифларда мавжуд хусусиятлар билан безалган ҳолда намоён бўлади, учинчидан, уларда тоtemизм элементлари ҳам учраб туради».

Достонларда от қаҳрамоннинг энг яқин сирдоши ва ҳарифи сифатида берилади. У эгасига ёрнини ўзга юртлардан олиб келишда ёрдам беради, узоқ йўлни яқин қилади, эгасини хавф-хатардан огоҳ этади, ўз жонини қийноққа солиб бўлса ҳам унинг мушқулини осон қилишга уринади. «Алпомиш» достонида Барчиннинг биринчи шартни осон қилди кунлик йўл бўлган Бобоҳон тоғига от билан пойга қилиш эди. Кўкалдошлар шартни бузиб, рақиблари Қоражон ва унинг отини боғлаб, Бойчиборнинг туғига мих қоқадилар. «Боғланган банддан» халос бўлиб, хафа, тушкун кайфиятдаги Қоражонга от далда беради, уни жасоратга ундайди:

Дам шу дамдир ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Қолдим, деб Қоражон, сира ғам ема.
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига,
Етказарман Бойсин-Кўнғирот хонига...

Бойчибор от сўзининг устидан чиқади...

Ўзбек халқ достонларидаги қаҳрамон оти образи мифологик характердаги, яъни муқад-

дас ҳайвон сифатидаги образдир. Юқорида келтирилган мисолдан кўринадики, Бойчибор гапириш хусусиятига эга экан. Бу ҳам от образидаги мифик белгилардан бири. Шу ўринда отнинг ҳамма вақт эмас, фақат вазият оғир пайтда ва эгаси билан яқна қолгандагина гапиришини таъкидлаш лозим.

Жанговар от гапга тушунади ва вазиятга қараб ҳаракат қилади. Масалан, Бойчиборнинг оёқларига мих қоқилган жуда оғир ҳолда пойгада ғалаба қозонишининг сабабларидан бири, унинг асл зотли арабий тулпор эканлиги, иккинчиси Барчинонинг юракдан отга қарата айтган нажот тўла қуйидаги сўзлари бўлди:

Қурру-ё кур, ҳайта, тўрамнинг оти!
Оқ тўшим — яйловнинг, сочим шипиртки,
То ўлгунча сайсинг бўб юрайин.
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима.
Олмосдай туёғинг қордай тўшима,
Қурру-ё кур, ҳайта, тўрамнинг оти.

Фикримизни исботлаш учун бошқа достонлардан ҳам далил келтириш мумкин. Хусусан, «Маликаи айёр» достонида Авазни ўлдириш учун уни йўлда кутиб турган мерганлар ниятларига етолмайди. Бунга Авазхон отининг сезгирлиги сабаб бўлади.

Хўш, нима учун достонларга, аниқроғи, қаҳрамон оти образига бу мифик асослар кириб қолдикин, деган савол туғилиши табиий, албатта. Биз бу ҳолатни халқимизнинг орзу-истаги, отга бўлган ҳурмат-эътиқоди билан боғлиқ деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, халқ Алпомиш, Гўрўғли, Рустамхон каби ўз идеал қаҳрамонларини яратар экан, унинг ҳар томонлама етук, баркамол ва кўпчиликка ўрнак қилгулик бўлишини истайди. Бинобарин, у бундай қаҳрамоннинг мағлубиятини, ҳалокатга учрашини хоҳламайди. Бунинг учун эса қаҳрамоннинг жасурлиги-ю, кучлилиги кифоя қилмайди. Унинг ҳамшиалик ҳамроҳи — от эгасини ҳар қандай хавфдан қутқара оладиган афсонавий кучга эга бўлмоғи керак. Чоғга тушган Алпомишни қутқаришга елган Бойчибор от куйруғининг қирқ газ ёзилиши, зарур пайтда отда қанотнинг пайдо бўлишини ҳам шундай изоҳлаш мумкин. Шу ўринда ота-боболаримизнинг отга бўлган ҳурмати баланд эканлигини тасдиқловчи яна бир мисолга мурожаат қиламиз. Кармишев лақай (ўзбек) мақолларидан бирини келтириб, («Агар бир кунлик умринг бўлса отинг бўлсин, икки кунлик умринг бўлса хотининг») ота-боболаримиз учун от ҳатто хотин ва болалардек азиз эканлигини айтади. Кичик кузатишлар давомида, жумладан, Самарқанд вилояти Нурота ноҳиясида ва Фарғона вилоятига қарашли Рапқон қишлоғида кекса кишилар ва чавандозлар билан суҳбатларда ҳам биз мулоҳазаамизнинг тўғри эканига амин бўлдик.

Алпомиш, Гўрўғли каби қаҳрамонларни достонларда уларнинг отисиз тасаввур қилишимиз қийин. Бу одат халқимиз тарихи, реал воқеликнинг достонлардаги тасвири билан боғлиқдир. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари ўз тарихида жуда кўп босқинчиларга қарши курашган. Бу урушларда эса от жангчиларга энг

яхши ёрдамчи, энг содиқ ҳамроҳ бўлган. Уларнинг «шердай» бўлиб душманнинг додини беришларига ҳам остиларидаги абжир отлари сабаб бўлган:

Остида Жийронкуш оти,
Шердай бўлиб сиёсати,
Иш кўрсатиб у кун Ҳасан
Бўлди душманинг офати.

Жанговар отнинг ниҳоятда кучли бўлиши, жангда ўзини муносиб туттиши унга бўлган алоҳида тарбия билан изоҳланади. Зукко бахшиларимиз бу нарсани ҳам назардан четда қолдирмайдилар. Масалан, Гўрўғли оти Фиркўкка тажрибали уч синчи бириктирилган, от ҳар боқилганда олти ой боқилади, отбоқарлар унинг ёлини қизнинг сочини тарагандай тарашади.

Фиркўкнинг асосий емиши эса кишмиш:

Ғазо кун майдон-пайдон чопганди,
Ҳарким минса мақсадини топганди,
Рост қаддини келтирмоққа Фиротни,
Ҳар боққанда олти ой бирдан боққанди.
Кўриб есин, деб емини Кўкғирот,
Табласига қўша шамлар ёққанди,
Чу деганда қарчиғай қушга тенгди

(тенг эди)

Кишмишдан берганди овқатман емини...

[«Авазхон» достонидан.]

Бахшиларнинг маҳорати уларнинг қаҳрамон отига ном қўйишларида ҳам кўринади. Бу номлар отнинг табиати, дostonда бажараётган вазифасига мос равишда танланган. Масалан, Фиркўк икки мустақил сўздан таркиб топган. Бу ном таркибидаги «ғир» тезкорлик маъносини «кўк» отнинг рангини билдиради. Демак, Фиркўк — кўк рангли чопқир экан. Бироқ Фиркўкни «кўкни кўзловчи от» тарзида ифодаласак ҳам хато қилмаган бўламиз. Достонларда бу отга «юлдузини кўзловчи, чу, деса осмондаги қушдан кам эмаслиги» сифатида таъриф берилиши фикримизнинг далилидир. Алпомиш отининг Бойчибор деб номланишига икки асосий сабаб бор. Биринчидан, бу қўшма от таркибидаги «чибор» ола-була (ола-чипор) маъносини билдиради, «бой» эса отга бўлган ҳурмат юзасидан «чибор» сўзига қўшиб айтилган бўлиши мумкин. Аммо отнинг бундай аталишига яна бир сабаб борки, бу ҳам бизнингча, ҳақиқатдан унча йироқмас. Маълумки, Алпомиш бой авлодидан. Унинг оти ҳам катта бойликка эга Бойбўрининг табласидаги отлардан бири. Фикримизча, шунинг учун ҳам бу от Бойчибор деб ном олган. Ходи Зарипов эса бу номнинг келиб чиқилиши қуйидагича шарҳлайди: «Бойчибор — чипори кўп демак. Шунинг учун дostonда уни човқар кўк ҳам дейилади».

«Маликаи айёр» достонида Фиркўк бажаролмаган вазифани (Торкистон юртдан Маликаи олиб чиқишни) мифик Қоратулпор бажаради. Бу от рангининг қоралиги ҳақида эса дostonда бирор изоҳ йўқ. Балки отнинг ранги ҳақиқатан ҳам қорадир. Лекин бу отнинг шундай номланганлигига тўла асос бўлмайди. Қора сўзининг туркий халқларда улкан, буюк, қудратли, савлатли каби рамзий маънолари ҳам бор.

Хуллас, ўзбек дostonчилигида от образи фольклоршуносликнинг ўрганилиши лозим бўлган масалаларидан бўлиб, бизнинг бу ишимиз эса шу соҳадаги кичик қадамлардан биридир.

Абдумурод ТИЛОВОВ,
Тошкент давлат дорилфунуни толиби.

МОЛИМ

ФИРОТ

Умр оқар сув экан. Турмуш қурганимизга 7-8 йил бўлапти-ю, бироқ фарзандли бўлиш насиб этмади. Врачларга учрашсам, аниқ бир гап айтишолмаяпти.

Шу сабабга кўра, фарзанд олиб тарбия қилмоқчиман. Илтимос, «Еш куч» қаерга учрашиб муддаомга етишимни маълум қилгин? Чунки бу масалада ҳам ошна-оғайничилик, таниш-билишчилик бўлиб кетган.

Г. Жўраева,
Қарши ноҳияси.

Навбатга қўйилди

Бемор Жўраева анчадан буён акушер-гинеколог врачлар ҳисобида туради. У бир неча марта шифохонада даволанган. Лекин ҳозирча фойдаси бўлмапти.

Айни пайтда Г. Жўраевага қайта текширувдан ўтказиш учун вилоят диагностика марказига йўлланма берилди. У шифохона тўғруқхонасида бола олиб тарбиялаш учун навбатга қўйилди.

Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бўлими мудири муовини А. КАРАПЕТЯН.

Мактабимиз номи ўзгарса...

Жумҳуриятимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига, миллий кадрларимизнинг тикланишига йўл очилганига анча бўлди. Бу орада анча эзгу ишлар қилинаётганидан воқиф бўлиб турибмиз. Лекин ҳали ҳамон Жданов, Ворошилов, Калинин каби қинғир ишлари маълум бўлган шахсларнинг номи ҳаддан зиёд кўп учрайди. Россияда бир қанча ўқув юртлари, шаҳарлар номи қайта тикланди. Бизда бу ишлар жуда суст олиб борилмоқда.

Бизнинг 58-ўрта мактабимиз ҳам ноҳиядаги йирик таълим масканларидан ҳисобланади. У М. И. Калинин номига қўйилган. Менимча, ўзбек халқининг юқорида номи зикр этилган шахслардан зиёд хизмат қилган йўлларни жуда кўп. Мен мактабимизга Абдулла Қодирий номи берилишини истардим.

Акбар СУЛТОНОВ,
Самарқанд вилояти Қўшработ ноҳияси.

Муносиб ном берилади

А. Султоновнинг юқоридаги таклифи Қўшработ ноҳияси ижроия қўмитаси қошидаги ном қўйиш комиссиясининг 1991 йил 3 июнь куни йиғилишида муҳокама қилинди. Оқтепа қишлоқ кенгаши ҳудудидаги 8-ўрта мактаб А. Қодирий номида бўлганлиги сабабли 58-мактабни юқорида зикр этилган адабиёт номи билан аташ мақсадга мувофиқ эмас деб топилди.

Комиссия мактабга ўзбек халқининг муносиб фарзандларидан бирининг номини беришни лозим кўрди.

Қўшработ ноҳияси ижроия қўмитаси раиси Ж. БУРҲОНОВ.

Биз ҳам орзу қиламиз

Биз 59-тўлиқсиз ўрта мактабда ўқиймиз. 1990 йил сентябрида ишга тушган 4 хонали мактабнинг бир ёғи дала шийони, бир ёғи магазин, мед пункт. Мактаб хоналарининг таги тахта пол эмас, цемент ётқизилган. Айрим хоналарига печка ҳам ўрнатилмаган. Қишда совуқ, ёмғирда чакка томади.

Мактабда 2 сменада ўқувчилар таълим олишади. Юқорида қайд этилган ва бошқа муаммолардан ўқувчиларгина эмас, ўқитувчилар ҳам қийналишади. Қурилатган янги мактаб ҳали ҳам битгани йўқ. Биз ҳам тоза-озода, ихчам мактабда илм олайлик деймиз.

Илтимос, бизга ёрдам бер! IX йиллик мактабимизни XI йиллик бўлишида ҳам кўмагингни аяма.

Қумқўрғон ноҳиясидаги номсиз 59-мактабнинг 9-синф қора кўзлари.

Замон талабларига жавоб беради

Бўлактепа қишлоғида жойлашган 59-М. Шаймардонов номли ўрта мактаб 9-синф ўқувчилари хати ноҳия халқ таълими бўлими бош инспектори Э. Чориев томонидан текширилди. Дарҳақиқат илгари ўқувчилар 4 хонали уй ҳисобида қурилган бинода ўқишган. Кейинги вақтда яна 8 хона қурилиб фойдаланишга топширилди. Айни пайтда мактабда 212 ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Хоналарга печка ўрнатилган, тўлиқ ёқилғи ва кўмир билан таъминланган. Ошхона ва буфетлар талабга жавоб беради. Ҳозир улар тўлиқ қайта қурилиб, фойдаланишга топширилди. 1991—1992 ўқув йилидан бошлаб ўқув маскани ўрта таълим мактабига айлантирилди. Таълим-тарбия олиш учун барча шароит мавжуд.

Қумқўрғон ноҳияси халқ таълими бўлими мудири А. ТЎРАЕВ.

Болаларимнинг ризқи

«Еш куч»га йўллаган шикоят мактубида Самарқанд вилояти Пахтачи туманида яшовчи Х. Тангриева фарзанди учун собиқ эрдан тўлиқ алимент ололмаётганини билдирган эди.

Мактуб Бухоро вилояти адлия бошқармасига жўнатилгач...

Нафақа ундириб берилди

Бухоро вилояти адлия бошқармаси Х. Тангриеванинг «Еш куч»га йўллаган шикоят мактубини текшириб қўйидагиларни аниқлади. Жавобгар Азамат Мантиев 1986 йилдан 1988 йил ноябрь ойигача Навбаҳор давлат банкида иқтисодчи вазифида 118 сўм маош олиб ишлаб келган. Кейин бир муддат ишламаган. 1989 йил май ойидан Москва жамоа хўжалигида бухгалтер, сўнг туман «Парвоз» ёшлар марказида бухгалтер вазифида ишга кириб ҳозир ҳам шу ерда ишлаб келмоқда.

1988 йилдан ҳозиргача бўлган вақт оралиғида А. Мантиев олган маоши Х. Тангриевага юборган алимент суммасига нисбатан ҳисоблаганда 256 сўм 20 тийин қарзи борлиги аниқланди ва бу пул жавобгардан ундирилиб Х. Тангриевага юборилди.

Ушбу ишнинг ижроси бундан кейин адлия бошқармаси томонидан назоратга олинди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи М. ШАЙДОЕВ.

Ноҳақ ишдан бўшатиладим

деб ёзибди ўз шикоятини Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида яшовчи Совет милицияси аълочиси, милиция майори Очил Абдурасулов.

Унинг шикояти Ўзбекистон жумҳурият ички ишлар вазирлигига жиддий текшириб чора-тадбирлар кўриш учун юборилди. Кўп ўтмай биз мазкур вазирликдан қўйидаги расмий жавобни олдик.

Хулоса қатъий...

«Еш куч» ойнамасининг бош муҳаррири ўртоқ Х. ТУХТАБОВЕВГА

Жумҳурият ички ишлар вазирлиги сизнинг тавсиянгизга биноан Очил Абдурасуловнинг шикоят хатини кўриб чиқди ва қўйидагиларни аниқлади:

О. Абдурасулов ўзининг ички ишлар бўлимидаги иш фаолиятини 1972 йилдан бошлаган ва турли лавозимларда ишлаб келмоқда.

1987 йилнинг 20 мартда УзССР ички ишлар вазирлигида чиқарилган хулоса натижаларига кўра О. Абдурасулов Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимидан озод этилган. Уни лавозимдан бўшатиш ҳақидаги хулосани чиқаришга Ўзбекистон КП МК ҳамда жумҳурият прокуратураси томонидан УзССР ички ишлар вазирлигига 1986 йилнинг февраль ҳамда 1987 йилнинг март ойларида текшириш учун юборилган хатларида баён этилган О. Абдурасуловнинг уй-жой олиш ва шахсий уй-жой қуришда мансабини суиистеъмол қилганлиги ҳақидаги хабарлари асос бўлган. Бу хабарлар текширилиб, ўз тасдиғини топган, хусусан: ҳақиқатан ҳам О. Абдурасулов юқорида кўрсатилиб ўтилган бўлинма бошлиғи лавозимида ишлаётган даврида, яъни 1984 йилнинг 17 декабрида Термиз шаҳар ижроқўмининг 1183 сонли ордерига биноан Термиз шаҳрининг 4-микрорайони 7-уй 18-хонадондан 4 хонали уй ажратилган, бу уй ордерига О. Абдурасуловнинг ўзи, унинг рафиқаси З. Шожирзаева ва уларнинг 6 фарзанди рўйхатга олинган.

1985 йилнинг 29 майида Абдурасуловнинг рафиқаси З. Шоймирзаевага ҳам Ангор пахта тозалаш корхонасининг касаба союз ташкилотининг қарори билан Ангор посёлкаси Заводская кўчаси 5-уй 9-хонадондан 3 хонали уй олиш учун ордер берилган. З. Шоймирзаева номига берилган ордерга ҳам Абду-

расуловнинг 6 оила аъзоси яна қайта рўйхатга киритилган.

Маълум бўлишича, юқорида кўрсатилган уйни олиш вақтида О. Абдурасулов ва унинг рафиқаси Ангор пахта тозалаш корхонаси маъмуриятидан уларнинг Термиз шаҳрида уйлари борлигини яшириб номуносиб ҳаракат қилишган.

Бундан ташқари, Ангор ноҳиясининг К. Маркес номли жамоа хўжалигида Абдурасуловнинг ота-онасига (отаси 1969 йилда, онаси 1986 йилда вафот этишган) қарашли бўлган шахсий уй мерос тариқасида Абдурасуловга расмийлаштирилиши лозим бўлган, аммо бу иш амалга оширилмаган. А. Абдурасулов ва унинг оила аъзолари (6 киши) бу даврлар мобайнида шу уй рўйхатида турганлар.

Шунингдек О. Абдурасулов 1985 йилда ота-онасининг уйи ҳовлисида ўғли Э. Абдурасулов учун умуллий саҳни 21 кв м га тенг бўлган алоҳида уй қурган. Текширув натижасида, яъни 1987 йилнинг 11 мартида чиқарилган хулосага биноан О. Абдурасуловнинг «Лавозими пасайтирилиб, ички ишлар бошқармасининг марказий аппаратида фойдаланмаслик» шарти билан социалистик мулкни талон-тарож қилишга курашиш бўлимига бошлиғи лавозимидан озод этилган ва шу хизматнинг оператив (тезкор) вакили лавозимига хизматга тайинланган.

Кейинчалик ЎзССЖ ички ишлар вазирлигига Ўзбекистон КП МК ҳамда жумҳурият прокуратураси томонидан қайта текшириш учун юборилган хатлар асосида вазирлик томонидан ўтказилган текшириш асосида 1987 йилнинг 13 июлида чиқарилган хулосанинг: «фойдаланишдаги уй-жойлардан, фойдаланиш ҳақидаги қонунчиликнинг тартиб-қоидаларига асосан ҳал этилсин» бандини бажармаганлиги учун О. Абдурасулов юқорида кўрсатилган хизматнинг оператив (тезкор) вакили лавозимидан озод этилиб, Термиз шаҳар ички ишлар бўлимига участка вакили лавозимига тайинланади. Ҳозирги вақтда шу бўлимда катта участка вакили лавозимида ишлаб келмоқда.

Муқаддам О. Абдурасулов уни аввалги хизматдан ноҳақ бўшатилганлигини ва яна шу хизматга ва лавозимга тиклашни сўраб бир неча мартаба шикоят хатлари ёзган.

Бу шикоят хатлари бўйича текширувлар ўтказилаётганда у текширувчилардан ҳақиқатни яшириб, уларни чалғитмоқчи бўлган. Текширувлар якунларида унинг нотўғри хатти-ҳаракатлари ва лавозимидан бўшатилиш сабаблари унга батафсил тушунтирилиб берилган.

О. Абдурасуловнинг навбатдаги шикоят хатида таъкидланаётган уй-жой қонунчилигининг тартиб-қоидаларини бузмаганлиги ҳамда оиласи фойдаланаётган уй-жойларни қонуний равишда расмийлаштирилгани, ўзини оқлаш учун келтирилган далил ва ҳужжатларни инobatга олиб бўлмайди, чунки бу ишлар уни интизомий равишда жазоланганидан кейингина амалга оширилган.

Юқорида баён этилганларга биноан муқаддам қабул қилинган, яъни О. Абдурасуловни социалистик мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш хизмати бўлимларида ишлаш мақсадга мувофиқ эмас деган қарорни ўзгартириш учун асос йўқ деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари О. Абдурасуловнинг ўз шикоятларида таъкидлаётган масалалар, яъни уни моддий ва ҳуқуқий томондан камситилаётганлиги ҳақидаги далиллар асосли эмас, бинобарин:

1. Унга 1990 йилнинг 11 июнида Термиз шаҳар ижроқўмитининг 204/7 сонли қарори

билан «Москвич-2141» енгил автомашинаси ажратилган.

ЎзССЖ ички ишлар вазирлигининг 1990 йил 5 октябрида 226 сонли буйруғига асосан унга II даражали «Бенуқсон хизмат учун» медали берилган.

3. Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасининг молия-режалаштириш бўлими томонидан унга хизмат сафарларидаги харажатлари тўла-тўқис тўланган.

Уртоқ О. Абдурасулов ўз шикоятларида кўрсатган қолган маълумотлар ва талаблар текширув мобайнида тасдиқланмади.

О. Абдурасулов юқоридаги каби шикоятлари билан жумҳурият ички ишлар вазирлигига, вилоят бошқармасига ва турли ташкилотларга бир неча мартаба мурожаат қилган.

Бу шикоятлар бўйича қатор текширувлар ўтказилиб, натижалари юзасидан О. Абдурасуловга ёзма ва оғзаки равишда тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон жумҳурияти ички ишлар вазирлиги кадрлар бошқармаси бошлиғининг муовини А. И. ЮНУСМЕТОВ.

Дунёда адолат борми?

«Еш куч»нинг шу йилгиб-сонидида «Қатортолга мактублар» саҳифасида юқоридаги сарлавҳа билан қашқадарёлик бир бағрихун оиланинг шикояти босилиб чиққан эди. Ушбу шикоят хатида Чирокчи тумани Кўкдала давлат хўжалигида яшовчи Холмуродовлар Ш. Руставели номли мактаб ўқувчиси Нодирнинг фожиона ўлими юзасидан айбдор кимсаларга нисбатан жазо чоралари кўрилмаётганлигини маълум қилишган эди.

Биз мактубни эълон қилиб ЎзССЖ прокуратурасидан ушбу жиноят ишни батафсил текшириб кўришни сўраган эдик. Яқинда Жумҳурият прокуратурасидан жавоб олдик.

Айбдорлар албатта жазоланади

«Еш куч» ойнамасининг 1991 йил 5 май сонидида чоп этилган Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Ш. Руставели номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нодира Холмуродованинг фожиавий ўлими билан боғлиқ бўлган жиноят иши қонуний ҳал бўлмаётганлиги ҳақида марҳума қариндошларининг хати юзасидан жумҳурият прокуратурасида тегишли текшириш олиб борилди. 1991 йил 16 март кунини ашула дарсида, ўқув машғулотлари пайтида шу синф ўқувчиси Ж. Бузонов парта тагидан Н. Холмуродованинг хотира дафтари олиб ўқитувчиси А. Кенгбоевга берган. А. Кенгбоев эса хотира дафтарида ёзилган шеър ва бошқа қалб сўзларини синф ўқувчиларига овоз чиқариб ўқиб берган. Бунинг натижасида ўқувчилар орасида кулги кўтарилган. Кулгидан таъсирланган Н. Холмуродова ҳаяжонланиб, синфдан чиқиб кетиб, Чирокчи тумани ҳудудидан ўтувчи Алағу-Айритом участкасида ҳаракатланиб кетаётган поезднинг тагига ўзини ташлаб, олинган тан жароҳати натижасида ҳалок бўлган. Мазкур воқеани Қарши транспорт ички ишлар бўлими ходимлари текшириб фожиа темир йўл транспортида юз бергани

тасдиқлаш билан қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Ш. Руставели номли мактабнинг 8-синф ўқувчиси Нодира Холмуродованинг фожиавий ўлими билан боғлиқ бўлган жиноят иши қонуний ҳал бўлмаётганлиги ҳақида марҳума қариндошларининг хати юзасидан жумҳурият прокуратурасида тегишли текшириш олиб борилди. 1991 йил 5 июль кунини жиноят ишини қабул қилди. Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қашқадарё вилоят прокурорига воқеа тафсилотини чуқур таҳлил қилиш, Н. Холмуродованинг фожиавий ўлимига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаш, яшаган, ўқиган муҳитнинг марҳумага таъсири масалаларини текшириб тергов ҳар томонлама, тўлиқ ва одил бўлишига ҳамда қонуний ҳал қилинишини таъминлаш тўғрисида буйруқ берилди. Тергов устидан назорат ўрнатилди.

Ўзбекистон Жумҳурият прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Б. С. БУХОРОВ.

Таҳририятдан: ушбу жиноятнинг якуни ҳақида келгусида хабар берамиз.

Байналмилал жангчининг ноласи

Мен Афғонистонда йигитлик бурчимни ўтаб ногирон бўлиб қайтганман,— деб ёзибди ўз шикоятларида Самарқанд вилояти Пахтачи тумани «Пахтакор» жамоа хўжалигида яшовчи Фозил Зайнуддинов,— жуда кўп қийналдим. Ҳамон азоб еб келаяпман. Оилавий шароитдан қийналганман. 3-гуруҳ ногирониман. Ўзим оддий қоровул бўлиб ишлайман. Хотинимни 10 ойдан буён ишга жойлаштиролмай қийналаяпман. Ердამ беринглар!

Ердამ берилди

Самарқанд вилоят комсомол қўмитаси байналмилал жангчи Фозил Зайнуддиновнинг «Еш куч» ойнамасига ёзган шикоят мактубини қўмита масъул ходими Н. Жаллилов, Пахтачи тумани қўмитаси котиби И. Умиров ва туман комсомол қўмитаси ташкилий бўлим мудири Ш. Воҳидов иштирокида текшириб чиқди. Байналмилал жангчи Ф. Зайнуддинов ҳозирги кунда Навоий шаҳар кўча қурилиш ташкилотидида назоратчи-қоровул бўлиб ишламоқда. 260 сўм маош, 210 сўм ногиронлик нафақаси билан таъминланган. «Пахтакор» қишлоқ Кенгаши ёрдамида унга 5000 сўмга навбатсиз давлат қарзи берилди. Уй-жой қуриш учун 20 сотих ер билан таъминланди. Умр йўлдоши М. Зайнуддинова ҳақиқатан ҳам ишсиз. Лекин шу кунга қадар 60 сўмлик тоvon пули билан таъминланган. Пахтакор қишлоқ Кенгаши раиси Мўмин Сафаров, раис муовини Зулайхо Норқулова, Султонобод шифохонаси бош врач С. Раҳимқулова билан уни шу йил кузда иш бошлаётган Пахтакор қишлоқ тиббий пунктига ҳамшираликка ишга қўйиш келишиб олинди. Қарорнинг бажарилиши жиддий назоратга олинди, шу билан бирликда туман комсомол қўмитаси янги иморат қураётганини ҳисобга олиб Ф. Зайнуддиновга 250 сўм ёрдам пули берди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Самарқанд вилояти қўмитаси котиби Б. ЗОКИРОВ.

УЧИНЧИ ТУР ТОПШИРИҚЛАРИ

Математика

1. Икки бола узунлиги 50 м бўлган югуриш йўлкасида 1 секунд фарқ билан старт олишди. Иккинчи бола старт чизигидан 10 м узоқлашганда биринчи болага етиб олди. У маррага етгач яна орқасига ўшандай тезлик билан югуриб қайтди. Агар иккинчи бола биринчи болани старт олгандан 10 секунд ўтгач учратган бўлса, иккинчи бола биринчи болани йўлка охирига нисбатан қандай масофада учратган?

2. Радиуси a бўлган иккита бир хил доиранинг айланалари бири иккинчисининг марказидан ўтади. Бу доиралар умумий қисмининг юзини топинг.

3. a , b лар мусбат сонлар ва $a^3 + b^3 = a - b$ эканлиги маълум бўлса, $a^2 + b^2 < 1$ тенгсизлигини исботланг.

4. Ҳисобланг: $\cos \frac{\pi}{7} \cos \frac{4\pi}{7} \cos \frac{5\pi}{7}$

5. Тенгламани ечинг:
 $x^4 - 6x^3 + 7x^2 + 6x - 2 = 0$.

**Б. РИХСИЕВ,
Т. ҚЎРҒОНОВ.**

Физика

1. Қиялик бурчаги α га тенг бўлган тоғдан горизонтал равишда тош отилди. Агар тош отилган нуқтадан h масофага тушса, у қандай V тезлик билан отилганини аниқланг.

2. Атом икки қисмга парчаланadi. Уларнинг массалари M_1 ва M_2 , умумий кинетик энергияси E . Уларнинг тезликларини топинг.

3. Снаряд ер сиртига параллел учиб ўтиши учун унга қандай тезлик бериш керак? Снаряднинг ҳавога ишқаланиш кучини ҳисобга олманг. Ернинг радиуси $R = 6370$ км.

4. $V = 25$ км/соат тезлик билан кетаётган велосипедчининг ерга оғиш чегаравий бурчаги $\alpha = 60^\circ$ бўлса, у қандай радиусли доира чизишини аниқланг.

5. a тезлиги билан тушаётган лифтва жойлаштирилган симобли барометрнинг симоб устуни баландлиги h қандай? Атмосферавий босим H мм. сим. уст. га тенг.

М. ҚУРБОНОВ.

Кимё

1. Массаси 42,6 г бўлган натрий сульфатни массаси 300 г бўлган сувда эритилишидан ҳосил бўлган эритманинг зичлиги 1,12 г/мл бўлса, шу эритманинг моляр концентрациясини аниқланг.

2. Массаси 16 г бўлган сульфат кислота эритмасининг мўл миқдор барий хлорид эритмаси билан ўзаро таъсир этишидан массаси 5,7 г бўлган чўкма ажралиб чиқади. Дастлабки эритмадаги сульфат кислотанинг масса улушини аниқланг.

3. Калий хлориднинг сувли эритмаси электролиз қилинганда массаси 11,2 г бўлган калий гидроксид олинади. Ажралиб чиққан водород ёндирилганда ҳосил бўлган сувнинг массасини аниқланг.

4. Ароматик ҳалқа бўлган ва C_8H_{10} формулага жавоб берадиган изомерларнинг тузилиши формулаларини ёзинг.

5. Қандай қилиб метандан иккита ҳар хил усуллар билан этан олиш мумкин? Амалга оширилиши зарур бўлган реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.


А. ДАМИНОВ.

АНИҚ

ФАНЛАР

Ирсият ва семизлик

Биз наслдан-наслга ўтувчи ёғ ҳужайрасининг биоэнергия бузилишларини семизлик касалига дучор бўлган ота-она ўз болаларига ўтказишини юқорида эслаган эдик. Ҳаётини мисолларнинг кўрсатишича ота ёки она озгин бўлса, бу оиладаги болаларнинг семизлик касаллиги 8 фоиздан ошмайди, агар улардан бирида семизлик бўлса 40 фоизни, ота ва онанинг икковида ҳам семизлик касаллиги бўлса 80 фоизини ташкил этади. Маълумки, семизлик бир қатор оилаларда учраб, ёғнинг танада сақланиши ҳам авлодга тортади. Масалан, 85 фоиз семиз қизларнинг тана тузулиши ўз онасиникига ўхшаб кетади. Она семизликка дучор бўлганда унинг бу касаллиги ўғлидан кўра кўпроқ қизда ривожланиб кетади. Шунинг учун дунёда хотин-қизлар орасидаги семизлик эр-какларга нисбатан 1,5-2 баробар кўп экан. Семириб кетишда ташқи муҳитнинг ҳам роли катта. Қуйида ана шуларга тўхталиб ўтамиз.



Семизлик касаллими?

Ўзбекистон шароитида ўтказилган илмий кузатишлар кўплаб ўзбек оилаларида қизлар орасида семизлик касаллиги йилдан йилга ортиб боришини кўрсатмоқда. Хўш, бунга нима сабаб? Унинг олдин олиш мумкинми? Мавзунимиз мана шулар ҳақида.

Ота-оналар кўпинча ўз болаларининг иштаҳаси йўқ деб, уларнинг энг ёш пайтида кучли овқатлантирадilar. Лекин бу даврда ошқозон ҳажми кичкина бўлади. Масалан, 1 ёшдаги боланики ўртача 250 мл ҳажми ташкил этади. Ота-оналар эса бу ёшдаги болага кўпроқ овқат беришга ҳаракат қилдилар. Бу эса ошқозонни кенгайтириб юборади. Бундай ҳолда, яъни ошқозон овқатга ҳаддан зиёд тўла бўлганда ошқозондаги марказий нерв системаси билан боғланган сезгир нерв томирчалари ўзаро алоқасини йўқотади. Кейин эса ошқозон ҳар овқатланишда янада кўпроқ таомни талаб қилади. Бундан бузуқ иштаҳа, тиббиёт тилида айтганда патологик иштаҳа келиб чиқади. Шартли рефлекслар бола организмда тез пайдо бўлади ва мустақамланиб боради. Шу туфайли қизлар организми кўп овқат талаб қилганда улар ёғ сифатида деполарга тўхтаб ўрнаша бошлайди.

Кўпгина қизлар кам ҳаракат қилганда ёки узок вақт ҳаракатсиз ҳаёт кечирганда росмана семириш касалига дучор бўлишади. Бундай ҳолларга қизларнинг ўз касалидан уялиши, тортинчоқлик қилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Семириб кетишнинг ёғ алмашуви ўзгариши билан боғлиқ бўлган сабабларига келсак, улар ички ва ташқи муҳитлардан иборат бўлиб, ёғ ҳосил бўлиши ва уларни ёғ деполарига тўпланишга ёрдам беради. Семиришда наслдан-наслга ўтадиган семизликка мойиллик ҳам муҳим ролни ўйнайди.



Овқат кўп истеъмол қилинганда

Инсон организмнинг ёғ тўқимаси кам ҳаракатли оддийгина баласт моддадан иборат бўлмай, балки у тез ҳаракатланувчан ва ҳужумкордир. Унинг ҳужумкорлиги янги ёғ моддаларни ҳосил қилишдан иборатдир. Бу модда тезлик билан ёғни қондан кўп миқдорда қабул этади ҳамда углеводлардан янги ёғ ҳосил қилади. Овқатни кўп истеъмол қилиш натижасида семизликка ружу қўйган қизлар ва ўспиринлар бунинг оқибатида турли кўнгилсизликларга дуч келишлари мумкин. Кўп овқатланиш, торт, турли ширинликлар, музқаймоқ сингари углеводларга бой маҳсулотларни ҳадеб истеъмол қилавериш натижасида овқатланиш режимининг бузилиши қизларда шартли рефлекс ҳолатида қаттиқ ўрнашиб қолади. Кейин касалликнинг бошланган даврида, яъни семизликнинг биринчи даврдан ҳам олдин бу семизликка мойиллиги бор оиланинг фарзанди қонида ёғ, углевод ва ошқозон ости бези — инсулин гармони кўп миқдорда бўлиб, у ёғ синтезига ва унинг депога йиғилишига ёрдам беради.

Энди ёғ ва ёғ ҳосилаларининг организмда тўпланиши нимага олиб келишига тўхталайлик. Қиз бола ва ўспиринларда инфекция касалликлар, айниқса тез бошланиб узоқ давом этадиганлари танага заҳарлаб, семизликни тез пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай пайтларда семизликнинг пайдо бўлиш механизми шундаки, организм заҳарланиши ва юқумли касалликлардан қутулиш учун барча ёрдамчи омилларни ишга солади ва уларнинг характерларини — орган ва тўқима фаолиятини кучайтиришга қаратади. Натижада уларнинг нормал ҳаёт қобилятини сақлаб қолади. Бундан ташқари юқумли касаллик ва сурункали заҳарланиш бош миянинг бир неча бўлимларини ҳам ўзига тортди, модда алмашинувини, жумладан, ёғ алмашинувини ҳам бузади.

Болаларнинг ривожланиши тарихи кузатилганда семизлик ҳолатида турилган чақалоқларда кўпинча туғма мажруҳлик кузатилади, туғилиш



даврида онага ҳаво етишмаслик, ҳомилдорлик вақтида онада токсикозлик, патологик туғилиш ҳоллари кўп учрайди. Бундай ҳолларда туғилган чақалоқларнинг бош миясининг бузилиши модда алмашинувида асосий рол ўйновчи ташқи муҳит таъсирларига кучсиз бўлиб қолади. Жинсий баланга етиш ва боланинг организмда физиологик ўсиш даврида модда алмасуви тез бузилиб, семизликка мойиллик кучаяди. Бу ички секреция безларининг модда алмашинувида таъсири натижасидир. Успириин болаларга нисбатан қизлар организмдаги ички жинсий безлар гормонлари ёғ синтезини бир неча бор кучайтириб уларни ёғ деполарига йиғилишига сабаб бўлади. Бу эса хотин-қизларнинг семизликка мойиллигини ошириб балоғатга етиш даврида янада кучайтиришни исботлайди. Бир хил касалликлар ҳам семизликни кучайтириб юборади. Мисол учун ундай ҳолатларга буқоқ беши фаолиятининг пасайиб кетиши — гипотиреоз, буйрак ости беши пўстлогининг кучайиб кетиши — кушинг синдиروми ва гипофизинглар киради. Кушинг касаллиги жинсий безларнинг фаолиятининг пасайиши ва модда алмашинувини бошқариши, нерв ва эндокрин аппаратларда бошқа ўзгаришлар билан белгиланади. Бу эса алмашинувини бошқариб турувчи (марказий нерв системаси орқали) ёғнинг алоҳидаги бўлимларига зарарли таъсир кўрсатиб, уларни узоқ ҳолатда қўзғалиш ҳосил қилишга сабаб бўлади. Ушбу ҳол «стресс-воқеалар» бўлиб, улар гипофиз-буйрак усти безининг системаси гормонлари орқали оқсил ва ёғни углеводга айлантириб, кейинчалик ёғ ҳосил қилиб уларни ёғ депосига йиғишдир. Шунинг учун семизликни бирламчи захарланиш, яъни организм нормал фаолиятининг бузилиши ёғни бошқариб турувчи системани иккиламчи ўзгаришларга учраши деб тушунилади. Семизликка дучор бўлган қизларга ёғни ўспириинларга энг яхши даво кам овқат рационини кўллашдир. Овқатнинг қуввати паст бўлганда қиз бола организмдаги ёғлар парчаланиб ортиқча оғирлик йўқола бошлайди. Семиз болалар даволашни даврида ёғли қўй ёғи мол гўштидан, қовурилган хамир овқатлар ва ширинликларни иложи борича камроқ, сут маҳсулотлари — қатик, пишлок, сузamani кўпроқ ейишлари керак. Овқат рационини углеводларга кам бўлиб, оқсил ва витаминларга бой бўлиши лозим.

Бемор йигит-қизнинг қандай овқатланиши кераклигини эндокринолог врач бетафсил тушунтириб беради. Озишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган оила аъзолари аччиқ, шўр «иштаха очар»лардан воз кечганлари маъқул. Овқат ўсимлик ёғига тайёрланса, у тез сингади.

Ҳафтада икки марта озиш кунлари уюштириш керак ва бу кунларда фақат бир хил маҳсулотлар — гўшт, қарам, олма, бодринг, қатик истеъмол қилиш, бу истеъмолга мўлжалланган маҳсулотни озиш куни бешга бўлиб қўйиш лозим.

Бундай даволаш усули болаларга қўлланилганда ота-она ёғи уйдаги катта ёшдаги одам уларни бовосита кузатиб туриши керак. Бўлмаса улар тавсия қилинаётган даво усулига «болаларча» енгил қараб, билдирмасдан бошқа кучлироқ овқатларни ейишлари мумкин. Шунинг учун фарзанднинг тез тузалиб кетишида ота-онанинг, оила аъзолари назоратининг аҳамияти катта. Парҳез даволаш усулига қўшимча жисмоний меҳнат қилиш, физкультура, спорт билан машғул бўлишнинг ҳам фойдаси бор. Кўпинча семиз қизлар ўз ташқи қиёфасидан уялиб жисмоний тарбия дарсларига кам чиқишади, мактабда эса жисмоний тарбия дарсларига турли баҳона топиб қатнашмайдилар. Шундай ҳолларда мактаб маъмуриятлари ва яна ота-она эътиборли бўлмоғи керак. Ёшларни спорт ва жисмоний тарбия машғулотига жалб қилиб мунтазам шуғулланишларига шароит яратиб беришлари зарур. Ота-оналарнинг намуна сифатида семизликка мойил фарзандлари билан спорт машқларини бажариши радио-телевиденидан бериладиган эрталабки бадан-тарбия машқларини, аэробика машғулотларини бажариши ҳам ёшлар тарбиясида кони фойда.

Юқорида айтилган маслаҳатларга риоя қилинса семизликка мойил ёшларнинг танаси хушбичим, қадди-қомати келишган бўлади. Меҳнат ва ўқиш фаолияти яхшиланади. Врач буюрган доридармон парҳез ва астойдил қилинадиган физкультура, гимнастика семизликни енгади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон ФА Эндокринология институтининг
катта илмий ходими.



Пойдеворсиз қурилган бино ҳар қанча ҳашамдор бўлмасин узоқ турмайди. Заминга чуқур илдиз отган миллий таълим-тарбия пойдевори қолиб, улуғ тўнтаришнинг долғали замонида бегона маданиятга тақлидан зўрма-зўраки, миллий руҳга ёт бўлган усулу шаклларда қайта яра-

ЯНГИ

тилган ўзбек таълим-тарбия силсиласи, мана, маълум вақт ўтиб ўзининг жуда мўрт, кучсиз ва давр талабига жавоб бера олмай қолгани яққол кўзга ташлана бошлади. Бундан етмиш йиллар бурун ўтмишнинг ахлат чуқурига иргитилган миллий таълим-тарбия усуллари асрлар давомида синовдан ўтган ўз афзаллик томонлари бор эдики, ўшанинг натижаси ўларок, халқимиз орасидан дунёга машҳур алломаю-шоирлар, қўли гул ҳунармандлар етишиб чиқди. Миллий қадриятлар қайта тик-

МАЪРИФАТЛАРВАРЛАР

ланаётган шу кунларда миллий мактаб масаласи ғоят муҳим бир тарзда юзага қалқиб чиқмоқда. Зероки, миллий қадриятларимизга қайта жон ато этиш ва уларни халқ орасида яшаб қолиш-қолмаслиги худди шу миллий мактаб масаласининг қай йўсинда ҳал этилишига боғлиқдир.

Миллий мактаб деганда шахсан мен миллий тарбия асосига қурилган бошланғич таълимни тушунаман. Ҳозирги мактабларнинг ўтмишдошидан асосий фарқи, болаларга таълим-тарбия берувчи муаллимлар сонининг (фан предметлари хилма-хиллигига мувофиқ) кўплигидадир. Эски мактаб домласи ёки отин ойиси ўзининг энг муҳим вазифаси деб ота-она унга ишониб (эти сизники, суяги бизники) ташлаб кетган бо-

лани ахлоқли, одобли қилиб тарбиялашни тушунган ва ундан сўнггина саводхонлигини ошириш масаласини қўйган. Ҳозирги мактабларимизда эса бу усул оёғи осмондан қилинган ҳолда қўлланилади. Беш соат дарс давомида, беш хил кийинган, беш хил фъел-атворли ва беш хил муомилали ўқитувчини кўриб унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини ҳали шаклланиб улгурмаган ақл тарозисидида ўзича ўлчаб, баҳолаб ўтирган ўқувчининг тарбияси беш томонга сочилади. Ўзига маъқул бўлган муаллимнинг таъсири остида энди-энди шаклшамойил олаётган ахлоқ-одобини, иккинчи бир муаллим мумдек эзиб-букиб бошқа бир кўйга солиши ҳеч гап эмас. Шунинг назарга олган ҳолда бир муаллим қўл остида билим ва тарбия олишни тўртинчи синфгача эмас, балки 7-синфгача узайтириш ва буни мажбурий таълим даражаси қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина биз ўтмишда донг таратган маърифатпарвар мактабда домлалар ва отин ойилар аънанасини замонавий таълим-тарбия усули ва қуроллари билан қайта тиклаган бўлар эдик.

Математика (риёзиёт), кимё, физика, биология, умуман табиий ва ижтимоий фанлардан пухта билимга эга бўлган ва айниқса миллий қадриятлар заминига қурилган гўзал тарбияни ўзида мужассамлаштирган бундай муаллимлар жамиятимизни соғломлаштиришда, кўплаб қобилиятли инсонлар етказиб беришда бебаҳо хазинага айланган бўлур эдилар. Албатта, бу ишни даставвал миллий мактабга ҳақиқий, замонавий билимлар кони бўлган янги маърифатпарвар муаллимлар тайёрлашдан бошлаш керак деган сўздир. Бу янги маърифатпарварлар мактаб ичида ўз мактабларини барпо этишларига, таълим-тарбия беришда доврўф қозонган баъзиларига эса ҳатто хўжалик ҳисобидаги хусусий мактабларгача ўсиб етишларига тўсқинлик қилмаслик керак. Ана шунда таълим-тарбия бериш, болалар билан ишлаш ғалвали касбдан, рақобатга бардошли ижодкорлар, тинимсиз изланувчилар ва унинг эвазига эл-юрт ўртасида ҳақиқий обрў эгалари касбига айланар эди. Алифбени биринчи ҳарфидан то космик кеманинг тузилишигача, қарра жадвалидан то замонавий компьютерларгача, саломлашишдан куёвлик ёки келинлик одобигача сабоқ берган бундай муаллимнинг обрўсига тенг келадиган обрў бўлмаса керак.

Бизнингча, етти йиллик мажбурий таълимдан кейинги мактабнинг иккинчи босқичида

ўқишлар ихтиёрий танлов билан давом этса. Бу ердаги дарслар тарихан синовдан ўтган ўзимизнинг устоз-шоғирд усули заминига қурилса ва асосан касб-ҳунар ўрганишга ёки фанининг бирон соҳаси бўйича билимларини чуқурлаштиришга йўналтирилса кўнглидагидек бўлур эди.

Абдурахмон ИБРОҲИМОВ.

КЕРАК

«Ёш куч» 1991 йил

Конкурс топшириқларининг жавоблари

Улуғ бобокалонимиз таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурсимиз аввалгиларидан анчагина юқори савияда ўтганлиги табиий ҳолдир. Мухлислар берилган топшириқларга жавоб йўллар эканлар уларнинг тўғри-нотўғрилиги ҳақида ўтиниб сўрашган, аммо минглаб илтимосларни ўз вақтида бажариш имкони бўлмаганлигини уэр ила билдириб қўймоқчимиз. Ҳозирча умумий натижаларни якунлаш устида бош қотираётган эканмиз, сиз азиз конкурс иштирокчиларини берилган топшириқларнинг тўғри ечимлари билан таништириб қўймоқчимиз. Ўз жавобларингизни шунга солиштириб кўрсангиз жами қанча очко тўплаганингиз, спорт разряди талабларини бажарганингиз ва ғолиблар сафига ўтганингизни билиб оласиз деб ўйлаймиз.

2-сондаги топшириқлар.

- 1) 1...Кре4 2. Л:С4х; 1...Ле4 2. Лс3х; 1...Крf4 2. Л:С4х ва 1...Лf4 2. Лс3х; 1. Кd4! (2. Кf5х) 1...Кр:d4 2. Л:с4х ва 1... Л:d4 2. Лс3х
- 2) Лd7! (2. Л:d6х) 1...Се4 2. Фс5х ва 1...Крс6 2. Сb7х
- 3) 1. Лh3! 2. Кс5х ва 2. Фg6х Агар 1. Ле2! (цугцванг) — 2. Сс2х ва 2. Кс5х
- 4) Сg8! 1...Крb2 2. Фа3х; 1...Крd4 2. Фс5х; 1...Сf8 2. Фе5х ва 1...Кd3 2. Ф:g7х

№ 3.




- 1) 1. Лg1! (цугцванг) 1...К~2. Кf7+Крf5 3. g4x! 1...e6 2. Крс4 ва 3. Кg6х; 1...диф 2. Л:d1 ва 3. Лd5х.
- 2) 1. Cf3! 2. Кс6+Крс4 3. Кd6х; 1... К:b4 2. Кb3+Крс4 3. Кd6х; 1...Се5 2. Кd8! К:b4 3. Ке6х ёки 2. С~3. Кс6х.
- 3) 1. Сb4 (цугцванг) 1...ба 2. Крс4; 1...f4 2. Крс4; 1...Кс8 2. Крс5; 1...Кс6 2. Кр:С6; 1...Ке8 (h5) 2. Крс5; 1...Ке6 2. Кре6 ва Кс2х;
- 4) 1. Фа1! (цугцванг) 1...Крс5 2. Фf6! Крс4 (ёки 2...d6) 3. Фс3х; 1...Крd6 2. Фс1! Крс5 3. Фf4х; 1...d6 2. Фh8 Крb7 3. Фа8х ёки 2...Крd7 3. Фе8х ёки 2...Крс5 3. Фс3х; 1...Крb7 2. Крb5 Крb8 (С8) 3. Фа8х

№ 4.

- 1) Лg7+! 1...Крf6 2. Лg6+Крf7 3. Лg4 Лс8 4. С:c4 агар 1. С:c4 Лс8 2b3 у ҳолда 2...Ла6
- 2) 1. g4 Лh3+2. Крf4 Лh4 3. Л:f5!g4 4. Кр:f5 мот бўлмаслик учун қоралар руҳини беришга мажбур.
- 3) 1. Лg5! 1...b3 2. Крf7 Л:e6 3. Кр:e6b2 4. Крf7 Крh6 5. Лg8 Крh7 6. Лb8 ва ҳоказо
- 4) 1. С:g5! Кр: g5 2. d6 Крf6 3. d7 С:d7 4. edКре7 5. Крс5а6 6. Крb6 ва ютуқ.

№ 5.

- 1) 1. фс1—h6 2) 1. Фс6—С7
- 2) 1. Фh1—h7 4) 1. Кс4—е5



Машқий вазифалар.

(1, 2, 3, 4 — диаграммалар).

Шарти: Ҳаммасида оқлар бошлаб 2 юришда мот қилади.

Клуб мутассадиси М. МУҲИТДИНОВ.

№ 6.

- 1) Лf2! (цугцванг) 1...Кре6 2. Сс3! Крd5 3. Ле2 Крс5 4. Ле5х; 1...Крс5 2. Лf5+Крb4 3. Сb2! Кра5 4. Сс3х; 1...Кре4 2. Ке7 Кре3 3. Се5 Кре4 4. Ле2х;
- 2) 1. Сg3! 1...Лf8 у ҳолда 2. Ле8! Л~3. Лh8 ва 4. Л:h2х ва ҳоказо.
- 3) Лb1! Ке2 2. Ле1! Кf4(:d4) 3. Ле4! ва 4. Лg4х ёки Ле6х.
- 4) Крd2! агар 1...Крd4(c4) у ҳолда 2. Се7! 3. Cd6 Крс4 4. Лb4х; 1...g5 2. Сс7! Крd4 3. Cd6 Крс4 4. Лb4х 1...g6 2. Крс3! g5 3. Ла6! Крb5 4. Ла5х

№ 7

- 1) Қисқа йўл—1...с3! 2. Ф:c3 (2. а?? Фd2+3. Крb1 c2+) 2...Фf1+3. Крс2:a6
- 2) 1...Л:g4! 2. Л:g4fг 3. Кр:g4 Крg7 4. Крf5. Крh6 5. Кре5 Кр:h5 6. Крd5 Крg5 7. Крс5 Крf5 8. Кр: :b4 Кре6 (8...Кре5 9. Крс5 ва ютуқ) 9. Крс5 Крd7 10. Крb6 Крс8 11. Кра7 Крс7 ва дуранг
- 3) 1...Крg4 ва ютуқ 2. Лg8 Лb1+! 3. К:h2 Лb2+4. Крg1 Кр:g3 5. Л:g6 К:f4 ёки 2. Лh4+Крf3 3. Лh6g5 4. fгКр:g3 бу оқларни дуранга олиб келади. Агар 1...Кр:g3 2. Лh3+! 2...Крg4 3. Лg3+Кр:f4 4. Лf3+Кре4 5. Ле3+Крd4 6. Лd3+Крс4 7. Лс3+Крb4 8. Лс4 ва ҳоказо
- 4) 1...Крf7 2. Крс6g5 3. Кр:b6g4 4. Крс5 Кре7 агар 4. Кра6 агар 2. Кре5 у ҳолда 2...Крg7 3. Кре4 Крf6 4. Крf4g5+5. hgКрg6 ва ҳоказо.

№ 8

- 1) Сс5?! 1...Ке7~2. Фb7+Кре8 3. d7х; 1...Кd5 2. С:d5~3. Фс6х; 1. Са7! 2. Фd8+Крс6. 3. Фе8х; 1... Ке7~2. Фс8+! Кр:c8 3. Се6х 1...Кd5 2. Фс6+! Кр:c6 3. Са4х; 1...Се5+2. К:e5+Кр:d6 3. Фb8х.
- 2) 1. Кре4! (2. С7!) 1...ed 2. Лh7! С:f6. 3. Кс7х 1...С:d6 2. f7 ва 3. f8Кх; 1...ef 2. Ла7! С:d6 3. Кg7х, 1...С:f6 2. d7! ва 3. d8Кх.
- 3) 1. Ch4! 1...С:e6 2. Фс5!~3.Фf8х ва 1... С5f2. Фd2~3. Фh6х
- 4) le4! хавфли юриш 2. Ке3+Ide 3. Фd5х, 1...e! 2. Л:e3! fe 3. К:e3х; 1...fe! 2. Ф:e3Ide 3. К:e3х

№ 9.

- 1) 1. Се7—f6d5—d4 2. Кg1—e2 Агар 2...a2—a!Ф 3. Ке2—сi! Фа1—a5 4. Cf6:d4 Кре3:d4 5. Ксl—b3+ ва ютуқ.
- 2) 1. Крg4—f4 Крg2—f2 2. Крf4—e4 Крf2—e2 3. Кре4—d4 Кре2—d2 4. Крd4—с5! Крd2—с3 5. Ла8—с8! Лa1:a7 6. Крс5—b6+ ва ютуқ.
- 3) 1. Фh4—e4+Крb7—a6 2. Лh2—h6+Лf1—f6 3. Фе4—f5! ва ютуқ.
- 4) 1. a5—a6b7:a6 2. Крс3—с2h3—h2. 3. Сb2—e5 h2—h1 Ф 4. Ка2—с3+Кра4:a3 5. Се5—d6х

Ёш куч
ياش کوچ

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, безакли ойнама
МУАССИС — УЗБЕКИСТОН ЛКЕИ
МАРКАЗИЙ ҚҶМИТАСИ

№ 11 (64) ноябрь 1991

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси
«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

- Бош муҳаррир —**
Худойберди ТУХТАБОЕВ
- Таҳрир ҳайъати:**
Шоҳруҳ АНКАРОВ — масъул котиб
Хуршид ДУСТМУҲАММАД — бош муҳаррир ўринбосари
Бахтиёр КАРИМОВ
Эркин МАЛИКОВ
Тоҳир МАЛИК
Латиф МАҲМУДОВ
Ҳасан НОРМУРОДОВ
Тўлан НИЗОМ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Акмал САИДОВ
Исроил ТУХТАЕВ
Урол ХОЛМОНОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ
Музроб ҚУРБОНОВ
Турсунали ҚУРБОНОВ
Садриддин ҒУЛОМИДДИНОВ

- Бадий муҳаррир —
Султон СУЛАЙМОНОВ
Саҳифаловчи —
Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ
Мусаҳҳиҳ —
Мақсуда ҲАКИМОВА

«Ёш куч» — ежемесячный, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.

На узбекском языке
Учредитель — ЦК ЛКСМ Узбекистана

Маконимиз: 700113, Тошкент—ЧГСП,
Қатортол кўчаси, 60.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари 78-93-24
Масъул котиб 78-94-73

Бўлимлар:
Мақтаб, фан-техника ва спорт 78-57-84
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат 78-85-64
Хатлар 78-48-85

Таҳририят ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўл-ёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди. Ойнамадан кўчириб босилганда «Ёш куч»дан олинди деб изоҳланиш» шарт.

«Ёш куч» ноябрь, 1991.

«Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмаси

Босмахонага туширилди 18.09.91 й. Босишга руҳсат этилди 9.10.91 й. Офсет усулида чоп этилди. Китоб ойнама учун офсет қоғози. Формати 70×108/8. Шартли босма тобоғи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма тобоғи 10,6. 552642 нусха. Буюртма 5929. Баҳоси: Обуначига — 55 тийин. Сотувга — 80 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси
нашриятининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент 700000 «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Кўркам гуллар.

Суратчи — Умарали ХУШВАҚТ

XX асрнинг буюк рассоми Сальвадор ДАЛІнинг машхур асарларидан бири.

Абдул Ғани ЖУМА суратга туширган.

